

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

Muassis:

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Bosh muharrir:

Minhojiddin MIRZO

Tahririyat:

Bosh muharrir o'rinbosari:

Jalolbek YO'LDOSHBEKOV

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Bahrom BOBOJONOV

navbatchi muharrir:

Manzura SHAMS

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

*O'zbekiston Yozuvchilar
uyushmasi raisi*

Fotih JALOLOV

*O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport ishlari
vazirining birinchi o'rinbosari*

Suvon NAJBIDDINOV

«Matbuot tarqatuvchi»

AK Bosh direktori

Abdulahob NURMATOV

*Andijon viloyati hokimligi
mas'ul xodimi*

Baxtiyor SAYFULLAYEV

*O'zbekiston davlat san'at va
madaniyat instituti rektori*

Norbek TOYLOQOV

*Pedagogika fanlari doktori,
professor*

Rustam QOSIMOV

*«O'zbekiston pochta»
OAK Bosh direktori*

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz
guliston_j@exat.uz

USHBU SONDA:

*Murod ZIKRULLAYEV
Qatag'on qurbonlari yodi
qalbimizda mangu yashaydi*

*Orif HOJIYEV
Ma'naviy jasoratning
yorqin namunasi*

*Nodir NORMATOV
Mustaqillik monumental
san'atda ham yangi davrni
boshlab berdi*

*Sharof USNATDINOV
Obodlik va farovonlik ko'zgusi*

*Dilfuza QARSHIBOYEVA
Iqtidorli yoshlarga
qanot bag'ishlab...*

*Shuhrat RIZAYEV
Dramaturgiya va teatr*

*Abdumajid MADRAIMOV
Milliy madaniyatimizning
noyob namunasi*

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008-yilda ro'yxatga olingan.

Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi.

Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin.

«Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart.

Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma № 122. Adadi: 1000 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 14.08.2015-yilda topshirildi. Bosishga 14.08.2015-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «Mezon Print» XK bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahri, Kichikbeshyog'och ko'chasi, 130-uy.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг қўламли ислохотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **«Бетақроримсан, яғонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!»** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Мазкур дастурни ишлаб чиқишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин:

мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аجدодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берганини кенг акс эттириш;

Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустабид тузумнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, бирёқлама ривожланган ночор иқтисодиётдан, «шок терапияси» каби номаъқул моделлардан бутунлай воз кечиш, машҳур беш тамойилга асосланган ўз тараққиёт йўлини қатъий танлаб олгани ва дунёда «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ушбу ривожланиш стратегиясининг реал натижаларини аниқ таҳлиллар орқали очиб бериш;

яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш


ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланганини кўрсатиш;

тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошгани, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларга асос солинганини атрофлича ёритиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривож учун кенг йўл очиб берилгани, бугунги кунда фермер хўжалиқларимиз нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётгани, балки қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бораётганини кўрсатиб бериш;

1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари — 1,6 карра, картошка — 1,7 марта, сабзавот — 2 баробардан ортиқ, мева — қарийб 4 карра кўпайганини эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида талқин этиш;

мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқараётгани, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётгани ва бошқа мисоллар орқали юртимизда бу соҳа жадал



ривожланиб, ўрта синф — мулкдорлар синфининг жамият таянчига айланиб бораётганини намойён этиш;

ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётганини бу борадаги амалий ишларимизнинг яққол самараси тариқасида акс эттириш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича жорий этилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб бериш;

мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳолимиз, биринчи навбатда кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар изчил ошиб бораётганини, биргина 2014 йилда бу рақам 60 фоиздан ортганини мазкур йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ишларимизнинг манتيкий натижаси сифатида кўрсатиш;

замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишларнинг моҳиятини очиб бериш. Шулар қаторида фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланаётгани ва бошқа мисолларда соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганини ёритиш;

юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш — бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканига алоҳида аҳамият қаратиш;

Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани ва бошқа мисоллар ёрдамида юртимизнинг барқарор тараққиёт суръатларини теран очиб бериш;

биз қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб,

фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганига алоҳида урғу бериш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига Ватанимиз мустиқиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш ва тегишли тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустиқиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

6. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

8. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна», Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Бадий академия ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда «Энг улуғ, энг азиз», «Ватан учун яшайлик», «Ранглар жилосида — она диёр» каби аънавий кўриктанловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улшларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустиқилликнинг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 17 июль



MA'NAVIY YUKSALISH YO'LIDA

Бу йил энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигини кенг нишонлаймиз. Истиқлол бутун халқимиз, эл-юртимиз учун ўз тақдирининг чинакам маънодаги ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз кадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириши учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Айнан Мустақиллик туфайли бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, ўзлгимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, бунёдкор халқини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони очилди. Ватанимиз озодлиги боис бизни жаҳон янада яхшироқ таниди. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила диёримизнинг шон-шухрати олам узра янада кенгроқ ёйилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар босқичма-босқичлик тамойилига асослангани, ушбу тараққиёт йўли нечоғли тўғри ва ҳаётий эканини хорижий эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар ҳам эътироф этмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Тараққиётнинг ўзбек модели» ва машхур беш тамойил асосида амалга оширилаётгани эришилган муваффақиятларнинг энг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Халқимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгач, ўтмишга, бой тарихий меросимизга, маънавий қадриятлар ва анъаналаримизга писандсиз қаровчи кучлар, таъсирлар барҳам топди. Миллий маънавиятимиз чинакам маънода эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлди. Унутилишга маҳкум этилган миллий байрамлар ва урф-одатларимиз, эзгу анъаналаримиз қайта тикланди. Шунинг баробарида она диёримизда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг ўзлиги ва маданиятини ривожлантириш учун етарли имкониятлар яратиб берилди. Халқимиз, миллатимиз гурури ва ифтихори бўлган, ҳамиша кимлигимизни англатиб, бизни улуг ишларга сафарбар этувчи заминимиздан етишиб чиққан кўплаб улуг зотлар — давлат арбоблари ва саркардалар, буюк олимлар ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар руҳи, меросига муносиб эҳтиром кўрсатилди. Яна бир муҳим жиҳати, миллий давлатчилигимиз, тарихимиз, улкан илмий ва маънавий мероси соҳиблари бўлган аждодларимиз нафақат юртимизда, балки бутун дунёда эъзоз топа бошлади.

Мустақиллик йиллари солномасига назар ташлар эканмиз, унда олтин ҳарфлар билан муҳрланган шундай саналар борки, уларни ҳар гал эслаганда юракда чексиз гурур ва ифтихор туйғуларини туямиз. Аждодларимиз маънавий хазиналарини ўрганиш баробарида ўзимиз ҳам улар каби буюк ишлар қилишга бурчли эканлигимизни англаймиз. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек, «Ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз» деган даъват мудом бизни эзгу ишларга чорлаб туради.

ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, мамлакатимизда дунёга машхур Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, Аҳмад Фарғоний,

Имом Бухорий, Имом Мотрудий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек каби алломаларнинг юбилейлари, «Авесто», «Алпомиш» каби кўхна маънавий ёдгорликларимиз, Ватан озодлиги йўлидаги толмас курашчи Жалолиддин Мангуберди, буюк давлат арбоби Амир Темури таваллудига бағишланган тантаналар маънавий ҳаётимизда нечоғлик муҳим воқеалар бўлганлигини фахр билан таъкидлаш ўринлидир.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги Шаҳидлар хиёбони мажмуаси, Самарқанддаги Шоҳизинда, Тошкентдаги Ҳазрати Имом, Қаршидаги Одина каби қатор мажмуаларда улкан бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилдики, булар маънавий ҳаётимизни янада бойитишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Тошкент ва Навоий шаҳарларида Алишер Навоий, Фарғона шаҳрида Аҳмад Фарғоний, Урганчда Муҳаммад Мусо Хоразмий, пойтахтимизда Мирзо Улуғбек, Фафур Фуло, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Ойбек, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова сингари олимлар ва адибларимизга ҳайкаллар ўрнатилиши, улар меросини ўрганиш халқимиз маънавий оламини ҳар томонлама бойитди, ривожлантирди.

Ҳар бир халқ, миллат нафақат миллий давлатчилиги, миллий маънавияти ривожига, балки дунё тамаддуни тараққиётига кўшган ҳиссаси билан улугланади, эътироф этилади. Ана шу маънода, буюк аждодларимиз меросининг бошқа халқлар томонидан тан олиниши табиийки, халқимизнинг гурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга муносиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда дунёда аждодларимизнинг сўнмас даҳосига, улар қолдирган бой илмий ва маънавий меросга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, улар меросини ўрганишга бўлган қизиқиш ва интилишнинг ортиб бораётганлиги барчамизга мамнунлик бахш этади. Жумладан, Белгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Боку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ҳурмат сифатида муаззам ҳайкалларнинг ўрнатилиши ҳар бир ватандошимиз қалбида чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади.

Истиқлол туфайли кўхна қадриятларимиздан бири бўлган янгиланиш ва эзгулик тимсоли — «Наврўз» байрами чинакам маънода одамийлик, меҳр-мурувват, саховат каби олижаноб урф-одатларимиз, халқимиз дилида минг йиллар давомида яшаб келаётган ўлмас санъатимизнинг бетакрор ифодачисига айланди.

Ўтаётган ҳар бир кун тарихга айланиб бормоқда. Қайси бир халқ вақтдан оқилона фойдаланиб, эзгу орзуниятларни рўёбга чиқарса, шу йўлда фидокорона меҳнат қилиб, нурли келажакка замин яратса, ўша мамлакат обод, ўша халқнинг обрўйи, қадди-басти баланд бўлиши шубҳасиз.

Халқимиз, давлатимиз раҳбари бошчилигида ана шундай бунёдкорлик йўлидан бориб, мангуликка дахлдор мўътабар ишларни амалга оширмоқда. Буни биз ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Айниқса, мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдонида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари диққатга сазовордир. Бугун бу



мўтабар маскан Ватанимиз, тараққиётимизнинг ва эзгу интилишларимизнинг мумтоз тимсолига айланди.

Мустақиллик майдони халқимиз озодлигининг, аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «Эзгулик аркаси» ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланди. Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истаксиз одамнинг ўзи йўқ. Бугунги кунда бу дарвоза остонасидан ўтаётган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлмоқда.

Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда ҳам кенг қўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси, Сенат бинолари, «Эзгулик аркаси», Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди, янги маъмурий бино, Бизнес маркази, Ёшлар ижод саройи фойдаланишга топширилди.

Бундай катта бунёдкорлик ишлари тўфайли бугунги кунда бу масканнинг нафақат қиёфаси ўзгарди, балки у бутунлай янги маъно-мазмун касб этди. Бу майдон юртдошларимиз ҳамда мамлакатимизга ташриф буюрган Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, мўтабар меҳмонлар зиёрат қиладиган қутлуғ маконга айланди.

Мустақиллик тўфайли мусиқа, маданият, амалий тасвирий санъат каби йўналишлар ривожига катта эътибор берилди.

Республика Президентининг ташаббуси билан Тошкентда янги, замонавий Давлат консерваторияси барпо этилди. Ўзбек миллий академик драма театри, Рус академик драма театри, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти, Тасвирий санъат галереяси, Халқаро анжуманлар саройи, Фаргона Санъат саройи учун янги, муҳташам бинолар қуриб берилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги театрлар, кўғирчоқ театрлари, музейларда улкан таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Улар бугунги кунда минглаб санъат ихлосмандларини ўзига жалб қиладиган маданият масканларига айланди.

Ўзбекистон машҳур мусиқа ва театр фестивалларига, ижрочилар танловлари ва кўргазмаларга ҳам мезбонлик қилмоқда. Хусусан, тобора иштирокчилар сони кўпайиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бутун жаҳон маданий жамоатчилиги ўртасида кенг шухрат қозонмоқда.

Ўзбек халқининг кўҳна анъаналари сақланиб қолган халқ амалий санъатини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Миниатюрочи рассомлар, кулоллар, наққошлар, тикувчилар, гилам тўқувчилар ҳақиқий санъат асарларини яратмоқда. Жаҳон миқёсидаги халқаро кўргазма ва танловларда юртдошларимиз, айниқса, ёш истеъдодлар муваффақиятли иштирок этмоқда.

Ҳаётимизга янги бир эзгу қадрият сифатида Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш анъанавий кўриниш касб этиши, пойтахтимизда, вилоят ва туманларда халқимизнинг руҳи ва қарашларига ҳамоҳанг бўлган Хотира майдонлари ташкил этилиб, Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилиши асл инсоний маъно-моҳиятнинг тикланишига олиб келди.

Барпо этилган ёдгорлик мажмуаларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари махсус лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Улар ҳақидаги маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат «Хотира» китоби чоп этилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, мана шундай янгилиниш жараёнлари тўфайли халқимиз онгу тафаккури, уларнинг Ватан тақдирига, ён-атрофда юз

бораётган воқеа-ҳодисаларга муносабати тубдан ўзгармоқда, эл-юртимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, халқимизнинг амалга оширилаётган кенг қўламли янгилишларга дахлдорлик ҳисси, мамлакатимизнинг келажигига бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Бугун истиқлол йўлида шаҳид кетган аждодларимизнинг орзу-армонлари рўёбга чиқмоқда. Шукрки, истиқлол боис қанчадан-қанчадан кўзларига қум тўлган маънавият булоқларининг кўзи очилди.

Қачонлардир аждодларимиз учун комил инсонни тарбиялаш орзу эди. Бугун баркамол авлодни тарбиялаш, улар қалби ва онгига энг гўзал ҳаётий гоёларни сингдириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтириш, уларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш давлатимизда энг улуғ, энг муҳим вазифага айланди.

Истиқлол боис улкан маънавият дарёмиз ўз ўзани бўйлаб оқа бошлади. Ундан бахрамандлик, қалбимизда миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватан олдида масъулик каби эзгу инсоний туйғуларни тарбиялаб камол топдиради. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди». Маънавият — инсон зийнати, у мудом инсонни камолотга, қалб ободлигига эришиб, оламни обод этиш сари етаклайди.

Шу ўринда мустақиллик йилларида жорий бўлган яна бир эзгу анъанани айтиб ўтгимиз келади.

Тошкентнинг Юнусобод туманида қатағон йиллари қанча-қанча юртдошларимиз, халқимизнинг асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган жойда 2000 йили «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ташкил этилди. 1 сентябрь мамлакатимизда Мустақиллик куни сифатида байрам қилинса, 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Бу билан истиқлол дея, озодлик дея шаҳид кетган аждодлар руҳига муносиб ҳурмат бажо келтирилди.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз тараққиёт пиллапояларидан янги-янги чўққилар сари қадам қўйди. Замон суръатлари шиддат билан тезлашди. Давр олдимизга қанча муаммо ва масалаларни қўйди. Маънавий ҳаётимиз ана шу синовларда тобланиб, юксалиб келмоқда.

Бир зум ҳаёлан ўтган йилларга назар ташлаймиз. Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик? Донишмандлар «Ободлик — озодликнинг меваси» деганда ҳақ экан. Мустақиллик, Озодлик йўли бу бунёдкорлик йўлидир! Биз тарихан қисқа давр мобайнида не-не синовлардан ўтдик, не-не машаққатларни енгдик.

Бугун Соҳибқироннинг муҳташам ҳайкали турган Амир Темур майдонини кезиб, беихтиёр ўтган йилларни ҳаёдан ўтказар эканмиз, яна давлатимиз раҳбарининг сўзларини эслаймиз:

«1993 йили Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиёбонида ўрнатиладиган ҳайкални илк бор муҳокама қилганимиз эсимда. Ҳайкалтарошлар тақдим этган вариантда Соҳибқирон кўлига найза тутган ҳолда тасвирланган эди. Мен бунга эътироз билдириб, «Соҳибқирон бобомиз кўлида найза эмас, отнинг жилловини тутиб тургани маъқул, — деган фикрни билдирдим. Бунинг рамзий маъноси бор. Чунки салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жиллов Амир Темурнинг кўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини қўлда маҳкам тутиб туришини англатади».

Ҳа, бугун давлат тизими ўз кўлимизда! Бу халқ энди отининг тизгинини ҳеч кимга бермайди. Ҳеч шубҳасиз, Мустақиллик — бахтли ҳаётимиз, эркин ва фаровон келажигимизнинг гаровидир.

Тахририят

QATAG'ON QURBONLARI YODI QALBIMIZDA MANGU YASHAYDI

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Ислон КАРИМОВ

Хотира — аждодларга кўрсатилган юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Истиқлолнинг илк йилларидан тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар халқимизнинг ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини ўзида акс эттириб келмоқда.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган хайрли ишлардан бири, бу шубҳасиз, собиқ тузум даврида бегуноҳ қурбон бўлган, ўтган асрнинг 30-50 йилларида «халқ душмани» сифатида қатағон этилган ва номлари тарихдан ўчириб юборилган сиймолар хотирасини тиклаш ҳамда абадийлаштириш бўлди.


Тарихдан маълумки, мустақиллик даврида халқимизнинг минглаб эркесвар фарзандлари қатағон сиёсатининг қурбони бўлди. Зулм ва зўравонликка асосланган мустабид, бешафқат тузум даврида миллат қадр-қимматини теран англаган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган таниқли давлат ва жамоат арбоблари, маориф, фан ва маданият намояндалари қаторида минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-қосиблар, ишчи-хизматчилар қатл этилди. Қатағоннинг

асосий зарбаси миллат зиёлиларига қаратилди. 1936-1940 йилларда 5758 нафар ўзбек ёзувчи, журналист ва жамоат арбоблари қамоққа олинди, шулардан 4811 киши отиб ташланди.

1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун эса Ўзбекистон бўйича қарийб юз минг киши ҳибсга олиниб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш kifоя. Шаъни топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилаётган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг миқёси янада яққол намоён бўлади».

2000 йил 12 май куни мамлакатимиз маънавий ҳаётида улкан тарихий воқеа рўй берди. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди. Мустақиллик йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотирасига кўрсатилган эҳтиром намунаси эди бу.

Ёдгорлик мажмуасининг Юнусобод туманида барпо этилгани бежиз эмас. Ўтган асрнинг 20-йиллари аввалидан 40-йилларига қадар ўлим жазосига ҳукм қилинган сиёсий маҳбуслар шу ердаги қатлгоҳларда отилиб, кафансиз, жанозасиз дафн этилган. Айнан шу ерда ўша давр ўзбек зиёлиларининг энг сара вакиллари пинҳона йўқ қилинган.



Бу ерда отиб ўлдирилганлар ичида ўзбек миллий романчилик мактаби асосчиси, ёзувчи Абдулла Қодирий, олим ва драматург Фитрат, янги ўзбек шеърляти асосчиси Чўлпон ва бошқалар ҳам бор эди.

Мажмуанинг ёрқин газғон мармари билан қопланган 8 та устунни кўкка бўй тутган қат-қат бурмали зангори гумбазни тутиб туради. Гумбазнинг ички қисми ганч ўймакорлиги билан безатилган бўлиб, ўзбек ва инглиз тилида «Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган шаҳидлар хотираси мангу яшайди», деган ёзув битилган. У ерда нақшинкор миллий асосдаги ўймакор қабр тоши ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, 31 август мамлакатимизда «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини» деб эълон қилинди. Ёдгорлик мажмуасининг маънавий-маърифий маркази ҳисобланган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи эса 2002 йил 31 августда қуриб битирилди ва очилди. Шу йили Ўзбекистонда «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини» илк бор нишонланди. Мана шу кунда оғир синовли дамларни бошидан кечирган меҳнаткаш халқимизнинг юракдаги ушалмаган орзулари амалға ошиб, қуёш нурлари каби қайта порлади. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ҳам, мазкур музей ҳам қисқа муддат ичида Тошкентнинг зиёратгоҳ масканларидан бириға айланди.

Президентимизнинг 2008 йил 5 майдаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини бажариш мақсадида музей биносини кенгайтириш бўйича кўшимча қурилиш ишлари амалға оширилди, музей экспозицияси тубдан янгиланди.

Бугун «Шаҳидлар хотираси» майдони ҳамда музейда ўтказилаётган турли учрашув ва суҳбатлар зиёратчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, умрида «қатағон» сўзини эшитмаган, бир пайтлар қариндош-уруғлари, ватандошларининг айбсиз ўлимға маҳкум қилингани, кимсасиз масканларға

сурғун қилингани, жазо лагерларида азоб-уқубат чекканини билмаган, хуррият замонида эмин-эркин камолға етаётган ёшлар музей экспозициялари билан танишиб, ҳайратға тушмоқдалар. Музей уларнинг тарихий ҳақиқатни теран англаган ҳолда мустақиллик билан мустамлакачилик даври ўртасидаги катта фарқни кўриши, истиқлол даври қадриятларини ҳурмат қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Муаззам ёдгорлик мажмуаси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи кун сайин юрт тинчилиги ва озодлиги, миллатнинг шаъну шавкати, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун ўзини фидо айлаган ватандошларимиз хотирасиға ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжумлашиб бормоқда.

«Қатағон қурбонлари хотираси» музейиға йилида ўрта ҳисобда 50000 га яқин зиёратчи ташриф буюраётгани фикримизнинг яққол далилидир. Ташрифчиларнинг аксарият қисми, аниқроғи, 55 фоизи ёшлар эканлиги янада қувонарли ҳолдир. Зиёратға МДХ ва бошқа хорижий мамлакатлардан ҳам жуда кўплаб ташрифчиларнинг келаётганлиги жаҳон ҳамжамиятининг мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий адолатни қарор топтириш, аждодлар хотирасини абадийлаштириш борасида амалға оширилаётган асрларға татигулик хайрли ишларға бўлган катта қизиқиши ҳамда эришилган ютуқларнинг ўзига хос эътирофидан далолат, десак муболаға бўлмайди.

Ўтмиш ва тарихни билиш, англаш, аввало, ўзимиз, қолаверса, фарзандларимиз учун ўта муҳимдир. Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш эса халқимиз учун энг муқаддас фазилатдир. Мустақиллик байрами арафасида эришилган ғалабаларни нишонлаш, бугунги кунимизға шукроналар айтиш анъанаси бардавом экан, Ватан озодлиги учун курашган ҳамюртларимиз ёди ва жасорати ҳамisha қалбларда эъзоз топаверади.

Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ,
«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи
директор ўринбосари





MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA



Руслан НУРУДИНОВ,
Оғир атлетика бўйича
жаҳон ва Осиё чемпиони:

— Озодлик — улуғ неъмат. Ҳозирга қадар эришган барча ютуқларимни истиқлол туфайли қўлга киритдим. Ўзим ҳам истиқлол тенгдошиман. Жаҳон ареналарида нуфузли мусобақаларда курашганимда ортимда она халқим, яқинларим турганини ҳис қиламан.

Спорт инсонни ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиниқтиради, спортчида юксак иродани шакллантиради. Мустақиллик менга ўзим истаган йўлни танлаш имконини берди. Олдимда ҳар қандай қийинчилик-

лар бўлмасин, менга халқимиз ва юртдошларимиз катта мададкор бўлади. Чунки юртим, халқим учун курашаман.

Спортчи, аввало, ўзига талабчан бўлиши керак. Ўз устида тинимсиз ишлаши зарур. Шундагина кўзлаган мақсадига эришади. Айки пайтда Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги олимпиадада олтин медални қўлга киритиш ва юртимга ёруғ юз билан қайтиб келиш орзуси билан яшаяпман. Бу мақсад йўлида халқаро мусобақаларда иштирок этиб, зарур балларни йиғиб, тажрибамни ошириб боряпман. Ҳозирда турли халқаро мусобақаларда ва иккита жаҳон чемпионатида иштирок этдим. Олдимизда яна иккита жаҳон чемпионати турибди. Терма жамоанинг барча аъзолари бир тану бир жон бўлиб мусобақаларга тайёрланаёпмиз. Насиб қилса, ҳаммамиз олимпиада ўйинларида совриндор бўламиз.



Шариф ХАЛИЛОВ,
2012 йилги ёзги
паралимпия ўйинлари
кумуш медал совриндори,
2014 йилги параосиё
ўйинлари чемпиони:


— Мустақиллик бутун халқимиз қатори бизнинг оиламизга ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Дадам раҳматли «Сизларда имкониятлар жуда катта. Болам,

бундан оқилона фойдаланинглари. Бизнинг ёшлигимизда бундай имкониятлар йўқ эди. Ҳозирги спорт анжомлари, заллар қаёқда эди. Очиқ майдонларда шуғулланардик. Буларнинг ҳаммаси ўз йўлига, биз ўз Ватанамиз номидан халқаро турнирларда иштирок этолмасдик. Очиғи, Осиё ва жаҳон чемпионатларида юртимиз шарафини химоя қилаётган спортчиларга ҳавасим келади» деб кўп таъкидларди. Шунинг учун ёшлигимдан юрагимда спортга меҳр уйғонган. Мустақиллик шарофати билан дадам орзу қилган, эришолмаган ютуқларга мен эришдим. Уларнинг ниятларини амалга оширдим. Кўплаб халқаро мусобақаларда мени эълон қилишаётган вақтда юртим номи тилга олинганида фахр, ғурур туйғуси

қалбимда жўш уриб кетади. 2012 йил Лондонда бўлиб ўтган паралимпияда ўйинларидаги баҳсим 1 сентябрь кунига тўғри келиб қолган эди. Кураш олдидан мендан интервью олишганда «Бу кун юртимда истиқлол байрами, бор кучим ва ишончим билан курашаман» деган эдим. Ва Лондон олимпиадасидаги медалимни мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаганман.

Ҳозирги кунда чиқиб келаётган ёш спортчи укаларимиз биздан-да юксакроқ натижаларга эришишларини истардим. Бунинг учун айки дамда барча шарт-шароитлар бор. Тинимсиз машғулот ҳар қандай спортчини юқори ўринларга кўтаради.

Эндиги олий мақсадим, 2016 йил Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган паралимпияда ўйинларининг олтин медалини қўлга киритиш. Кореяда бўлиб ўтган Бутунжаҳон ўйинларининг финалида мезбон спортчиға ютқазиб қўйдим. Бироқ финалға қадар Лондон паралимпиядасида голиб бўлган украиналик спортчини ва бошқа рейтингни юқори дзюдочиларни енганигим боис, зарур бўлган баллни қўлга киритдим ва «Рио — 2016»га йўлланмани қўлга киритдим. Олимпиадаға жами 1000 балл тўплаган спортчиға йўлланма берилади. Бундан кейин ҳам ўзим иштирок этадиган барча мусобақаларда муносиб иштирок этиб, туғилиб ўсган диёримни оламға танитиш мақсади билан яшайман.



**Хушвақт
МАРДОНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон халқ
бахшиси:**

— Отам Мардонақул бахшининг номи бутун воҳага таниш эди. Тўйларда, йиғинларда дoston айтиб, элга хизмат қилиб, умри ўтди. Бутун Сурхондарё, Қашқадарё тўйларида Шерободдан Мардонақул бахши келибди, деса одамлар йиғилиб келаверган. Тунни тонга улаб, дostonлар айтишган. Бироқ овози воҳадан чиқмай ўтиб кетди...

Бир замонлар эл ичидан чиққан бахши Халқ бахшиси бўлади, деса ким ишонарди? Ўзим ҳам ишонмасдим. Мана, озод замонларнинг йигирма тўртинчи йилини ҳам яшаймиз. Одамлар, айниқса, ёшлар саодатли кунлардан бахтиёр. Улар катта-катта мақсадлар билан дадил гапиришади. Бир пайтлар Шерободдан биров Тошкентга бориб келибди, дейишса кўни-кўшни-

лар ўша ҳамқишлоқни зиёрат қилгани чиқишарди. Ҳозир қишлоқ болалари чет тилини билишади. Чет элларда ўқиб, тажриба орттириб келган ёшларни кўриб, шу кунларга етказганига шукр, деймиз.

Мен отамнинг термалари нега маҳзун бўлганини энди-энди тушунапман. Етмиш беш ёшга етдим. Отам айтган дostonларни айтаяпман. Лекин завқи, шавқи бошқача. Бир нечта китобларим чоп этилди. Шогирдларим юздан ошиқ. Бир йиғилиб мушоира ўтказамиз десам, қанчасига гал тегмай қолади. Ҳозир бахшичилик анъаналарига эътибор борлигидан Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Қорақалпоғистон бахшилари ҳам ўз усуллари, айтимлари билан анъаналарни давом эттиришяпти. Аёллардан ҳам бахшилар чиқди. Уларнинг айтишувларини, чечанлигини кўриб, яйраб кетаман.

«Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустам», «Авазхон» сингари дostonлар халқ билан бирга яшайди. Буларнинг ҳаммаси саодатли кунлар боис. Мен бу кунлар тўғрисида ўз дostonимни яратаман. Шогирдларимга ўргатаман. Президентимиз тақрор ва тақрор айтганидек, «Мустақиллигимиз абадий бўлсин!»



**Асрол
МУХТОРОВ,
Ўзбекистон халқ
устаси:**

— Кўнгил ободлигида гап кўп. Кўнгли обод инсон бошқа одамларга ҳам, эл-юртга ҳам ободлик улашгиси келади. Мен ҳар бир бино, ҳар бир хонадондан гўзаллик уфуриб туришини истаيمان. Одамлар ўзлари яшаётган, ишлаётган, дам олаётган жойларидан завқ олсин. Бу йўлда биз уста ганчкорларнинг озми-кўпми меҳнати бўлса, аввало, ўзимиз бахтиёрмиз.

Ўн бир ёшимда отам уста Маҳмуд Усмоновга шогирдликка берганлар. Дастлаб, бошидан оёғига чанга беланиб ишлаётган усталарни кўриб қочиб кетгим келган. Устозим «Қани, биз ишлаган нақшларни бир кўринг-чи», деб тайёр ишларини кўрсатган. Шунда юрагимга чўғ тушган. Бу чўғ бора-бора алангага айланди. Устозимдан илк бор оқ фотиҳа олган куним эса чинакам байрам бўлган. Ганчкорликнинг асрлар давомида сайқал топган анъаналари бор. Устозлардан шогирдларга ўтиб, такомиллашиб келаётган бу анъаналар ҳеч қачон қадрини йўқотмайди. Боғбон ниҳол экади, парваришлайди, ҳосил етилганидаги сурур, завқ фақат ўзига аён. Биз усталар ҳам ганчнинг чангини ютиб, сайқал бериб, тайёр бинони топшираётгандаги завқ худди шунақа бўлади. Мухташам «Туркистон» саройидаги нақшинкор қандилларни илк бор устозим ёрдамида ишлаганимда ганчга сабр, кунт, эҳтиёткорлик ва меҳр билан ёндашишни ўргандим. Ҳаётимда нимаики яхшилиқка эришган бўлсам, устозим ўгитлари, ҳалол меҳнатим, астойдил изланишим, ганчкорликни севган, меҳрини берган шогирдларим туфайли эришдим. Ҳозирги кунда бир юз ўттиздан ортиқ шогирдларим бор. Улар ҳам ўз навбатида устоз бўлиб шогирдлар етиштираётгани мени қувонтиради. Кўнгилни нақшга туширишни ўрганган шогирд келажакда зўр наққошганчкор бўла олади. Мен шогирдларимдан, аввало, шу сифатни ахтараман.

Пойтахтимиздаги Олий Мажлис биноси, Тошкент Халқаро аэропорти, «Ўзбекистон» сув спорти саройи, Байналмилал маданият маркази, Темурийлар тарихи давлат музейи, Марказий банк биноси, Халқ амалии санъати музейи, Зангиота зиёратгоҳидаги Анбар биби мақбараси, Бухоро шаҳридаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаларининг устунларида, шарафпештоқларида, ичидаги гўзал панжаралару қандилларда менинг ҳам ганчкор сифатида бир оз бўлса-да ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Кейинги пайтларда ганч ўймакорлиги санъати юксак даражада ўсди. Халқ бадий хунармандчилигини ривожлантиришга катта эътибор берилаётган бир пайтда ёшлар бундай ажойиб хунарларни кунт билан, эринмай ўрганишлари даркор. Бетакрор анъаналаримизнинг бардавомлигига шу йўл билан эришамиз. Шу маънода «Уста ва шогирд одоби», «Ганчдаги гуллар боғбони» сингари китоблар, профессор С.Булатов билан ҳаммуаллифликда «Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами», «Ганчкорлик санъати» рисоаларини чоп эттирдик. Яқинда анча йиллардан бери кунт ва меҳримни бериб ишлаётган диаметри ўн метрлик қандилни якунига етказдим. Меъморларнинг ишлари ўзлари ҳақида сўзлаб туради. Анъаналаримиз шунинг учун асрлар ошиб бизгача етиб келган. Уларнинг умрбоқийлигига арзимас ҳисса қўшсам, ўзбек ганчкорлик мактаби анъаналарининг давом этишида, такомилда ҳиссам бўлса, умрим бесамар кетмаган бўлади.

Баландпарвоз гаплардан йироқман. Бироқ ҳамisha мустақиллик туфайли эришганларим тўғрисида фахрланиб гапираман. Бир неча танловлар ғолиби ва совриндориман. Ўзбекистон Бадий академиясининг Олтин медали, халқаро мукофотлар соҳибиман. Илгарилари биз каби усталар ҳақида гап кетса, чанга беланган, юпун одамлар тасаввур қилинади. Ҳозир «Хунарманд» уюшмаси аъзосиман. Энг катта ютуғим — 1999 йилда Ўзбекистон халқ устаси унвони билан тақдирландим. Бу қилган, қилажак меҳнатларимнинг юксак эътирофи, мукофоти бўлиб қолади. Меҳнат қилган элда азиз, дейишади. Мен шундай ўз халқим, ўз элимнинг ҳурматида сазовор бўлган устаман.

Tilimni nayga jo'r etding



ЧЎЛПОН

уйқу

«Бормайман деди» куйига

Жим туринг, шовқинламанг, уйқу ичинда ул пари,
Юрма, тек тур, эй шамол, юрсанг-да юр бир оз нари.

Кўқда бир тўп қиз-малак уйқу куйини бошлади,
Илгари чалган тирик, жонли куйини ташлади.

Бош учида айланар бир тўп фаришта жимгина,
Кўк элининг тангриси — ой ҳам қарайдир тинчгина.

Ул олос кўзлар юмулган... куйни ёндиргачгина,
Кўп гўзал кўзларни юмдиргач, уялдиргачгина...

Чарчаган, толган, умидсиз кўзларим тўймай қарар,
Хар қарашда кўнглима минг турли ўйларни солар...

Бу ётиш, бу уйқу, бу қандай ширин, қандай гўзал,
Жонланар, юз кўрсатар синган ва ясанган амал.

У ётиш, уйқу на ерда, на хаёлий кўқда бор,
Бу гўзал, сирли томоша менда, мен ўксукда бор.

Жим туринг. Шовқинламанг, уйқу ичинда ул пари,
Кўзларим тўймай қарар, борлиқ кўринма, тур нари...



ЭЛБЕК

ҚАЛБИМ

Хаёлим қўлимдан капалак каби
Учқиниб йўқолди, билмадим қайга,
Уни ахтараркан, қалбим назари
Ташланди ялтираб турувчи ойга.
Ҳой, сўйла ой! Менинг хаёлим қайда,
Ё сен ўғирлаб олиб қўйдингми?
Ҳой қалбим, айтгил сен, у қайси жойда?
Ёки сен ҳам ахтаришдан тўйдингми?
Англадим, тушундим, хаёлим менинг
Шу чиройли ойнинг қўйнига қочган.
Балки қалбим сенга, кўзларинг сенинг
Уни кўра олган, ой сирин очган.

**БОТУ****ХИЖРОН ТЎЛҚИНИ**

Бу тун кечада хаёлга чўмиб,
Ёниқ руҳимни қайғуга кўмиб,
Хижрон ўтида ўртаниб, куйиб,
Гўзал малакни эсламакдаман.

Биз яшайтурган бу тубанларга,
Нур сочиб турган ой, юлдузларга,
Юрак дардларин сўзламакдаман,
Гўзал кўёшни эсламакдаман.

Кўрагим ўтли, юрагим дардли,
Рухим қайғули, кўзларим ёшли,
Бояқиш кўнглим чин муҳаббатли,
Гўзал чечакни эсламакдаман.

Меним фариштам бундай тунларда
Эслармикан ҳеч мен йўқсилни-да?

**Усмон НОСИР****ЮРАК**

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан,
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Сен, эй сен — ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тирикман, куйла борингни!

Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!

MADANIYAT XABARLARI**Эъзоз ва эҳтиром кечалари**

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан «Кексаларни эъзозлаш йили»га бағишлаб меҳнат фахрийлари ва нурунийлар учун республика бўйлаб Маданият ва истироҳат боғларида таниқли ва эл ардоғидаги санъаткорлар иштирокида мусиқий кечалар ўтказилди.

Аҳолига юқори даражада маданий хизмат кўрсатиш, миллий ижрочилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда миллий қадриятларимизни ёш авлодга янада чуқурроқ сингдириш мақсадида ташкил этилаётган маданий тадбирларда Ўзбекистон бадиий жамоалари ижодий бирлашмаси хонандалари, Ўзбекистон халқ ҳофизлари, Ўзбекистон халқ артистлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар иштирок этдилар. Кекса ва нуруний отахонлар, онахонлар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўлик ва эътибордан мамнунликларини билдиришди. Жойларда ташкил этилаётган бу каби тадбирлар йил бўйи давом этади.

Ҳофиз хотирасига бағишланди

Юртимизда ўзбек миллий мумтоз мусиқа ижрочилик санъатини авлоддан-авлодга етказишга муносиб улушини қўшган инсонлар талайгина. Шубҳасиз, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов ана шулар сирасидан эди. У куйлаган «Суратинг», «Мустаҳзод», «Бир келибкетсун», «Шайдо бўлибман» каби ўнлаб қўшиқлари санъатимиз шинавандалари кўнглидан муқим жой эгаллаган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий методика маркази ташаббуси билан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ушбу санъаткорнинг хотирасини ёдлаш, қолаверса, унинг ижрочилик мероси ва услубини тарғиб қилиш мақсадида республика кўрик-танлови ўтказиб келинаётир.

Жумладан, Урганч шаҳридаги «Истиклол» маданият ва аҳоли дам олиш марказида Ўзбекистон халқ ҳофизи М.Узоқовнинг хотирасига бағишланган кўрик-танловнинг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда воҳада фаолият юритаётган яккагон хонандалар ва ҳаваскор ижрочилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига биноан, қўшқўпирлик Эргаш Жуманиёзов вилоят босқичи ғолиблигини қўлга киритди. Хивалик ёш санъаткор Жасурбек Қурбонов иккинчи, Урганч шаҳри вакили Музаффар Нуруллаев учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Ўз навбатида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланишди. Бунинг баробарида ушбу ижрочилар кўрик-танловнинг Марғилон шаҳрида уюштирилаётган республика босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлишди.

Икром ХУДОЙБЕРГАНОВ



Dunyoni maftun aylagan taronalar

Бу фестиваль биз яшаётган бугунги нотинч ва ўта мураккаб замонда элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа оҳанглари орқали одамлар қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига пайванд этиш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазовор.

Ислом КАРИМОВ

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ижрочи директори Тўрабек Маҳмудов билан суҳбат

арафасида қадимий Самарқандда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида шаҳар аҳолиси ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Маълумки, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бу йил ўнинчи маротаба ўтказилади, тайёргарлик жараёни ҳақида гапириб берсангиз?

— Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган, ҳар икки йилда энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги тантаналари арафасида ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунёнинг энг нуфузли санъат форумига айланди десак, асло муболага бўлмайди.

«Шарқ тароналари» фестивалини бу йил янада юқори савияда ўтказиш борасидаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Фестиваль иштирокчиларини Тошкентда кутиб олиш, уларни «Афросиёб» тезюар поездида Самарқандга етказиш масалалари бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди. Дастлабки иштирокчилар 22 августдан Тошкентга кела бошлайди. Уларнинг пойтахтимиздаги вақтини мазмунли ўтказиш борасида ҳам аниқ тадбирлар ишлаб чиққанмиз.

Фестивалда иштирок этиш истагини билдирганлар кўпчиликти ташкил қилади. Улар орасидан энг муносибларини танлаш осон кечгани йўқ. Сабаби, бири-биридан маҳоратли санъаткорлар кўп.

Самарқандда ўнинчи «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда олиб борилмоқда. Регистон майдонидаги сахнада олдинги тажрибалардан келиб чиқиб, санъаткорлар ва томошабинлар учун янада қулай шароит яратилмоқда. Фестиваль



Фестивални ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш юзасидан вилоят ҳокимлигида ишчи гуруҳи ташкил этилиб, зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Анжуман иштирокчилари жойлашадиган меҳмонхоналар, Улуғбек мадрасаси, музейларда «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалига оид фотосуратлар, миллий мусиқа асбоблари, тарихий либослар, тасвирий ва амалий санъат асарлари, миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Фестиваль қатнашчиларининг вилоят туман ва шаҳарларидаги истироҳат боғларида, мусиқа санъат мактабларида

ўз дастурларини намоиш этишлари, ёш ижодкорларга маҳорат машғулоти ўтишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда.

— Фестивалнинг дунё мусиқа анжуманлари орасида ўзига хос аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?

— «Шарқ тароналари» дунё халқлари маданиятини бирлаштирмоқда, санъаткорларнинг ўзаро тажриба алмашишига шароит яратмоқда. Энг муҳими, мазкур фестивал халқлар ўртасида дўстликни, тинчликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. У мисоли эзгулик ва меҳр кўприги янглиф санъат воситасида дунё халқларини бир-бирларига яқинлаштирмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу эзгу гоёлари билан «Шарқ тароналари» ўтган даврда дунё санъат аҳли меҳрига сазовор бўлди. Бугунги кунга келиб фестивалнинг жаҳондаги нуфузи юксак даражага кўтарилди. Самарқандда фақат Шарқ эмас, балки дунё тароналари янграй бошлади. Фестиваль ЮНЕСКО томонидан Шарқ мусиқалари янграйдиган катта анжуман сифатида тан олинди ва унинг шафеълигида ўтказиб келинмоқда.

Фестивалда турли халқаро ташкилот вакиллари мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2011 йилда италиялик жаҳонга машҳур хонанда Аль Бано Карриси қатнашган эди. 2013 йилда эса ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова, Халқаро маданият ва

давлат вакиллари иштирок этган. 2014 йил октябрь ойида Ташқи ишлар вазирлиги ва элчихоналар орқали давлатларга таклифномалар жўнатилди. Юздан ортиқ давлатлардан вакиллар фестивалда иштирок этиш истагини билдирди. Махсус комиссия санъаткорлар томонидан жўнатилган дискларни ўрганиб чиқди. Танлаб олинган 60 дан ортиқ мамлакат вакилларининг фестивалда қатнашиши кутилмоқда. Етти давлатдан эса санъаткорлар биринчи марта иштирок этиш истагини билдирган. Булар Маврикия, Уганда, Бутан, Коста-Рика, Мали, Перу ва Эквадор каби давлатлар вакилларидир. Бу йил ўнинчи бор ўтказиладиган ўзига хос юбилей фестивалига кўплаб фахрий меҳмонлар қатнашиши режалаштирилмоқда.

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали доирасида илмий конференция ҳам бўлиб ўтади. Айтиш мумкинки, Самарқандга нафақат машҳур санъаткорлар, балки таниқли мусиқашунос олимлар ҳам келади. Шундай эмасми?

— «Шарқ тароналари» фестивали доирасида ўтказиладиган илмий конференцияда жаҳон мусиқа санъатидаги ижодий жараёнлар, ютуқ ва камчиликлар, янгиликлар муҳокама этилади. Бу йил «Шарқ тароналари» фестивали доирасида «Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги» мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилиши режалаштирилмоқда.


Бундай мавзунинг танлашишига сабаб, тарихан шарқ халқлари маданияти ва санъати бир-бирига яқин бўлган. Шарқ олимлари томонидан мусиқа илми ҳақида кўплаб китоблар ёзилган. Устоз-шоғирд аънаналарига ҳам айнан шарқда асос солинган. Халқаро анжуманда айнан шу масалалар муҳокама этилади, эришилган натижалар таҳлил қилинади, мавжуд муаммолар ўртага ташланади, уларга биргаликда ечим изланади. Конференциянинг мақсади — Шарқ аънавий мусиқаси тараққиёт босқичларини ҳар томонлама ўрганиш, қадимий Шарқ тамаддунининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини кўрсатиш. Жорий йил ўтказиладиган конференцияда 15 давлатдан 20 дан ортиқ олим қатнашиши кутилмоқда.

— Фестиваль иштирокчиларини баҳолаш жараёни ҳақида гапириб берсангиз?

— Танловни баҳолаш учун халқаро ҳайъат шакллантирилади. Тўққизта давлатдан ҳайъат аъзолари келади.

Баҳолашда миллийлик, юксак ижро маҳорати, овоз диапазони ва сахна маданияти асосий мезон ҳисобланади. Биз билмайдиган маданиятлар, ўзига хос ижро услубига эга элатлар дунёда жуда кўп. Барча иштирокчилар маҳорати холис баҳоланади. Профессонал чиқишлар, профессионал ижро безътибор қолмайди, албатта. Ўйлаймизки, бу йилги фестивалимиз ҳам жаҳон мусиқа санъати ихлосмандлари юрагидан бир умр жой оладиган анжуманлардан бири бўлиб қолади.

Темур АЪЗАМ суҳбатлашди



санъат уюшмаси бош котиби Куо Ли Мин, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилоти бош котиби Мун Хюнг Сук, Осиё халқаро санъат фестиваллари уюшмаси раиси Чен Шенглай, Корея Республикаси Президентининг Маданият ва санъат сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Хюнг Ван Ли иштирок этди.

— Фестивалда иштирок этишни мақсад қилган санъаткорларга қандай талаблар қўйилади?

— 1997 йилда илк бор ўтказилган фестивалда 31 мамлакат вакиллари иштирок этган бўлса, 2013 йилда 53 мамлакат вакиллари қатнашди. Бугунги кунга қадар нуфузли мусиқа форумида 90 дан ортиқ

МА'NAVIY JASORATNING YORQIN NAMUNASI

Самарқандда ҳар бир тош, ҳар бир обида, ҳар бир гўша ўтмишдан сўзлайди. Самарқанд — ўқиган сари сирлари кўпайиб борадиган улкан тарих китоби. Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси ҳам шу китобнинг бир саҳифаси. Унинг турли воқеаларга гувоҳ ўтмиши, саодатли бугуни ва ёруғ келажаги бор. Зеро, буни шу жойга ташриф буюрганлар, шубҳасиз, эътироф этишади.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган беназир аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолият йўлини маънавий жасоратга қиёсласак тўғри бўлади.

Мирзо Улуғбекнинг асл исми Муҳаммад Тарағайдир. Соҳибқирон Амир Темур кенжа ўғлининг 1394 йил Султонияда туғилган фарзандини отаси амир Муҳаммад Тарағай номи билан атаса-да, аммо падари бузрукворига беқиёс ҳурмати боис неварасини ўзи қўйган ном билан чақира олмайди. Уни улуғловчи Улуғ бек сўзлари билан тилга олади. Шу тариқа Муҳаммад Тарағайга сарой аҳли Улуғ бек деб мурожаат қила бошлайдилар. Кейинчалик бу икки сўз бирикиб, Улуғбек деган янги ном юзага келади. Бугун миллионлаб одамлар қўллаб келаётган бу ном ўзбек халқининг ўчмас, маънавий миллий бойлиги — отага ҳурмат тушунчасининг ўзига хос тимсоли.

Улуғбек ҳақиқатан ҳам, бобоси орзу қилгани сингари ўз номига муносиб етук олим бўлиб етишди. Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда қирқ йил подшоҳлик қилиб, илм-фан тараққиётига бутун салоҳияти, иқтидори ва кучини сарфлаб, дунё олимлари томонидан тан олинган «Самарқанд академия»сига асос солди, замонаси учун оламда ягона ва энг илғор ускуналар билан жиҳозланган расадхона барпо қилди. 1018 та юлдузнинг фалакдаги ўрни ва ҳаракат йўналишларини аниқлаб, ана шу билимлар ва жаҳон олимлари томонидан қўлга киритилган илмий ютуқларни умумлаштириб, тўрт китобдан иборат «Зижи жадиди Кўрагоний» асарини ёзди. Мирзо Улуғбек ўн беш ёшидан отаси Шоҳрух мирзо кўмаги

билан Самарқанд тахтига ўтирди. Ва роппа-роса қирқ йил Мовароуннаҳрни тинчлик ва бунёдкорлик, маъмурчилик билан бошқариб, обод қилди. Шу қирқ йил мобайнида бор-йўғи уч марта ҳарбий юриш қилди. Уч ҳарбий юришидан иккиси Мўғилистонга, мўғил хонларига қарши юриш эди. Учинчиси ҳам шу кучларга қарши, аммо аламзада мўғуллар бу сафар унинг сиёсий тажрибасиз, қизиққон ўғлининг байроғи остида Мовароуннаҳрга бостириб келишди. Мирзо Улуғбек бобоси Амир Муҳаммад Тарағай сингари гоят қаноатли эди. Илму фан ва қурилиш ишлари билан шуғулланган Улуғбек ўғли Абдулатиф ғаламис кимсалар кутқусига учиб тахтга даъво қилганда салтанатни деярли жангсиз ўғлига топшириб, Ҳаж сафарини ихтиёр қилади. Яъни қолган умрини ибодат ва илму фанга бағишламоқчи бўлади. Аммо вайронкор кучлар Абдулатифни ҳам бадном қилиш мақсадида Улуғбекни шаҳид қилиб, мирзони падаркуш деб эълон қиладилар...

Мирзо Улуғбек расадхонасини ўз кўзи билан кўрган Алишер Навоий:

***Расадким боғламиш зеби жаҳондур,
Осмон ичра яна бир осимондур...***

дея таъриф беради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Уч қаватли тўғарак шаклдаги бино сирли кошнлар билан тўлиқ қопланган» деб ёзса, Абдураззоқ Самарқандий «Бинонинг ички қисми жаҳонда тенги йўқ ранг-баранг нақшлар билан безатилиб, девор ва шифтларида осмон даража ва дақиқалари ҳатто сонияларигача ҳисобланиб, етти сайёра ҳамда «ҳаракатсиз» юлдузлар, шунингдек, ер курраси, етти иқлим, тоғу саҳролар ва дарё-ю денгизлар ҳамда уммонларгача тасвирланган», деб ёзади.

Биз бугунги кунда Мирзо Улуғбек ҳақида, унинг илмий-ижодий фаолияти ҳақида жуда кўп маълумотларга эгамиз. Келажақда ёшлар ҳам улуғ бобокалонимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссасини кенг ўрганиб, тадқиқ қилишлари учун масъул бўлмоғимиз зарур.

Мустақиллик йилларида бу йўналишда ҳам жуда катта ишлар қилинди. 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Олим номидаги музей мажмуаси обод қилиниб, экспонатлар билан бойитилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий университетига ҳам Мирзо Улуғбек номи берилди.

Расадхона яқинида Мирзо Улуғбекнинг янги ҳайкали ўрнатилди.


Музейда Мирзо Улуғбек даврига оид юздан ортик ашёлар мавжуд. Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек билан боғлиқ маълумотлар ва ҳужжатли фильмлар ўн икки тилга таржима қилиниб, иккита сенсорли компьютер ва мультимедия аппаратида намоиш этилмоқда. Музей сайти орқали ҳам музей экспозициясини бемалол томоша қилиш мумкин. Энг муҳими, ушбу тадбирларнинг барчаси ёшлар қалбида тарихимиз, алломаларимиз, меъморий обидаларимизга меҳр ва қизиқишни кучайтирмоқда.

Музей ходимлари томонидан томошабинларни рағбатлантириш мақсадида турли хайрия тадбирлари ва қизиқарли акциялар ўтказиб турилади. Масалан, ҳар юзинчи оилавий томошабин махсус совғалар билан тақдирланиб, уларга саёҳат ва экскурсавод хизмати бепул ташкил этилади. Агар юзинчи оила келин-куёвлар бўлса, уларга фотоальбом совға қилинади. Бундан ташқари, ҳамкор ташкилотлар, жумладан, мактаблар билан яхши алоқа йўлга қўйилган. Музейда очик дарслар ташкил қилинади. Мактаб ўқувчилари ва уларни кузатиб келган ота-оналарга музей доирасидаги барча хизматлар бепул.

Музейнинг қайдлар китобини варақлай туриб, чет элдан келган меҳмонларнинг қайта келиш истаги борлигини, 25 йил олдинги Самарқанд билан ҳозирги Самарқанд ўртасидаги фарқ асрлар давомида қилинадиган ишларга қиёсланганини ўқиш мумкин.

Самарқанд кўрки ҳисобланмиш Мирзо Улуғбек музейи ҳар куни меҳмон кутиб чарчамайди. Бу жойга келганлар буюк бобомиз даҳосини яна бир бор қалб билан ҳис қиладилар. Унга эҳтиром рамзи сифатида ҳайкали пойига гулдаста қўядилар.

Ориф ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Биз замонавий ўзбек ҳайкалтарошлиги деганда, албатта, мустақилликдан сўнг яратилган асарлар галереясини кўз олдимизга келтирамиз. Унинг дастгоҳли ва маҳобатли турлари ўзига хос жараёнларни босиб ўтганлиги, изланишларнинг ранг-баранглиги билан диққатни ўзига тортади. Улар орасида маҳобатли ҳайкалтарошлик тури шаҳарсозлик маданияти билан кўп жиҳатдан боғлиқлигини назарда тутадиган бўлсак, шубҳасиз, унинг аҳамияти юксалганлиги ва етакчи ўринга чиққанлигини сезиш қийин эмас.

«Юртимизда маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнлари бошланиши билан бошқа санъат турлари каби монументал санъатда ҳам янги давр бошланди. Ушбу соҳа шу қадар нозик ва мураккабки, унда ҳар бир деталь, ҳатто энг майда бўлиб кўринган масалага ҳам жиддий эътибор қаратиш талаб этилади», — деган эди Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида. Монументал санъат кенг кўламдаги умумлашган бир мажмуаки, ўлчами ва мезонлари катта, унда ғоявий бадиий мазмун, серқирра шакллар мавжуд, бундай олганда, турли йирик ёдгорликлар ва монументлар,

MUSTAQILLIK MONUMENTAL SAN'ATDA

ҳайкалли, расмли, мозаикали композициялар, витражлар, шаҳар ва парклардаги ҳайкаллар, фонтанлардан иборат. Унинг зиммасига юксак маданият ҳамда эзгулик тамойиллари, миллат, мамлакат манфаатлари мужассам этилган ғоя ва тимсолларни сингдириш юклатилган. Ушбу даврда яратилган Ўзбекистон маҳобатли санъати фақат ғоявий мақсадга хизмат қилибгина қолмай, балки шаҳарсозликдаги муҳим ечимлар, санъатларни синтез қилиш, ўзига хос ифодаларни излаб топиш каби хусусиятлари билан ҳам эътиборлидир.

Мустақиллик мавзуси бу давр ва ижод аҳли учун кенг қиррали, миллий ўзига хосликни қамровчи,

тарихийлик ва замонавийлик касб этадиган илҳомбахш кучга айланди. Бу йўлдаги изланишлар мустақилликнинг илк даврида Анвар Раҳматуллаев, Дамир Рўзибоев, Тўлаган Тожихўжаев, Илҳом Жабборов, Равшан Миртожиев каби ўзбек ҳайкалтарошлари ижодида бўртиб кўринган бўлса, кейинчалик улар сафига Улуғбек Мардиев, Азамат Ҳотамов, Тўлаган Ёркулов, Курбон Норхўрозов, Улаш Ўроқов каби қатор забардаст ижодкорлар қўшилди.

Маҳобатли ҳайкалтарошлиқда миллат ва халқ учун улкан хизматлар қилган тарихий шахслар реал тасвирларининг яратилишида тарихий-маданий меросни чуқур ўрганиш йўлга қўйилган бўлса, афсонавий қаҳрамонлар ва буюк алломалар тимсоллари учун кўпроқ мажозий ҳамда рамзий шакллар танланди. Мана шундай хилма-хиллик орқали миллий ягона яхлитлик, фахр ва ифтихор туйғусини шакллантиришга эришилди. Айни пайтда ўзбек санъатининг дунё бадиий санъат майдони ичига олиб чиқиш йўлидаги изланишлари самарали кечаётганлигини ҳайкалтарошларимизнинг амалдаги ижодий намуналари исботлаб турибди.

1996 йилда Президентимиз фармони билан



юртимизнинг уч (Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз) шаҳрида буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темурга ҳайкаллар ўрнатилди, хиёбон ва музей бунёд этилди. Шунингдек, Мотамсаро она, Ал-Фарғоний каби ёдгорликлар ўрнатилди. Президентимиз тавсиялари ва кўрсатмаларидан руҳланган Ўзбекистон халқ рассоми Илҳом Жабборовнинг бу асарлари ўз қаҳрамонларининг ички оламига кира олиш маҳорати билан ўзгалардан ажралиб туради. Айни пайтда бу сиймолар тасвирлари орқали томошабинни ҳаяжонлантира олишга, қаҳрамон тимсолини жонлантиришга эришади. Бундай юксак туйғулар унинг «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументал ҳайкалида (2010) ҳам давом эттирилди.

Пойтахтимизда шеърят мулкининг султони — Алишер Навоий ҳайкали ва Миллий боғ яратилди (Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дегтярёв, 1991й.). Кейинчалик Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад ва Саида Зунуннова каби қатор ёзувчи ва шоирларнинг ўзига хос ҳайкаллари қад кўтарди, Наманганда Машраб, Андижонда Бобур боғлари бунёд этилди.

1990 йилларда яратилган ижодий асарларда миллийликнинг теран илдизларига мурожаат қилинди ҳамда тарихий мавзулар, яъни тарихий шахслар тасвирини мукаммаллаштириш давом эттирилди. Ҳайкалларнинг шаҳар муҳитига уйғун тарзда кириб бориши, унинг меъморчилик, ландшафт ва шаҳарсоз-

лик каби кўпгина соҳалар билан ҳамоҳанглиги истиқлол даврида ўзининг тадрижий ривожиди кўринди, айниқса, бу санъат маънавий оламнинг инъикоси сифатида намоён бўлди.

1990 йиллар Ўзбекистон маҳобатли ҳайкалтарошлигида Жалолиддин Миртожиев ижоди сермахсуллиги билан ажралиб турди. Ушбу даврда унинг ижодида бурилиш ясалди, дейиш мумкин. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Онанинг умумлашма тимсолига бағишланган асарларида ҳайкалтарошнинг ижодий истеъдоди, янгича ечимлар излаб топиш, фикрий етуклик кўзга ташланди. Унинг «Мирзо Бобур» (Андижон, 1993), «Абдулла Қодирий» (Тошкент, 1994), «Чўлпон» (Андижон, 1997), «Абдурауф Фитрат» (Бухоро, 1997), «Элбек» (Тошкент, 1998) ва бир неча «Мотамсаро она» ҳайкалларини таъкидлаш мумкин. Улар орасида ижодкорнинг Президентимиз тавсиялари асосида яратган «Эл-юрт таянчи» (Қарши, 2006) композицияси алоҳида диққатга сазовор.

Бухоролик ҳайкалтарошлар Қ.Норхўрозов ва У.Ўроқовлар ижодига мансуб «Она ва бола» (Бухоро, 1999, меъмор Р.Қ.Аҳмедов), «Авесто» рамзий ёдгорлиги (Урганч, 2001) каби ҳайкаллар вилоятларда ҳам бу

НАМ YANGI DAVRNI BOSHLAB BERDI

санъатнинг ривожланиб бораётганини кўрсатди.

Айтиш мумкинки, бундай ҳозиржавоблик Истиқлол даври ҳайкалтарошлигининг турли авлодларига мансуб бўлган А.Рябцев, Т.Эсанов, Т.Ёрқулов, Т.Тожиҳўжаев, Ж.Куттимурадов, Э.Қаҳҳоров, С.Мамадиёров, З.Исмоилов каби қатор ижодкорлар ижодида ўзига хос шаклларда намоён бўлди. Жумладан, ўтган асрнинг 90-йилларида асосан тарихий сиймолар тимсоли гавдаланди, уларнинг сони ошиши баробарида услубий жиҳатдан янгиланишлар, янги бадиий шакллар яратилди. Шуниси диққатга сазоворки, уларда Ўзбекистон ҳайкалтарошлик мактабининг ўзига хос анъаналари қадимги маданият илдизлари

билан туташганлиги сезилди. Ижодий мавзулар мундарижасида, асосий жанр сифатида тарихий портрет, гуруҳли композиция, баъзан эса анимал жанр етакчи ўрин эгаллади. Уларда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли шахслар қиёфаларини яратиш муҳим ўрин тутди.

Монументал санъатда шакллар ўлчами, макон ва муҳит аҳамияти беқиёс. Агар катта ўлчам тугалланган кўриниш ва тўғри бурчакли ҳажмга эга бўлса, кичик ўлчам — манзарали ва шаҳарнинг режавий тузилишига уйғун бўлиши керак. Ўтган асрнинг 60-йилларида ҳайкалларда фақат тош ва металл, ноанъанавий услубдаги ашёлар: алюминий, куйма темир, мис тунукаси қўлланилган, бугунги шаҳарсозликда бронза, металл, гипс, бетон, шамот каби ашёлардан фойдаланиш бадииятнинг сифат жиҳатдан туб ўзгаришига олиб келди.

1999 йили Термизда буюк достоннинг минг йиллиги муносабати билан «Алпомиш» ҳайкали ўрнатилди. У халқимиз орзу-умидларини, ёвқур фарзандининг куч-қувватини, Ватан ҳимоячисининг тимсолини намоён этади. Бу ҳайкал лойиҳаси А.Раҳматуллаев, П.Подасинников, У.Мардиев, Қ.Норхўрозов, У.Ўроқов ва бошқа ҳайкалтарошлар гуруҳи томонидан бажарилди. Бухорода (2006) Ибн Сино мажмуаси, Марғилонда



Бурҳониддин Марғиновичга, Фарғонада ал-Фарғонийга бағишлаб меъморий мажмуалар қад қўтарилгани монументал ҳайкалтарошликка талаб ва буюртма ошиб бораётганлигини, ижобий аънаналар юзага келганлигини кўрсатди.

Мустақиллик даври ҳайкалтарошлик санъатида кўп асрлик бадий, миллий ҳамда хорижий аънаналар мужассамдир. Уларда академик реализм, авангард, постмодернизм каби услубий йўналишлар ўз аксини топди. Бу даврда маънавий қадриятларнинг янги тизими шаклланди, пировард натижада, миллий ўзига хослик бевосита маҳобатли ҳайкалтарошлик соҳасида ҳам намоён бўлди. Жадаллик билан олиб борилаётган шаҳар қурилишлари, шаҳар маконини мукамаллаштириш зарурияти туфайли санъатнинг кўпгина турларини уйғунлаштирувчи янги меъморий ечимлар изланди. Ижодий маънавиятнинг бундай кучайиши санъатшунос К.Оқилова таъбири билан айтганда, авангард услубидаги тажрибалар, меъморчилик билан уйғунликка эришишга интилиш, пластикада конструктив архитектуранинг қўлланилишида яққол намоён бўлди. Декоратив ҳайкаллар архитектурада ҳам ўзига хос бўлимни ташкил этади. Ҳайкалнинг меъморчиликка, одамга, томошабинга нисбатан мутаносиблиги кўпинча у ўрнатилган жой, миқёсий нисбатига боғлиқ бўлади. Унинг ўрнини тўғри танлаш, атроф-муҳит билан мутаносиблиги, ўтмиш ёдгорликлари билан ёнма-ёнлигини уйғунликда таъминлаш — шаҳарсозлик ечимида жиддий вазифа.

Мустақиллик даври ўзбек маҳобатли ҳайкалтарошлигида тарихий шахс ва алломалардан ташқари, рамзий ёдгорликлар ҳам ўрнатилди.

2005 йилда пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, майдонга янгича мазмун ва ташқи қиёфа бахш этилди. Президентимизнинг ташаббуси билан майдонга кираверишда «Эзгулик аркаси» барпо этилди. «Эзгулик аркаси» тепасидаги декоратив ҳайкалтарошлик композицияси алоҳида эътиборга лойиқ. Президентимиз мулоҳазалари асосида яратилган бу композицияда (муаллиф Р.Ерметов) турналарнинг Ўзбекистон заминига қанот теккизиб, қуёшга интилиши рамзий маънода халқимизнинг юксалишига қиёсланади. Композициянинг иккала томонида виқор билан бир оёқда турган лайлақлар, юртимиз тинчлиги, осудалигидан дарак беради. Мустақиллик майдонига зеб бериб турган «Эзгулик аркаси» ҳайкалтарошлик санъатининг ёрқин ва чуқур рамзий маънога эга асари сифатида халқимизнинг фахридир.

Шаҳарсозликда монументал ҳайкалтарошликнинг аънавий жанрларидан — портрет-статуя, портрет-бюст, бир фигурали, кўп фигурали ёдгорлик композициялар, уларнинг декоратив ва рамзий-аллегорик турлари қўлланилиши бадий ранг-барангликни таъминлайди. Ана шу жиҳатдан, бош майдонимиздаги маҳобатли санъат намуналари диққатга сазовор.

Мустақиллик майдонида Ўзбекистон рамзи монументи (Ф.Турсунов, 1992) ўрнатилган эди. Унинг ёнига

Бахтиёр она (И.Жабборов) янги ҳайкалтарошлик рамзи ўрнатилди. Ушбу монумент очилишида муҳтарам Юртбошимиз «Бахтиёр она» ҳайкалининг Мустақиллик майдони олдида ўрнатилишида алоҳида рамзий маъно борлигини таъкидлаб: «Ушбу табаррук маскан ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, авваламбор, ёшларимиз учун мўътабар қадамжо бўлиб қолишига ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланади, деб умид қиламан», деган эди. «Ватанимиз юраги» дея таърифланаётган майдонда кундузи офтобда, кечаси эса беҳисоб чироқлар нурида жилоланадиган кумушдай оқ эзгулик тоқининг устунлари, уларнинг устида эса парвозга шайланаётган тинчлик сиймоси бўлган оппоқ турналар, Мустақиллик ва эзгулик монументи сари бошловчи оқ мрамор йўлак ва пиллапоялар халқимизнинг оппоқ, эзгу орзулари рамзидир. Тунги ёритгичлар кайфиятимизга ижобий таъсир ўтказди, биз келажакнинг ёруғ нафасини ҳис этамиз.

Шаҳарсозлик нуқтаи-назаридан олиб қаралганда, майдон 3 қисмга — Сенат майдони, Мустақиллик майдони ҳамда Хотира ва қадрлаш майдонига бўлинади. Шу билан бирга, ўзаро боғланиб, яхлит бир композицияни яратади. Бир сўз билан айтганда, йирик шаҳарларнинг дунёга танитиб турадиган бетакрор меъморий рамзи бўлганидек, «Эзгулик аркаси» ҳам Ўзбекистоннинг эзгулик рамзига айланди, дейиш мумкин. Зеро, эзгулик боқийдир!

Ўзбек ҳайкалтарошлари ижодлари билан хорижий мамлакатлардаги маҳобатли санъат ривожига ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Япониянинг Токио шаҳрида Алишер Навоий сиймоси ҳайкали (муаллифи Ж.Миртожиев) ўрнатилиши муносабати билан, «Сока Гаккай Интернэшнл» Президенти Дайсаку Икеда ўз табригида шундай дейди: «2004 йил мартда, университетимизда Ўзбекистон ҳукуматининг туҳфаси — улуғ шоир Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди.

Давлатларимиз ўртасида илм-фан, маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётганидан чексиз қувонаман. Чунки бу мураккаб замонамизда кишиларимиз ўртасида инсонпарварлик туйғулари пайдо бўлиши, жаҳонда тинчлик барқарор бўлишига асос яратади».

Маълумки, Миср пойтахти Қоҳирада «Ҳадиқа ал-Ўзбекия», «Сур ал-Ўзбекия», «Ҳай ал-Ўзбекия» мавзелари мавжуд. Миср ҳукумати «Миқёси Нил»ни яратган алломамиз Аҳмад ал-Фарғонийга эҳтиром ва икки халқнинг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида монументал ҳайкал ўрнатишга қарор қилди. Қоҳира шаҳридаги ушбу ҳайкал ҳам Ж.Миртожиевнинг ижод намунасидир. Жалолиддин Миртожиев яратган асарлар шеърятга хос ифодавийлик ва энгил «оҳангдорлик» хусусиятларига бойдир.

Бугунги кунда ҳайкалтарошлик тасвирий санъатнинг энг оммавий тури сифатида шаҳарсозликда мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда.

Озод юртнинг тобора ободлашуви эса айни санъатнинг истиқболи ҳам баланд эканига асос беради.

Нодир НОРМАТОВ



ISTE'DOD

mehr va e'tibordan qurkiraydi

Ўзбекистон — истеъдодлар диёри. Ҳар бир соҳадан қобилиятли, истеъдодли, иқтидорли ёшлар етишиб чиқяптики, улар ўзларига кўрсатилаётган эътибор туфайли катта-катта марраларни кўзлаб, шу йўлда ўқиб, изланмоқдалар. Улар учун таъсис этилган мукофотлар истеъдодларнинг янада самарали ижод қилишлари учун имтиёз ва имконият бўлиб хизмат қилмоқда. «Ниҳол» мукофоти таъсис этилганига ҳали кўп йил бўлгани йўқ. Ўтган давр 152 нафар ёшларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш, рағбатлантириш, кейинги ижодий ишларига кенг йўл очишга хизмат қилди. Зеро, истеъдод эътибордан гуркирайди. Улар қаторига бу йил ҳам янги сараланаётган «Ниҳол» мукофоти совриндорлари қўшилса, бу рақам янада ошади.

Истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инobatга олиб, эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасида асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдод эгаларини мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти иқтидорларни кашф этиш йўлидаги улкан пиллапоя бўлди. Ўтган йилларда «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган ёш истеъдод эгалари бугунги кунда тинимсиз изланишлари, маҳоратлари билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратиш, санъат оламида ўз ўринларига эга бўлмоқдалар.

«Ниҳол» мукофотининг статуэткасига эътибор қилсак, ёш ниҳолни иккита қўл авайлаб тургани рамзи бор. Ҳар қандай ниҳол парвариш билан ўсади, унади, ҳосил беради. Шу эъзоз, эътибор сабаб бугун «Ниҳол» мукофоти совриндорлари орасидан халқимизнинг севимли санъаткорлари етишиб чиқди. Улар байрам-сайилларда, тўй-тантаналарда хизмат қилиб, халқнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Улардан Гулсанам Мамазоитова 2013 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. Уларнинг 17 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 6 нафари Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари ва 3 нафари «Шухрат» медали билан тақдирланган, 1 нафари «Шарқ таронала-

ри» мусиқа фестивалида ЮНЕСКОнинг махсус мукофоти совриндори, 1 нафари 2014 йилда Тошкентда ўтказилган «Competizione dell' Opera» халқаро танловининг Гран-при соҳиби эканлиги фикримизнинг тасдиғидир.

Совриндорлар «Ниҳол» мукофотини ўзларининг кейинги ижодлари учун масъулият кафолати деб ҳисоблайдилар. Мукофот низомида кўрсатилганидек, улар маданият, санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади, мамлакатнинг атоқли санъаткорларидан сабоқ олиш имкониятига эга бўлади. «Ниҳол» мукофоти тақдироти ҳар икки йилда бир бор ўтказилиши истеъдодларни излаб топиш, уларнинг ижодларини рўёбга чиқариш ишларининг янада самарадорлигини таъминлайди. Биринчи босқич Республика-мизнинг шаҳар ва туманларида, иккинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида биринчи йили ўтказилади. Учинчи босқич иккинчи йилда Республика миқёсида ўтказилиб, 15 нафар истеъдодли ёшлар саралаб олинади ва уларга тантанали маросим пайтида мукофот топширилади.

2014 йилда эса биринчи бор Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, чекка ҳудудларда яшаб ижод қиладиган истеъдодли ёшларнинг меҳнати самарасини кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш, уларнинг ижодини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган «Биз, Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз» шиори остидаги ҳисобот концертлари, дастлаб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида юқори савияда ўтказилди. Уларда айнан шу ҳудудда истиқомат қиладиган «Ниҳол»чилар юксак мукофот масъулиятини теран ҳис қилган ҳолда яратган янги ижод намуналарини мухлислар ҳукмига ҳавола этишди.

Республика миқёсида ўтказилган ҳисобот концертида бугунги кунда санъат ривожига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида тинимсиз ижод қиладиган 25 дан ортиқ «Ниҳол»чилар ижод намуналарини ҳавола этишди.

Ҳали қанчалаб «Ниҳол» ўзбек санъати чаманзоридан униб, улғаяди. Эътибор ва эъзоздан руҳланиб, устозлар сабоғидан баҳраманд бўлиб, етук санъаткорлар бўлиб шаклланишади.

OBODLIK VA FAROVONLIK KO'ZGUSI



Хизмат сафари билан Тошкентда неча кун бўлсамда, Нукусга қайтадиган куни шошилиб қоламан. «Яна икки-уч соат вақтим бўлганидами...» дейсан-да, йўл машинасига қўл кўтарасан.

Ўзимизнинг Асакада ишлаб чиқарилган қимматбаҳо машина келиб тўхтади. Ҳайдовчи келбати келишган, одамшаванда кишига ўхшади. Менинг «соқолим»ни сийлаб тўхтагандир, деб қўйдим.

— Ёшулли, Сирдарёданмисиз? — деди у йўлга тушгач, менга қараб.

— Йўқ, Қорақалпоғистонданман, — дедим.

— Шунча яшаб ҳам сиз томонларнинг тузини тотмаган эканман, Бухородан у ёғига ўтиб кўрмадим, — деди-да, «Сизга ёқмаса, ойнани ёпайин», деган-дек ишора қилиб, сўзида давом этди.

— Бир пайтлари Орол денгизи муаммоси туфайли у ердаги халққа қийин бўлади, деб қайғурган эдик. Ҳар куни телевизор орқали Нукусни кўрсатишяпти, худди Андижон бўлиб кетибсизлар-ку, оқсоқол.

— Андижонга охирги марта қачон борган эдингиз?

— Эй, у томонларга бормаганимга ҳам кўп йиллар бўлди. Афтидан, бесабаб у ёқ-бу ёққа чиқмайдиган ёшга келиб қолганга ўхшаймиз-ов...

У менга қараб маъноли кулиб қўйди.

— Андижон жуда ҳам ривожланиб, кундан-кунга

чирой очмоқда, иним. Бизлар ҳам қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Илгари четдан қўноқ келса, кўрсатдиганимиз камлигидан кўп вақтимизни дастурхон атрофида ўтказардик. Энди-чи, уйга ҳам кирмай, кўчалар оралаб юргимиз келиб қолди...

Ҳар қандай шаҳарнинг кўрки меъморчилиги, ободлиги, кўчаларининг саришталиги, йўлларининг равонлиги, машиналар ва пиёдалар учун йўл ҳаракати белгилари, одамларнинг ўз уйи олдини озода тутиши нафақат ўша шаҳарнинг, балки бутун юртининг иқтисодий куч-қуввати ва маданияти даражасини кўрсатиши ҳаммага маълум. Шунинг учундир, кейинги пайтларда бобокалонимиз Амир Темурнинг «Бизнинг куч-қудратимизни кўрмоқчи бўлган киши биз бунёд қилган иморатларга боқсин», деган гапи бир чиройига ўн чирой қўшилган Нукус шаҳри марказини, обод ва ойдин кўчаларини айланганимиз сайин ёдга келаверади.

Кўз олдимизга бир келтириб кўрайлик. Нукус шаҳрини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар дастурида 2014-2016 йилларда ушбу ишларга 626 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланиши, шаҳардаги эски, замонавий меъморчилик талабларига жавоб бермайдиган уйлар ўрнида биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган, ҳар бири тўрт қаватли, замонавий қиёфага эга, сўнгги технология бўйича ички ва ташқи коммуникацияга уланган 54 турар жой бунёд этиш белгиланган эди.

Дастлабки пайтлар бу гапга унчалик ишонмай, ҳайрон бўлганимиз рост. Мана, бугун Нукуснинг Марказий майдонидан бошланиб, янги ва эски шаҳарларнинг қоқ ўртасидан ўтган, муҳташам қилиб қурилган, қараганда кўзинг тиниб кетадиган иморатлар саф тортган ойдин йўлга тушасан. Унинг номини ҳам «Қорақалпоғистон» деб жуда топиб қўйишган.



Ушбу иморатларнинг биринчи қавати қизғиш мраммар кўринишда қопланди. Фақат олди эмас, бутун деворлари нақшинкор, деразалари чиройли, олди қисми болохонадор қилиб безалди. Нукус шаҳри яқин даврларда шундай бўлади, деб ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Бу каби бунёдкорлик ишлари йил сайин эмас, кун сайин давом этаётгани барчамизни қувонтирди. Қай бирини айтмай: бир тарафда 58 квартиралари «Камолот» уйлари, И.В.Савицкий номидаги санъат музейининг янги, ажойиб меъморий кўринишдаги иккала биноси ва унга уйғунлашган ён-атрофни, айниқса, Тўлепберген Қайипбергенов кўчасига бир зумда кўрк бағишлаб, бутунлай ўзгартириб юборган кўп қаватли гўзал уйлар, «юлдузли» бинога айланаётган ўн қаватли «Тошкент» меҳмонхонаси, «Ёшлар саройи», Ўзбекистонимизнинг ўн икки вилояти ва Тошкент шаҳридаги ҳар бири Ўрта Осиё меъморий обидалари гавҳари ҳисобланган ўн уч тарихий ёдгорликнинг аслидан ўн марта кичрайтирилган макетлари билан безалган «Болалар боғи», айтаверсанг, ўқувчининг нафаси етмай қолгулик даражадаги ўзгариш ва янгиликларимиз бор.

Дунёнинг турли жойларидан Нукусимизга келиб, «Дўстлик» (собик «Қизқетган») канали кўпригига чиққан ҳар бир киши: «Шаҳрингиз марказидан оқиб ўтувчи шундай катта, тезоқар каналингиз бор экан, бу катта бойлик-ку» дея ҳайратланади. Уларга: «Аждодларимизнинг бизга қолдирган энг бебаҳо меросларидан бири», деймиз. Мана шу каналнинг икки ярим километрлик иккала қирғоғи бетон билан қопланиб, маданий дам олиш боғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган кичик корхоналар, «Болалар дунёси» савдо ва кўнгличар нуқталари, болалар спорти иншоотлари, баскетбол, футбол, теннис майдончалари, тўрт жойда мусиқали фаввора, каналда сайр қилиш учун катерларга чиқиладиган бандаргоҳ каби ўттиздан зиёд объект қурилиши бошланган бир йилнинг ўзида кўзинг қувонадиган, кўнглинг тошадиган ишлар бажарилди. Шу ишларга қаратилган 106,5 миллиард сўм маблағ ўз вақтида, пешма-пеш ўзлаштирилмоқда.


Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлагим келади.

Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуслари билан қишлоқларимизда қурилаётган намунавий уй-жойлар халқимиз турмуш шароитини яхшилаш борасида дунё ҳавас қиларли иш бўлди, десам муболаға бўлмайди. Бизда 2014 йилда қишлоқ жойларда ҳар бирида камида олти сотих ери бўлган 627 уйнинг калити эгаларига топширилган бўлса, жорий йилда ана шундай 650 та турар жой қуриш режалаштирилган. Уларнинг қурилиши ҳар куни қизғин олиб борилаётгани, битказилганидан кейинги кўлами, сони ва савлатини кўриб, яна бир марта Амир Темури бобомизнинг юқорида келтирилган сўзларини эслаймиз. Ана шунда, йилдан-йилга Ватанимиз иқтисодий қудрати ортиб бораётганидан қалбда ифтихор туйғуси жўш уради.

Қорақалпоғистонда барча шаҳар ва қишлоқларида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, уларнинг йил сайин кўркамлашиб бораётган чиройи, қиёфаси мамлакатимиз иқтисоди, маданияти, халқ фаровонлиги даражасини ўзида акс эттирувчи кўзгуга айланганига амин бўлаверасан.

Шароф УСНАТДИНОВ





Ардоқли адиб, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, шоир ва драматург, «Гулистон» журналининг доимий ҳамкорларидан бири Олимжон Холдор бу йил 84 ёшни қаршиламоқда. Унинг шеър устозлари асосида юздан ортиқ ашулалар яратилган. Қатор-қатор шеър китоблар, роман ва қиссалар, сахна асарлари муаллифи бўлган устоз адибимиз бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам фаол ижод қилмоқда.

— Мухтарам Президентимиз томонидан бу йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб аталиши, биз каби нурунийларга кўрсатилаётган меҳр ва эътибор умримизга умр қўшиб янада ёшартириб юборди, десам барча кексаларимиз дилидаги гапни айтган бўламан, — дейди устоз адибимиз. — Минг шукрки, халқимизнинг асрий орзуси — мустақиллик тантанасини кўриш, балки унинг фаол иштирокчиси бўлиш бизга ҳам насиб этди. Бу тарихий ўзгаришлар даврида нафақат эл-юрт, одамлар, уларнинг дунёқарашлари, маънавияти, ҳатто ўзлари ҳам ўзгарди. Шаҳар ва қишлоқлардаги бунёдкорлик ишларини айтмайсизми... Ободлик кўнгилдан бошланади, деган ҳикматнинг ҳаётдаги ифодаси бу! Истиқлол туфайли мендек бир вилоятда истиқомат қиладиган адибнинг қатор романлари, қисса ва ҳикоялари, драмалари, шеър-қўшиқлари китобларга айланди. Бу ижод-кор учун энг катта бахтдир. Шу кунларга етказганига, кўрсатганига шукур!

Халқимиз таъбири билан айтганда, «Минг ой юзини кўрган» устоз Олимжон Холдор бугунги кунлар шукронаси сифатида энг сара асарлари ва янги шеър ва газаллари асосида «Минг ой» номли китобини нашр эттирмоқда. Биз ҳам устозга узоқ умр ва саодатли кунлари бардавом бўлишини тилаб, ушбу китобдан айрим ижод намуналарини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.



Олимжон ХОЛДОР,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби

Тахририят

Men Vatani farzandidirman, yo'qdir armonim mening

ЎЗБЕКЧИСТИОН

Мен Ватан фарзандидирман, йўқдир армоним менинг,
Яшнагай гул-гул чаман, давру давроним менинг.

Доимо биз биргадирмиз нияти пок, беғубор
Турли миллат — бир оила, дўст-қадрдоним менинг.

Мустақиллик деб курашдик кўп асрлардан буён —
Чикди рўёбга шукрим, охир, имконим менинг.

Шарқда машъал деб аталган — Ўзбекистон жонажон,
Мустақиллик номусимсан, орим — виждоним менинг.

Тенглар ичра тенг эрурмиз, кам эмасмиз ҳеч кимдан,
Доимо бўлсин саломат йўлда сарбоним менинг.

Келса меҳмон ғарб-шарқдан доимо очдик кучоқ,
Бир товоқдан ош еган бир азиз меҳмоним менинг.

Истиқлолнинг қадрига ет, Ўзбекистон мадҳини —
Куйламоқдан чарчама, ўғлим, Олимжоним менинг.

МИНГ ОЙ

Саксон тўртга ёшим етса бўлур минг ой, бўлур минг ой,
Азал котиб ўзи битса, бўлур минг ой, бўлур минг ой.

Бу оиларнинг қоронғуси, ёруғлари жуда кўпдир,
Агар кимки уни кутса, бўлур минг ой, бўлур минг ой.

Минг ойни қўй, бир ойни қўй, нафаслар ҳам ғаниматдир,
Ойлар ойнинг қўлин тутса, бўлур минг ой, бўлур минг ой.

Кўёш бирлан йўлим топдим, ҳилол бирлан тунни чопдим,
Мени ғафлатдан уйғотса, бўлур минг ой, бўлур минг ой.

Бели долман, ўзим чолман — кўриб оламини мен лолман,
Ижод дилларни ёритса, бўлур минг ой, бўлур минг ой.

Бу оиларнинг барчасидин боқиб осмон дарчасидин,
Яратганининг ўзи айтса, бўлур минг ой, бўлур минг ой.

Насб этсин ҳар инсонга, тилаб дўстлар Олимжонга
Маҳалла-қўй дуо этса, бўлур минг ой, бўлур минг ой.

ШОДА-ШОДА МАРВАРИДЛАР

Шода-шода марваридлар бўйнингизда,
Жоним, айтинг, не гап бўлса кўнглингизда.
Кеча-кундуз ҳаёлимда бир ўзингиз,
Шу кунларга мени солиб қўйдингиз-да!

Анов тоғда қор ёғса гар, бунда қиров,
Совчиларим уйингиздан қувманг дарров.
Кўча-қўйда учратганда сиз пинҳона,
Шўх қизларга мени асло деманг: «биров».

Биров бўлсам сизни бунча ўйлармидим,
Номингизни қўшиқ қилиб куйлармидим,
Севмасайдим, ҳар кўрганда олов бўлиб,
Дудуқлана-дудуқлана сўйлармидим?

Шода-шода марваридлар бўйнингизда,
Жоним, айтинг, не гап бўлса кўнглингизда.
Кеча-кундуз ҳаёлимда бир ўзингиз,
Шу кунларга мени солиб қўйдингиз-да!



БЎЛМАГАЙ

Юртини севган киши кам бўлмагай,
Бемаҳал киприклари нам бўлмагай.
Отанг-онанг дуосини олсанг агар,
Ҳеч қачон ташвиш билан ғам бўлмагай.
Бесамавр ўтса агар умринг сени,
Дам ғанимат, энди у дам бўлмагай.
Яхшилик қилгин ҳаммиша — яхши бўл,
Ва ёмонга яхшилик ҳам бўлмагай.
Келди фурсат ёз ғазал, дерлар азал,
Кексалиқда хотиринг жам бўлмагай.
Мен Олимжон, сўзларим ёлғон эмас,
Ростки, бошим ҳеч қачон ҳам бўлмагай.

КУТАМАН

Ҳар баҳор йўлингга интизор,
Кутаман, аҳдинга вафодор,
Юракда асраган гапим бор,
Кутаман, кутаман, келмасанг,
Дунёда ёлғиз ўтаман.

Райҳонни тебратса шамоллар,
Елларга бераман саволлар,
Кечиринг, энг сохибжамоллар:
Кутаман, кутаман, келмасанг,
Дунёда ёлғиз ўтаман.

Боғларга кўнганда субҳидам,
Кўзларим йўлингга дам-бадам,
Ёзда ҳам, кузда ҳам, қишда ҳам,
Кутаман, кутаман, келмасанг,
Дунёда ёлғиз ўтаман.

КУРОҚ ТЎН

Тилим чучук «қушча» эдим,
Айтолмасдим бирор гап.
Кимлар мени сўзламоққа
Ўргатгандир эркалаб.
Ёш эканман, кимлар мени
Кўлларига олгандир.
Гар адашсам, яна кимлар
Тўғри йўлга солгандир.
Ариқчада оқиб кетган
Қоғоз қайиқчамни ким —
Тутиб бериб, хурсанд этган,
Ҳа, ундан ҳам бор қарзим.
Энг биринчи ўқитувчим
Эсдан чиқмас ҳеч қачон.
Ундан ҳали қарзим бордир,
Қарзим бордир бир жаҳон.
Менинг увоқ, чалкаш-чулкаш
Саволимга бериб тоб,
Билмаганим билдирганлар
Бу дунёда беҳисоб.
Мен биламан юрт олдида
Одамийлик бурчимни.
Бу қиссани сўйламасам
Недир, билмам тинчимни...
Ўн боласи бир-бир ўлиб,
Ортмиш онам носаси.
Мен эканман энг кенжаси —
Ўн биринчи боласи.
«Туриб қолсин шу бир болам»,
Деб онам ирим қилмиш.

НАСИҲАТ

Ота-она қадрини билмаганлар фарзанд эмас,
Бўлса шундайлар агар, ёру диёр хурсанд эмас.
Эй фарзанд, ғайрилиқни валломатинг кўрмас раво,
Яхшилик бирла ёмонлик ҳеч қачон пайванд эмас.
Изларини излабон бир кун тополмасан, бироқ
Билки, шундоқ: амалу бойлик ва бахт омад эмас.
Неки қилсанг яхшилик, қайтар ўзингга бир куни,
Дейдилар ўткинчи дунё, билганинг абғлар эмас.
Ўтса ёшлик, ҳайҳотки, бошингга келганда булут,
Қариганда йўл аро ташлаб кетувчи мард эмас.
Сен отанг бирлан онангни рози қил энг аввало,
Сўнг пушаймон бўлмагин, сенга бу дарбанд эмас.
Шеърига нуқта қўйиб, дер Олимжон воҳ ажаб,
Битганларим шунчаки бир ҳам насиҳат-панд эмас.

КУЛГАНДА ЯШАРИБ КЕТАМИЗ

Алпомиш дейсизми, биз эдик...
У кунлар ўтдилар, нетамиз.
Хайрият, бор қоғоз ва қалам,
Кулганда яшариб кетамиз.

Биз юрсак титрарди ерлар ҳам,
Энди-чи шеърларда битамиз.
Хайрият, бор қоғоз ва қалам,
Кулганда яшариб кетамиз.

Ажинлар қопламиш юзларни,
Фароғат, роҳатда ўтамиз.
Ҳеч ҳавас қилмангиз бизларни,
Кулганда яшариб кетамиз.

Қулоқлар эшитмас, кўз хира,
Биз энди асолар тутамиз.
Ёзамиз мемуар, хотира...
Кулганда яшариб кетамиз.

Сустлашиб борадир қадамлар,
Оз қолди манзилга етамиз.
Сиз огоҳ бўлингиз, одамлар,
Кулганда яшариб кетамиз.

Кулмангиз бизлардан ҳеч қачон,
Биз сиздан яхшилик кутамиз.
Ҳамиша дейдики, Олимжон:
Кулганда яшариб кетамиз.

Қадим расм-русмларни
Жуда муқаддас билмиш.
Этагига солиб мени
Кирмиш у минг эшикка,
Ҳар бир уйнинг остонаси
Ёнида туриб тикка,
Сўраганимиш қийқим-куроқ
Тиламчи онагинам.
(Айб этмангиз, дўстлар, бироқ
Гарчи ирим бўлса ҳам)
Ўша минг хил куроқлардан
Тикиб бермиш куроқ тўн.
Елкасига мунчоқ тақиб —
Кийдирибди, дебди сўнг:
— Гўдагим олиб кетиб,
Тўйгандирсан, қора ер...
Қуяр бўлсам, тамом бўлдим,
Энди унга умр бер.
Ва ризқин бер, Тангри, агар
Чинакамдан бор бўлсанг.
Болам қолсин, мен розиман,
Майли, жонимни олсанг.
Майли, куроқ-куроқ бўлсин
Тўни каби иқболи.
Фақат болам ўлма қолсин,
Кўрмайин ҳеч заволин.
У улғайиб одамлардан
Ўзи узсин қарзини,
Тенг-тўшлари қаторида
Кўрай унинг ўзини.
Фақат менинг шу армоним,
Демиш муштипар онам.
Бўйларимга боқар экан,

Қароқлари бўлмиш нам...
Ўтган кеча бир ёстиқни
Йиртаркан онажоним,
Ундан ўша куроқ тўнни
Олиб, пиқ-пиқ йиғлар жим...
Сўнг бағрига босиб уни
Фурур тўла эдилар.
Ёшин артиб, онам менга
Тингла, ўғлим, дедилар:
Шу минг куроқ, шу куроқ тўн,
Менинг учун бахт, иқбол.
Ҳар куроқин битта уйдан
Сўраганман, билиб ол!
Шу куроқни берганлардан
Қарзинг бордир, болажон.
Ўз қарзларинг узмоқликни
Унутмагин ҳеч қачон.
Мен-чи, ўша куроқ тўнга
Боқиб хаёл сураман.
Онагинам қаршисида
Бир гўдақдай тураман.
Зил қарзлар босар-босар,
Туширолма елкамдан.
Менинг ҳали ишим кўпдир,
Қарзим кўпдир ўлкамдан.
Ушбу шеърим қарзларимдан
Биттасидир, Онажон.
Агар Сизга манзур эса
Меникидир бу жаҳон.
Кечир мени, она диёр,
Айтадиган арзим бор.
Менга ихлос қўйганлардан
Ҳали қанча қарзим бор.



НАУРАТ МАЙДОНИДА ОТ СУРИВ



Кексалар бор жойда файзу барака бўлади. «Қариси бор уйнинг париси бор», «Каттага хурматда бўл, кичикка иззатда», «Хурмат қилсанг, иззат топасан» каби ўгитларнинг туб замирида минг йиллар давомида ота-боболаримизнинг маънавияти, қадр-қиммати, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлиги акс этганини кўрамиз.

2015 йил — «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат Дастури доирасида амалга оширилаётган барча ишларнинг негизида нурунийларга хурмат, эҳтиром туйғусининг акс этгани юқорида билдирилган фикрларга яққол далилдир.

Ўзбек миллий циркида чавандозлик мактабини яратган Зариповлар сулоласини нафақат республикамизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида яхши танишди. Ўзбек номини бутун дунёга танитиб, миллионлаб томошабинларга ўзларининг маҳоратларини ҳамон намойиш этиб келаётган ушбу сулола вакиллари ўзбек цирки тарихини ёрқин саҳифалар билан бойитди. Ушбу саҳифада кексалик гаштини суриш билан бирга узоқ йиллик бой тажрибаларини ёш авлодга, шогирдларга ўргатиб келаётган сулоланинг тўнғич вакили, Ўзбекистон халқ артисти, ҳозирги кунда 92 ёшни қаршилаётган Ҳақим Зарипов билан суҳбатни ҳамда шогирдларининг эътирофларию самимий тилакларини ҳавола этмоқдамиз.

Ҳақим ЗАРИПОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Инсон имкониятларининг чеки йўқ. Доимий изланиш, интилиш, сабот ва матонат билан ҳар қандай касбнинг сир-синоатларини ўрганиш кишининг кўплаб имконият ва салоҳияти юзага чиқишига сабаб бўлади. Ана



шундай меҳнат ва изланишларнинг мевасини, натижасини кўрганганда беихтиёр хайратга тушасан, завқланасан. Зеро, завқ улашиш ҳам санъатдир. Томошабинларнинг кўзларида акс этган бир олам қувонч санъаткорга жуда катта илҳом бағишлайди. Бугунги кунда фарзандларим, шогирдларимнинг ижросини кузатиб, ёшлик йилларим эсимга тушади... Отам Карим Зарипов 1900 йилда 7 ёшида илк ўзбек циркида иш бошлаган. У пайтлар ярим профессионал цирк ташкил этилиб, иқтидорлилар саралаб олинган. Тошкент давлат сайёр цирк труппаси тузилган, унга отам раҳбар этиб тайинланади. Ниҳоят, оиламизнинг «Чавандозлар» дастури майдонга келади.

Дастурда илк бор чиқиш қилганимда 14 ёшда эдим. Умирнинг аксарият қисми хайрат майдони бўлмиш циркда от ўйнатиш билан ўтди. Одамларнинг кўнглига қачон томоша сиғади? Ватани тинч, халқи фаровон, ўтаётган кундан кўнгли тўқ, бир сўз билан айтганда, уларда ёруғ келажакка ишонч бўлса. Бугун бундай кунларнинг қадрига етиш барчамиз учун шарт ва зурурдир.

Бир инсоннинг вояга етиб, ўз касби устаси бўлиб етишуви узоқ давом этувчи жараён ҳисобланади. Энди бир сулоланинг шаклланишини кўз олдингизга келтиринг. Цирк, манеж, қолаверса, томошабинни ҳис қилиш, севиш ва устозлар анъаналарини давом эттириш туфайли шарафли ном — сулоламизнинг бардавомлигига эришдик. Цирк санъатининг асосида улкан меҳнат, куч, жасурлик ҳамда чаққонлик ётади. «Цирк — маҳорат, маҳорат — меҳнат» деб ёздаи шоир. Ҳар бир ишнинг ўз заҳмати бор. Моҳир цирк устаси бўлишнинг асоси туну кун меҳнат қилишдан иборат.

Зариповлар сулоласи ярим асрдан бери миллий ва халқаро цирк майдонларида от суриб келишмоқда. Қизим Гавҳар Зарипова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ўғлим Анвар ҳамда невараларим бир неча бор халқаро мукофот совриндорлари, олтин медал соҳиблари бўлишган. 1994 йилда неварам Карима Зарипова Монте Карло цирк санъати халқаро танловида Гран-При соҳиби бўлган. Шунингдек, у 1997 йилда Парижда ўтказилган «Келажак цирки» халқаро фестивалида олтин медалга, 2003 йилда Франция «Massy» халқаро фестивалида «Биллур манеж» мукофотига сазовор бўлган. Яна бир неварам Эркин Зарипов 2002 йилда Парижда ўтказилган «Келажак цирки» халқаро фестивалида бронза мукофоти билан тақдирланган. Фарзандларим, невараларимга доим қаерда бўлмангиз, манежга Ўзбекистон номидан чиқасизлар, бу сиз учун шараф ҳамда масъулият, деб уқтираман.

Шу юртнинг кекса бир фуқаросини, халқимизнинг меҳрига сазовор бўлган инсон сифатида бугунги кунлар-



га шукрона келтириб ўтирибман. Айтишади-ку, бахтни олисдан изламанг, у ёнингизда, деб. Мен ўзимнинг бахтим, икболим, саодатимни юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг фаровонлиги туфайли деб биламан. Фарзандларим, шогирдларим, невараларим ўз ишлари билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшса, дуо олса, шу менинг энг катта бахтим. Шаҳар-қишлоқларимиз қиёфасини, одамлардаги кайфиятни, биз кекса авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликларни кўриб, завқланиб кетаман. «Кексаларни эъзозлаш йили» деб муҳтарам Президентимиз бошлаб берган ташаббус туфайли катта-катта ишлар амалга ошмоқда. Зеро, ана шундай муҳим ва хайрли ташаббуслар орқали келажагимиз янада порлоқ ва бардавом бўлади.

Гулсанам ШАМСИЕВА:

— Менинг Ҳаким Зариповга шогирд тушганимга 13 йил бўлди. Эсимда, илк машғулотларни бошлаганимда устоз менга қарата: «Машқда қийналсанг, саҳнада осон бўлади», дегандилар. Бу ўғит мен учун бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳар гал саҳнага чиқишга худди илк бор машғулоти олиб бораётгандек жиддий ёндашаман. Қолаверса, барчанинг кўз олдида цирк саҳнасига чиқиб, от суриш жуда катта масъулиятни талаб қилади. Устозларнинг ишончини оқлаш эса яна-да муҳим ва шарафли.

Ҳаким Зариповнинг «Ўзбек чавандозлари» гуруҳида узоқ йиллик фаолиятим давомида нафақат мамлакатимизда, балки қатор хорижий давлатлар циркида гастролларда бўлиб, кўплаб томошабинларнинг меҳрини қозonganман, десам муболаға бўлмайди. Айнан устозларнинг кўрсатмалари ҳамда томошабин — мухлисларнинг олқиши менинг ўз касбимга бўлган меҳримни янада орттирган, завқ ва ишонч бағишлаган. Менинг шу кунга қадар эришган ютуқларимда Ҳаким аканинг ҳиссаси катта. Бунинг учун мен устоздан бир умр миннатдорман. Ҳаким ака бошлаб берган ишни бугун биз шогирдлари муносиб давом эттирмакдамиз. Устозимизнинг умрлари узоқ бўлсин.

Анвар МОСТОВ:

— Мен Навоий вилояти Нурота туманида туғилганман. Чавандозликка ёшлигимдан қизиққанман. Қишлоқда от миниб қўй боқар, кези келганда кўпқариларда қатнашиб совринлар олардим. Бу қизиқиш мени 2007 йилда Тошкент циркига, таниқли чавандоз Ҳаким Зарипов билан танишишга етаклади. Ҳаким ака менинг от бошқаришимни кўриб, «Ўзбек чавандозлари» гуруҳига қабул қилганлар. Шундан сўнг устоз менга чавандозликнинг нозик сирларини ўргата бошладилар. Кейинчалик Ҳаким ака мени катта саҳналарга олиб чиққанлар ва оқ йўл берганлар. Ўшандан бери Ҳаким аканинг кўплаб шогирдлари қаторида чавандозлар гуруҳида маҳаллий ва хорижий цирк саҳналарида от суриб томошабинларни хушнуд қилиб келмоқдаман. Бунинг учун устозимдан чексиз миннатдорман. Бугун устозимиз 92 ёшдалар. У кишига сиҳат-саломатлик ҳамда биз каби шогирдларининг ютуқларига узоқ йиллар гувоҳ бўлиб юришларини тилайман.

Ксения ТОКАРЕВА:

— Мен икки йил олдин Тошкент цирки жамоасига келиб қўшилганман. Тўғрироғи, мени «Ўзбек чавандозлари» гуруҳига дугонам таклиф қилган. Бошида отдан жуда кўрққанам сабабли биров иккиланганман. Гуруҳ раҳбари устоз Ҳаким Зарипов менинг от минишимни кўриб, «Ўз устингда ишласанг, сендан яхши чавандоз чиқади», деганларида хурсанд бўлганман ва ишонч билан гуруҳга қабул қилганлари учун миннатдорчилик билдирганман. Шундан сўнг менда бу касбга нисбатан янада кучли меҳр



ва иштиёқ пайдо бўлиб, устозимдан чавандозликнинг сир-асрорларини ўргана бошладим.

Ҳаким ака шогирдларининг имкониятларидан келиб чиқиб, кўрсатмалар берадиган талабчан устоз. От устида бажарадиган машқларимиздаги кичик бир хато ҳам у кишининг назаридан четда қолмайди. Тўғри бажарсак, олқишлайдилар, камчиликлар бўлса, ўз устимизда ишлашимиз кераклигини айтиб, йўл-йўриқ кўрсатадилар. Хуллас, чиқишимиз барчага манзур бўладиган даражага етмагунча машқларимизни назорат қиладилар.

Бир сўз билан айтганда, Ҳаким ака нафақат моҳир мураббий, балки ҳаётда тўғри йўл кўрсатувчи, меҳрибон ота ҳамдир.

Мен «Ўзбек чавандозлари» гуруҳида Ҳаким Зариповнинг шогирди бўлганимдан фахрланаман. Устозимиз ҳамisha соғ-омон бўлсинлар.

Шермурод СУБҲОН тайёрлади



IQTIDORLI YOSHLARGA QANOT BAG'ISHLAB...

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда илм-фан, маданият, санъатни ривожлантиришга жуда катта аҳамият бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2002 йилда Ўзбекистон давлат консерваторияси янги биносининг барпо этилиши мамлакат маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўзига хос меъморий услубда қурилган бундай иншоот дунёдаги энг ривожланган давлатлардаги консерваториялар билан бўйлаша олади.

Ҳозирги кунда кенг, ёруғ, замон андозаларига мос равишда жиҳозланган 312 та ўқув хонаси, 4 та концерт зали, барча қулайликларга эга 3 та спорт зали, талабалар учун замонавий техник воситаларга эга бўлган 3 та овоз ёзиш студияси, миллий чолғулар музейи, қатор лабораторияларда 1400 нафардан зиёд иқтидорли йигит-қизлар таълим ва тарбия олмақдалар.

Ўзбекистон давлат консерваторияси бугунги кунга келиб жаҳон классик мусиқаси, миллий мумтоз санъатимиз, замонавий эстрада соҳаси учун жаҳон талаблари даражасида юқори малакали санъат ва маданият ходимлари тайёрлайдиган масканга айланди. Унинг довруғи бутун дунёга ёйилди. Хорижлик санъат усталарининг Ўзбекистон давлат консерваториясида маҳорат дарсларини ўтиши маданиятлараро интеграциянинг такомиллашувига, пировард натижада, давлатлараро ва миллатлараро муносабатларнинг барқарорлашувига имкон яратмоқда.

Ўзбекистон маданияти ва санъатидаги ворисийлик тамойилининг муносиб равишда давом этаётганлигини Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти мисолида ҳам кўрса бўлади. Маълумки, ушбу олий таълим муассасаси авваллари фаолият кўрсатган Тошкент давлат маданият институти ва Ўзбекистон давлат санъат институтлари негизда ташкил топди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ўз мазмун-моҳиятига кўра мутлақо янги вазибаларни белгилади. Жумладан, маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш борасида замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини такомиллаштириш, бадиий ижодиётнинг илғор методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассислар тайёрлаш ушбу қарорнинг бош мақсади сифатида белгиланди.

Ҳозирги кунда институтда 3 та факультет, 18 та кафедра, Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази фаолият кўрсатмоқда. 1800 нафарга яқин талабалар 28 та таълим йўналиши, магистратуранинг 13 мутахас-

сислиги бўйича таълим олмақдалар. Маънан эскирган айрим предметлардан воз кечилди, ўқув жараёнини янги педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Мазкур қарор ижросини таъминлаш баробарида олти ярим гектар худудни эгаллаган институтда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос ечим асосида бунёд этилган ўқув биноси ўқитувчи ва талабаларга илҳом бағишлайди. Ўқув биносида ихтисослаштирилган ўқув хоналари жойлаштирилган. Айниқса, рақс, сахна ҳаракати, актёрлик ва режиссёрлик хоналаридаги имкониятлар бўлажак мутахассисларнинг касбий маҳоратини мукамал эгаллашларига хизмат қилади.

Замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сўнгги техник воситалар билан жиҳозланган 200 кишига мўлжалланган ўқув театрини кўриб кишининг кўзи қувнайди. Ўқув театри профессионал театр даражасида замонавий, барча қулайликларга эга техникалар билан жиҳозланди. Бу ерда талабалар профессионал театр руҳини ҳис этиб, келгусида ўз салоҳиятлари билан ўзбек санъатини юқори чўққиларга олиб чиқадиган мутахассислар бўлиб етишмоқда.

Кино, телерадио санъати йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун юксак даражадаги техник имкониятларга эга ўқув кино студияси ташкил этилди. Кино, телевидение павильонида мавжуд бўлган Англия, Франция ва Италия давлатларидан келтирилган энг замонавий монтаж, овоз ёзиш, дубляж, ёритиш ускуналари, Япониядан олиб келинган 3-D ўлчамли видеокамералардан фойдаланиб, талабалар ўзларининг дастлабки ижодий ишларини яратадилар. Барча техник воситаларга эга фотостудия ҳам улар ихтиёрида.

Ўзбекистонда санъат олий таълим муассасалари тўғрисида гап кетганда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби ҳақида фикр билдирмаслик мумкин эмас.

Маълумки, мустабид совет даврида миллий рақс ва хореография соҳаси учун юқори малакали ходимлар тайёрлайдиган махсус олий таълим муассасаси йўқ эди. 1997 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилиниши билан соҳа ривожидида муҳим қадамлар қўйилди. Унга биноан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби ташкил этилди. Олий мактабнинг бош вазифаси этиб бакалавр дастури асосида миллий рақс ва балет бўйича балетмейстерлар, балетмейстер-режиссёрлар, рақс ижрочиларини тайёрлаш белгиланди. 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб магистратура бўлими очилди. Бу Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография соҳасида узлуксиз таълим тизими шакллانган-



лигини англатади. Талабаларга 90 нафардан ортиқ профессор ва ўқитувчилар сабоқ бермоқдалар.

Олий мактаб ташкил этилгандан буён мамлакатимиз миллий рақс ва хореография санъати учун 1500 нафардан ортиқ юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаб берди. Уларнинг кўпчилиги республика вилоятларидаги концерт ташкилотлари, опера ва балет, мусикали театрлар, профессионал ансамблларда, болалар мусика ва санъат мактабларида хизмат қилмоқдалар, хореография санъатини янада ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Олий мактаб талабалари умумхалқ байрамлари, спорт мусобақалари, турли маданий-маърифий тадбирларда мунтазам равишда иштирок этмоқдалар. Олий мактаб АҚШ, Германия, Франция, Исроил, Жанубий Корея, Хитой, Россия каби давлатларнинг хореография марказлари билан мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ўрнатганини ҳам таъкидлаш лозим.

Иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг санъатини асраб-авайлаш, интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг натижаси ўлароқ, санъат ва маданият соҳасида таълим олаётган ёшларимиз нафақат мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли танловлар, балки жаҳон сахналарида бетакрор ва бой маданий меросимиз намуналарини халқаро жамоатчилик олдида намойён этиб, нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда голибликни қўлга киритиб келмоқдалар.

Масалан, 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг йилдан йилга нуфузи ва аҳамияти, қамрови ортиб бормоқда. Республика кўрик-танловининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги ҳудудий босқичларида 3912 нафар иштирокчилар ва 38 та жамоа қатнашди. Танловнинг республика якуний босқичида вазирлик тизимидан иштирок этган «Ниҳол» мукофоти совриндори Маъсума Болтаева, Сададдин Сапаев совриндорлар қаторидан жой олди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан маданият ва санъат йўналишида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш маданият ва санъат соҳаларини кенг тарғиб қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда турли фестивал ва танловлар, ёшлар сайиллари ўтказилди.

2014 йилнинг 1 май куни илк марта Тошкент шаҳридаги 14 та фаввора атрофида ўтказилган «Фавворалар сайли» оммавий-маданий тадбирларида 3 мингдан зиёд ёшлар маданий ҳордиқ чиқаришган бўлса, жорий йилда мазкур тадбир нафақат Тошкент шаҳрида, балки Самарқанд, Бухоро вилоятларида ҳам кенг миқёсда ўтказилди.

Жаҳон санъати дурдонаси сифатида тан олинган опера санъатини ривожлантириш орқали ўсиб келаётган ёш авлодда юксак бадиий дидни шакллантириш, санъатга бўлган қизиқишлари, ижодий фаоллиги ҳамда иқтидорини рағбатлантириш мақсадида 2014 йилда илк марта ташкил этилган «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочилари республика фестивалининг жорий йилда нуфузи янада ортди. «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочиларининг республика очиқ кўрик-фестивалига айлантирилиб, икки босқичда, ёш истеъдод эгалари кенг жалб қилинган ҳолда ташкил этилди.

Фестивалда 18 ёшдан 32 ёшгача бўлган 80 нафардан зиёд опера ижрочилари ўзаро беллашадилар. Фестивал якунида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида танлов голиблари иштирокида гала концерт ташкил этилди.

Санъат байрамларидан яна бири илк марта мамлакатимизда юқори савияда ташкил этилган «Competizione dell'Opera» опера ижрочиларининг XIV халқаро танловидир. Танловда Ўзбекистон, Австрия, Германия, Венгрия, Япония, Беларусь, Польша, Россия, Словакия, Туркия, Қозоғистон, Жанубий Африка Республикаси ва бошқа давлатлардан 60 дан зиёд иштирокчи бир неча кун давомида энг яхши опера асарларини ижро этишди.

«Competizione dell'Opera» танлови якунларига кўра, биринчи ўринни ўзбекистонлик Барно Исматуллаева эгаллаган бўлса, яна бир юртдошимиз Жаброил Идрисов учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Яна бир ёш опера ижрочиси Рамиз Усмонов 2014 йил 17-18 декабрь кунлари ўтказилган Минск халқаро вокалистлар танловида Гран-при соҳиби бўлди.

Ёшларнинг маданият ва санъат соҳаларидаги истеъдодини аниқлаш ва маҳоратини намойён этиши учун ижодий майдон яратиш, мусика орқали ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, ўзбек миллий санъати анъаналарини тарғиб қилиш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказиш мақсадида «Созлар навоси» ёш мусикачилар республика танлови, «Санъат мактаби» телевизион фестивали, «Дебют», «Сени куйлаймиз, замондош!» кўрик-фестиваллари, «Онам айтган аллалар», «Балет ва замонавий рақс», «Хуш кайфият», «Рақс сеҳри» каби фестиваллар ташкил этилмоқда.

Ёшларга кўрсатилаётган катта эътибор, албатта, ўзининг салмоқли самарасини бермоқда. 1991 йилда мусика ва санъат соҳасидаги халқаро танловларда юртимиздан 8 нафар ёшлар иштирок этиб, уларнинг 1 нафари биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, 2014 йилда иштирокчилар сони 150 нафарни ташкил этди, уларнинг 115 нафари голиблик ва совриндорлик шохсупасини эгаллади.

Ноёб иқтидор эгаларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг келгуси фаолиятини изчил давом эттириши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Хусусан, санъат ва спорт соҳасида ўзининг ноёб иқтидорини намойиш этган истеъдодли ёшларимиздан 66 нафари маданият йўналишида, 256 нафари спорт йўналишида имтиёзли равишда олий ўқув юртиларига ўқишга қабул қилинди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Айниқса, ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай «маданият» намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун, авваломбор эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт».

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иқтидорли ёшларни топиш, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос, ноёб тизими яратилди. У ўзининг натижаларини бермоқда ва ҳақли равишда юксак эhtiрофларга сазовор бўлмоқда.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА



Nigoh tashla samolarga,



Исмоил МАҲМУД

* * *

Хуррият шавқу сафоси қалбда — имонда яшар,
Бу улғуғ тақдир зиёси фикру виждонда яшар.

Қудрати ишқ бирла топди эл муқаддас матлабин,
Бу тамаддун шиддати ҳар онда, дostonда яшар.

Кенг жаҳон майдонида ким қучди чин дилдан шараф,
Бу мақомат ичра қалб мангу шараф-шонда яшар.

Аҳли донишлар ишидин бўлди кўнгил файзиёб,
Бу саодат ифтихори нури ҳар жонда яшар.

Эл аро халқим шижоат бирла топди азми шаън,
Дилраболар ҳар нафас, ҳар дамда бўстонда яшар.

Ҳақ назар этган бу юртнинг эртаси бундан буюк,
Чўнг зафар қучгай ҳар ишда, марди майдонда яшар.

Бу ҳидоят ичра, Маҳмуд, ҳар нафас айлар шуқур,
Чунки олам ичра танҳо Ўзбекистонда яшар.

* * *

Чаманлар вақтидур, эй дил, ғаниматдур бу онлар ҳам,
Муборак ҳур нафаслар ҳам, вужуд ичра бу жонлар ҳам.

Тирикликнинг ўзи хушдир, чечаклар ичраким ҳар ён,
Туяр шавқ ҳиссини ҳар он бу кун ранги сомонлар ҳам.

Қуёшдин файз олиб ҳар дил фараҳ туйгай бу дам нурли,
Ҳарорат ичра бўй чўзгай замин узра ниҳонлар ҳам.

Кўнгилда, тилда завқ, туйғу муҳаббат шавқидин ўсгай,
Иноят узраким очун, ҳидоятда маконлар ҳам.

Бу айём фазлидин диллар тутар бир-бирларига жом,
Дебон ҳеч топмасин итмом тирилгай боз бежонлар ҳам.

Саодат фаслими бу ёки раҳмат аслиму ё деб,
Бўлиб мўъжизадин ҳайрон, ки ожиздур баёнлар ҳам.

Шарофат ичрасан, Маҳмуд, нигоҳинг узраким барқут,
Ки ишқдин сўзлагай ҳар қут, гиёҳу арғувонлар ҳам.

* * *

Яхши одамдан ҳаётда яшнаган боғлар қолур,
Боғин обод этгучи чин аҳли хуш — соғлар қолур.

Гуллагай азмойишидан гул-чечаклар ҳар нафас,
Баҳра олганлар дилида руҳи ардоғлар қолур.

Шамси анвар қудратидан еру кўк топгай ривож,
Неъматни Ҳақ ичра сўнмас мангу яфроғлар қолур.

Ҳар юрак сатҳида шундай тақдирот мавж айласин,
Яхшидан булбул ва лек шарр аҳлидан зоғлар қолур.

Экканин ўрғай азалдан, турфа олам ичра ким,
Яхшидан ёғлар қолуру аксидан доғлар қолур.

Зоти поклардан ямонлиқ кўрмаган дунё абад,
Пурнафаслар ҳикматидан ҳурнафас чоғлар қолур.

Ибрат ол, Маҳмуд, ҳаётда яхшилар аъмолидан,
Чунки босган изларидан яхши чорбоғлар қолур.

* * *

Санингдек дилрабога ёр, манингдек жонфидо муҳтож,
Дили абгор, кўзи хунбор, ки дардингда адо муҳтож.

Куйиб ишқингда ҳар лаҳза, висолинг истагай кўнглим,
Туну кун фикру ўйингда ёнурман, мубтало муҳтож.

Жаҳон айвонида ёлғиз малаксан, маҳлиқосан, ҳур,
Садоқат илмини кўнглим ўқир ҳар дам гизо муҳтож.

Муҳаббат даштида сарсон кезурман бенаво, ғамнок,
Жудолиғ ўзи етмасму, яна не-не изо муҳтож.

Не бахт, топмоқ висол дардин, ки ишқда ўзни ҳис этмоқ,
Ки топганлар изин ўпмак учун қадди дуто муҳтож.

Муборак ҳусну холингдан умидвор телбаман, Маҳмуд,
Юзинг кўрмак учун ул кун яна мендек гадо муҳтож.

* * *

Ишқ аҳли дардини, воҳ, ишқида юрган билур,
Дилни ёр дардига чоғлаб, ҳажрида турган билур.

Ёр васлин истабон ҳар дилки қилгай оҳ-воҳ,
Ким муҳаббат завқини пойига бош урган билур.

Ҳар кўнгил савқи риёзат ичраким топгай қарор,
Бу саодат бирлаким дил қасрини қурган билур.

Тўрт кунлик бу сафо ошиқ учун дастур амал,
Ким бўлиб боғида булбул шавқини сурган билур.

Ишқ саҳроси аро доим хатар, хавфу ражо,
Ул ражо бирла дилини васфига бурган билур.

Бу фалак саҳни ароким мубталолар турфа, хўп,
Мубталолар ичраким манзилга улгурган билур.

Маҳмудо, гулшан аро ҳеч йўқ дема ёрда вафо,
Ким вафо айлаб зиёсин руҳга келтурган билур.



Vatan osmonlari porlar



ЧОРШАМЪ

Нигоҳ ташла самоларга, Ватан осмонлари порлар,
Югур, елгин ҳаволарга, дала-бўстонлари чорлар.

Кулоқ солгил, садо келгай неча минг йилнинг қаъридин,
Узун тунлар ҳузур айла, шеъру дostonлари янграр.

Муҳаббат даҳрига киргил, баҳор бағрини тўлдиргил,
Гўзал ошиқ, гўзал маъшук, гўзал ишқзорлари борлар.

Кўлим очиб шуқр қилгум бу неъмат боғига, илло,
Қаён боқсанг ўрик, олча, узумзору бодомзорлар.

Бошимга бахт қуши қўнганлиги шундандир, эй кўнглим,
Элимда бағри кенглиқдан баланд шону баланд орлар.

Сени кутмоқда кўп давра, қўшил сафларига Чоршамъ,
Фаниматдир ажаб даврон, ажаб дўсту ажаб ёрлар.

Ҳаётингда ҳамиша бир барокат бўлсин, эй дўстим.
Юришингда, туришингда саховат бўлсин, эй дўстим.

Меҳрдан қургил остона, сеҳр-ла боқ бу жаҳона.
Уйинг тўри кулиб турган жамоат бўлсин, эй дўстим.

Фанимни дўст дея чорла, қучоқ очгил, қувон, порла,
Сени кўрган ҳамон жоҳил хижолат бўлсин, эй дўстим.

Бошинга ҳар бало келса, сабр-ла енг, сабр-ла тур,
Риёзатда, қаноатда фароғат бўлсин, эй дўстим.

Ижобат бўлғуси бори умид, истак, тилақ, орзу
Фақат кўнгилда энг аввал муҳаббат бўлсин, эй дўстим.

Етишгайсан етишганлар маконига сенам охир,
Муродим шул — муродинг ул мақомат бўлсин, эй дўстим.

Яшаб шодон бу беш кунлик жаҳондан кетсанг, эй Чоршамъ,
Ажаб умринг келарларга ҳикоят бўлсин, эй дўстим.

Икки тарафда икки ёр, муҳаббатдан чекар озор,
Бир-бирига доим хумор, сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Намозшомдан тонг отгунча, ошиқлик қийнади мунча,
Ҳали очилмаган ғунча, сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Юракда ишқ наво бўлгай, фанимлардан жафо бўлгай,
Хижронларда адо бўлгай, сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Жонга тегди нозу фироқ, кел, кўнгилга кўнгили муштоқ,
Бир-бирига бўлсин маёқ, сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Қаримаин дунёи дун, висолларга бўлиб мафтун,
Шодон бўлармикин бир кун, сенинг кўнглинг — менинг кўнглим.

Эл учун куйган киши эркак бўлур,
Эр кишининг кўнгли кўп сергак бўлур.

Бўз йигитлар бахш этур юртга чирой,
Кўзидан ўт ёғилиб шердак бўлур.

Эзгулик деб яшаса ҳар лаҳза ким
Юзудин нур ёғилиб нурдак бўлур.

Кимки беҳуда умрни ўтказур,
Элга у эрмак бўлур, эрмак бўлур.

Сайру саёҳатни севмас кимсалар
Охири бир кун келиб қўлмак бўлур.

Фикру зикрини йиғиб олмас эса,
Юз ёшида ҳам киши мурғак бўлур.

Ҳар сўзингни ўйлаб айт эл олдида,
Чоршамъ-эй, эл доимо сергак бўлур.



Шу азиз тупрокни тинглагим келар,
Шу лобар гулларни қучгим бор яна.
Рухимда ҳайбатли бир шуур кезар:
Яшаш қандай яхши она Ватанда!

Нақшбанд суйгандай суйиб бу юртни,
Шўрхокни айласак гулзор, чаманга.
Энг оғир дамда ҳам кўкракни кериб
Яшаш қандай яхши она Ватанда!

Кетмоқ-ку ҳамманинг бошида бор гап,
Ўралиб ётсак ҳам оппоқ кафанга.
Лабда қолиб кетган табассум билан
Яшаш қандай яхши она Ватанда!



Dramaturgiya

VA TEATR



Истиқлол йилларида яратилган миллий драматургиямиз намуналари ҳақида сўз кетар экан, уларнинг сони ҳам, сифати ҳам бағоят салмоқли эканини айтмоқ керак. Шунга мувофиқ ҳолда республикамизда мавжуд қирққа яқин давлат ва муниципал — шаҳар ёки нодавлат театрлари ҳам фаол ишлаётганини, юртимизда мазкур соҳа айна ривожланиш жараёнида эканини таъкидлаш ўринли. Фикримизнинг далили сифатида айрим рақамларни келтириш мумкин. «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг маълумотларига кўра, бир йилда Республикамиз театрларида ўртача 130 дан ортиқ спектакллар саҳналаштирилиб, шундан 75 таси миллий-замонавий мавзуларда, 12 таси тарихий мавзуларда экан. Табиийки, уларнинг аксарияти ўзбек драматурглари томонидан яратилган янги оригинал асарлар. Демак, йилига ўртача 40-50 атрофида пьесалар ёзилапти. Агар саҳналаштирилмай қолганларини ҳам назарда тутса, рақамлар яна ошиб кетади. Хўш, ана шу саҳна асарлари мўл-кўлчилигида бутун Истиқлол даврида яратилган пьесаларни сарҳисоб қилсак, мўлжал тўрт хонали ҳисобга бориб қолса ажаб эмас. Бироқ рақамлар ўз йўлига, ана шундай катта уюмда эътиборга сазовор, ўқувчи, томошабин қалбига ҳаяжон соладиган, уни мушоҳадага бошлаб, қарашларини чархлайдиган, ҳаётга, бунёдкорликка ундаб гайрат, завқ, некбин ҳислар бағишлайдигани, бадий бақувват драма асарлари қанча экан? Ёки халқимизга фаол фуқаролик туйғуларини сингдириб, юрагида ватанпарварликни, эл-юрт учун фидойиликни, маънавий камолотни тарбиялайдиган ёрқин саҳна асарларининг саноғи неча экан? Бундай саволларга жавоб топиш учун бисотдаги бор драма намуналарини ўрганиб, уларни муайян хусусиятларига кўра тартиб-тизимга солмоқ керак.

Ўзбек драматургиясида илк бора маърифатпарварлар саҳна адабиёти намуналарида бўй кўрсатган ижодий тамойиллар, эстетик мезонлар кейинги даврларда мавзу ва мафкура нуқтаи назаридан тамомила ўзгариб, янгиланган ҳолда бадий структура сифатида такомиллашган бўлса-да, моҳият эътибори билан композицион қурилиш, бадий ифода воситалари каби назарий асосларига кўра, анъанавий кўринишда давом этиб келаяпти. Масалан, Фитрат, Чўлпон, Ҳамзаларнинг драматургик изланишлари гарб эстетик принципларидаги қадимдан мавжуд драма қонуниятлари асосида шаклланган ва тараққий этган бўлиб, ҳозиргача ўша қоида-қонуниятлар миллий драматургиямизда амал қилади. Агар ўзбек саҳна санъатида, айниқса, сўнги чорак асрда маълум экспериментлар кечган бўлса, улар аксар муваққат жиҳат касб этиб, шунда ҳам фақат адабий асос сифатидаги драматургияда эмас, асосан, саҳна талқинлари, театр экспериментлари тарзида кечди. Шунга кўра, Истиқлол даври ўзбек драматургияси намуналарини авангард театри ёки унинг бир кўриниши бўлган абсурд театри, майдон томоша театри ва ҳоказо тажрибалар доирасига тортилганига доир бирор

маълумот учраса-да, бу фақат саҳна санъатининг спецификаси билан боғлиқ бўлади, холос. Миллий драматургиямизнинг янги давр намуналари эса бадий структура ва соф эстетик мезонларда анъаналар давомийлиги бўлиб, буни энди асосан тематик принципда, яъни мавзулар доирасига кўра тартиблаш ва тизимлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Истиқлол даври миллий театримизнинг бир улкан ютуғи бу тарихий мавзудаги, хусусан, тарихий қаҳрамонлик, тарихий-фалсафий, маърифий-тарихий йўналишдаги кўплаб миллий асарларнинг пайдо бўлганлигидадир. Халқимиз ўтмишининг энг нурли саҳифаларини белгилаган улғу аллома ва мутафаккирлар, адибу шоир, саркарда ва давлат арбоблари ҳақида ўнлаб тарихий пьесалар ёзилди. Улар Республикамизнинг барча театрлари репертуарларини безади.

Албатта, инсон фақат хотира, ўтмиш билан тирик эмас. Унинг кундалик ҳаёти, турмуш татвишлари, айна пайтда руҳияти ва тафаккурида кечаётган жараёнлар, ҳолатлар ҳам санъат объекти, балки барчасидан муҳимроғидир. Чунки кечаги кун сабоқланиш, зарур хулосалар чиқариш учун мавзу. Аммо бугун, шу онда воқе бўлаётган ҳодисаларни идрок этиш, улар ҳақида ўйлаш, айна вазиятдан келиб чиқиб яққаш хатти-ҳаракат қилиш, ечимлар топиш талаб этилади. Хўш, ана шу ҳолатда нима қилмоқ керак, қаердан йўл, йўлланма олмоқ, энг тўғри, энг мақбул хулосага келмоқ мумкин? Албатта, бунда шу вазият қаршисидаги инсоннинг ақлий-руҳий тарбияси, маънавий салоҳияти, билим-тушунчаси ва ҳоказолар муҳим роль ўйнайди. Бироқ ҳар бир кун, ҳар сония, керак бўлса, ўз ҳукмини ўтказати, ўз измига солади. Модомики, шундай экан, ана шу ҳолату вазиятларни тажассум эта биладиган, фикрлашга ундайдиган замонавий санъат ва адабиётга эҳтиёж, зарурат сира сўнмайди. Демакки, санъат тарихга, ўтмишга бир қур эътибор қаратса, бошқа бутун диққатини бугунги кунда, воқе ҳолатда жамламоғи шарт. Акс ҳолда, санъатнинг қадри-қиммати тушиб кетади. Афсуски, маълум вақт шундай бўлди ҳам. Театрларимиз тарихга зўр берган пайтда, томошабин бу «неъмат»дан баҳра олиб бўлгач, ўз аҳвол-руҳияси, бугуни, тўю ташвишларини саҳна ва экранларда кўргиси келди, шунга интилди. Унинг бу истак-интилишига лаббай дейдиган «учар»лар ҳам топила қолди. Бу эҳтиёжни ахли нафоис идрок этиб, бирон нима яратгунига қадар бўлган фурсатда «учар» олғирлар фикрни эрмакка, кўнгилхушликларга томон буриб, жуда кўп нарсаларга эришиб улгурди.

Театр ва драматургия борасидаги сўнги йиллардаги тадбирлар маданий ҳаётимизни бир қур жонлантиргани рост. Эл-юрт тинч, фуқаро фаровон бўлиб боргани сари барча санъатлар, жумладан, театрга ҳам эҳтиёж кучайпти. Демак, маънавий камолот ҳар жиҳатдан устуворлик касб этиб борапти дейишимиз мумкин. Қолаверса, замонавий драматургиямизнинг бугунги кун ҳақидаги намуналари айнан шу — маънавий камолот масаласини

бош мавзу этиб белгиламоқда. Бу, айниқса, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Сени куйлаймиз, замондош!» Республика театрлари танловларида яққол кўриняпти.

«Сени куйлаймиз, замондош!» Республика танлови ҳақида ўйлаганда, аввало, бир жиҳатни назардан қочирмаслик зарур туюлади. Мазкур танлов ғоявийликни бош мезон белгилагани ҳолда, мақсадни муайян маънода идеал қаҳрамон яратишга, аниқроғи, идеал тақлиф этишга қаратяпти. Азалдан адабиёт ва санъатнинг буюк намуналарида илгари сурилган эзгу идеаллар — умумбашарий ва миллий қадриятлардан илдиз олгучи эзгу ғоя ва интилишлар сира заволи топмаган ва топмайди ҳам. Шу маънода «Сени куйлаймиз, замондош!» танлови ўшандай эзгу идеалларни ташувчи қаҳрамонлар тимсолларини юзага чиқариш, тақлиф этиш мақсади билан бошқа фестивал ва танловлардан фарқ қилади. Демак, «Сени куйлаймиз, замондош!» танловнинг бош мақсад ва мезони — ижтимоий-сиёсий тамойиллар асосида белгиланган юксак ғоявий қаҳрамонлар сиймосини саҳнага олиб чиқиш. Белгиланган мезонларга кўра ёндашадиган бўлсак, мазкур фестивал-танлов бир қатор эзгу идеаллар намуналарини тақлиф этди. Журналист («Ойдин», «Аёл қалби»), шоир («Меҳр қолур» — М.Юсуф), меъмор («Меъмор»), зобит («Фаришта», «Сени соғиндим»), тадбиркор («Нур сояда қолмас»), шифокор («Садоқат»), олим («Ҳаёт формуласи») образлари мисолида Республикамызнинг ўндан ортиқ театрлари замонавий қаҳрамон — ўзига хос идеалларнинг ўз кўримларидаги намуналарини тақдим этдилар. Драматургия мазкур тадбирнинг ҳам қон томири, асоси эканини яна бир бор англади.

Танлов драматургиямызнинг замонамиз кишилари образларини яратиб борасидаги изланишлари қандай кечаётганини аниқ тасаввур этиш имконини берар экан, демак, умумлашма фикрлар айтишга, муайян хулосалар чиқаришга йўл очади. Бинобарин, бугунги ўзбек драматургияси ва театри бир жойда депсинмай изланишга. Ана шу изланишнинг энг мақбул кўриниши, наздимизда, Ўзбек давлат драма театрида, Н.Абдурахмонов бошчилигидаги Ёшлар театрида, Б.Йўлдошев раҳнамолигидаги «Дийдор» театр-студиясида, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси мусиқали драма ва комедия театрларида жонлироқ кечяпти. Масалан, Ўзбек давлат драма театри сўнги йилларда ҳам оригинал пьесалар ва шу билан бирга миллий наср ва назм намуналарининг саҳнавий ифода шакллари, ижодий изланишларни намоеън этяпти. Жумладан, фикримизнинг ёрқин исботи Абдуқайюм Йўлдошевнинг «Пуанкаре» ҳикояси асосида Ўзбек давлат драма театри саҳналаштирган «Ҳаёт формуласи» спектаклидир. Ёки замонавий театр санъатимиз дарғаси Баҳодир Йўлдошев «Дийдор» студиясида шоира Зулфиянинг Истиқлол даври ижодининг кўркам намунаси бўлган «Хотирам синиқлари» достонини саҳналаштириб, драматургиямыздаги кемтикликнинг олдини олаётгандек таассурот уйғотади.

Нафақат бу, юқорида номлари саналган турфа спектакллар барчаси муайян изланишлар самараси. Айни чоғда таъкидлаганимиздек, улар ижодий идеал ибрат излайди. Бу, аввало, қувонарли ҳол, албатта. Яъники, бир ҳаракатда шунча қаҳрамон, шунча ибрат намуналари. Иккинчидан, мақсад ягона бўлгани ҳолда изланишларнинг хилма-хиллиги ва турфалиги. Учинчидан эса, ҳаёт билан ҳамнафасликка интилиш, реал воқелик ва реал қаҳрамонларни юзага — саҳнага чиқариш. Шу аснода қанчалаб қаҳрамонлар галереяси пайдо бўлди. Уларни бирлаштириб турган асосий маслак — Ўзбекистоннинг истиқлол даври ҳаётида юз берган ўзгаришларни кўрсатиш, одамлар онги, дунёқарашидagi янгиланишларни бадиий ифода этиш. Албатта, бу маслак драма, саҳна санъати талабларига кўра муайян воқеа-тафсилотлар

доирасида ва қандайдир зиддиятлар, қарама-қарши муносабатлар, курашлар силсиласида акс эттирилмоғи зарур эди. Бу энди, ўз навбатида, драматург, режиссёр, актёр ва жараёндаги бошқа ижодий ходимлардан зукколик, замон ҳисси, маҳорат, топқирлик ва фидойи ҳаракатни тақозо этади. Назаримда, замонавий мавзулардаги спектаклларнинг кўпчилиги бу талабни ҳис қилган. Албатта, уларнинг барчасини ҳам бирдек тўқис дейиш фикридан йироқмиз. Аммо истак ва интилиш борлигининг ўзиёқ кишини қувонтиради. Мазкур ҳолатни қайд этиб, қувватлаган ҳолда айрим мулоҳаза, умумий хулосаларни айтиш ҳам фойдадан холи эмас.

Биринчидан, қай бир маънодаги ижтимоий йўналтирилган буюртма мавжудлиги учун, барча театрлар куннинг энг долзарб социал мавзуларини ўз спектакллари учун асос қилиб олишмоқда (одам савдоси, порахўрлик, коррупция, таниш-билишчилик ва ҳоказо).

Иккинчидан, бу асарларнинг деярли барчасида бош қаҳрамон бор ва улар жамиятнинг энг илғор фикрли кишилари.

Учинчидан, спектаклларнинг аксариятида бош қаҳрамонни ғоя тажассуми, ибрат намунаси сифатида тақдим этишга очиқ-ошқора интилиш бор.

Тўртинчидан, барча спектакллар эзгулик, яхшилик ва ёруғликнинг ғалабаси, тантанаси билан якун топади.

Ана шу муштарак жиҳатларни замонавий театр жамоалари спектаклларининг умумий ижодий тенденциялари сифатида қайд этган ҳолда, унинг мусбат томонлари билан бирга, хавфланишга асос берадиган манфий, салбий жиҳатлари ҳам бор эканини айтмоқ зарур.

Булар, аввало, мавзунинг мақсадга айлантириб, унинг восита, жайдарироқ айтганда, баҳона эканини унуттиш;

жамиятнинг илғор кишилари туюлган қаҳрамонларнинг суратию сийратини мутаносиб кўрсатиш истагидаги ибтидоий тасаввурлардан чиқиб кетолмаслик, фольклор-этак тушунчаларига бориб, ҳар жиҳатдан силлиқ, жўнгина қиёфаларга берилиш;


қаҳрамонларни ғоя тажассумига айлантираман деб, ғоя иллюстрациясига айлантириб қўйиш;

этакнамо тасаввурлар исканжасида чучмал якун, схематик финал саҳналари яратишга берилиш каби танқидий мулоҳазаларни айтмоқ ўринли.

Бундай ҳолатларнинг ўзак сабаби нимада деб сўралса, бизнингча, бу, аввало, ҳануз тасаввурларимиздаги қолиплардан, андозалардан халос бўла олмаётганлигимизда деб кўрсатиш мумкин. Иккинчидан, тушунчаларимизнинг саёзлиги, дунёқарашимизнинг торайиб кетганидан. Учинчиси, ҳаёт ҳақиқатини эмас, хаёлни мезон қилиб олаётганимиздан; тўртинчиси, мантиқий фикрлаш малакасининг етишмаётгани ва умуман малакасизлик касалининг урчиётгани; бешинчидан, маҳорат масаласининг оқсоқлигидан.

Афсуски, кўпгина театр жамоаларимизнинг етакчи ижодкорлари ўз устларида ишлаш, ижодий-маърифий такомил масалаларидан узоқлашиб, кундалик юмушлар билан андармон бўлиб қолмоқдалар. Дунё театр санъатида кечаётган жараёнлардан, замонавий ва умуман, жаҳон драматургиясидан беҳабарлар. Театр труппалари асосан ўрта-махсус билим олган ёшлар ҳисобига тўлатилипти. Уларнинг касбий малакаси ҳақида жиддий ўйланмаяпти. Театр жамоалари минтақавий гастроллар, пойтахт кўриклари, ижодий синов жараёнларига мунтазам жалб этилишлари жуда зарур. Акс ҳолда, «қўлмакни денгиз деб билган тилла балиқча» аҳволига тушиб қоламиз. «Сени куйлаймиз, замондош!» каби танлов ва фестиваллар ана шу масалаларга кўзларимизни каттароқ очиб қараш учун имконият, албатта. Ана шу имкониятдан бундан кейин янада унумлироқ фойдаланиш зарур.

Шухрат РИЗАЕВ



O'ng ko'ksingda Vatan o'stir, Chap ko'ksingda yurak bo'lsa!



Бехзод ФАЗЛИДИН

ИШҚ ВАТАН

Энг тўғри баҳони халқ берган,
Эркинлик — ҳақ сўзга итоат.
Шу юртни суйсин деб Ҳақ берган,
Ватанни севиш ҳам ибодат.


Ялтироқ хорижнинг либоси,
Кўзларни ўйнатар жилоси,
Тупроқча бўлолмас тиллоси...
Ватанни севиш ҳам ибодат.

Онангга яхшилик қилгандай,
Отаннинг кўнглини олгандай,
Болангга бахт мерос қолгандай,
Ватанни севиш ҳам ибодат.

Қалбингга иймонни тож қилгин,
Йўлида жонингни харж қилгин,
Ватанда туриб ҳам ҳаж қилгин,
Ватанни севиш ҳам ибодат.

Бахт пайдо эл деган дардингдан,
Кўнглингни кўчирма юртингдан,
Қуёшни эргаштир ортингдан,
Ватанни севиш ҳам ибодат.

Гарчи Ой олисдир, йўл йироқ,
Муҳаббат — беминнат йўлчироқ,
Эй, Ўзбек — манглайи ярқироқ,
Ватанни севиш ҳам ибодат.



Адиба УМИРОВА

ДАШТ

Дашт. Биёбон. Сўнги саратон,
Гулханларинг сўнг дафъа ёқиб.
Кўз олдимда солланиб чунон,
Мағрур қиздай турасан боқиб.

Ҳадигингми Шарқнинг шамоли,
Кузатарсан беизн, бесўз.
Хайрлашув чоғидай ғамли
Ҳар не менга туюлар азиз.

Уфқ сендан бошланган, эй чўл!
Барханларинг кечардим яланг.
Чақирарди олис, нурли йўл,
Олис сукут... бошоқранг даланг.

Қандай гўзал эди... Қирларинг,
Қия тепалар, иссиқ меҳринг.
Томиримда оқар шивиринг,
Тортар эди ҳаяжон, сеҳринг.

Чўпон қизнинг ҳасратларига
Юрагингни берганмидинг ё?
Довул бўлсанг дарбандларида
Кум заррангга айланар дунё!

Одам бўлай, девдим, бу ҳаёт
Шоир қилди базмларга ўч.
Чорлайвердинг соғинганинг пайт,
Унутдилар, унутмадинг ҳеч.

Орзуларим қаноти улкан
Осмон эмас, ғамларни кучди.
Ҳақ — ягона! Сен ҳақ экансан,
Рухим яйдоқ бағрингга учди.

Сен мангусан. Замонсоз замон
Ўтиб борар елдай шовуллаб.
Сенда битта қолганди имкон,
Битта йўл бор кутар хувиллаб.

У мен учун яралган каъба —
Асрларнинг эврилар тоши.
У мен учун тавбадир, тавба,
Кезар гумроҳларнинг кўз ёши.

Тўзонларинг кўзимга кириб,
Бағрим эрур, бу лоларанг қир.
Фақат сенда шон-шўҳрат мағлуб,
Тақдиримиз, манзилимиз бир!

Дашт. Биёбон. Сўнги саратон...



Ориф ТЎХТАШ



ВАТАН НАДИР

Ватан надир, Ватан надир?
Ватан — бешик, Ватан — қабр.
Бу дунёга келмоғинг ҳам,
Кетмоғинг ҳам Ватандадир.

Киндик қонинг томган тупроқ,
Боболардан қолган тупроқ.
Қон кечилган, жон чекилган,
Алар боис алвон тупроқ.

Кўзинг очиб кўрдинг нени,
Ва не мафтун этди сени?
Ул Ватандур, гул Ватандур,
Қучоғига экди сени.

Ватан надир, Ватан надир?
Ватан — меҳр, Ватан — қадр.
Садоқат ҳам софдиллиги —
Оқ йўрғак, оқ кафан каби.

У сенга бир содик ҳамроҳ,
Меҳри дўстдан мустаҳкамроқ.
Арзигайдур унинг учун
Юрагингдан тиксанг байроқ!

Ота Ватан, она Ватан,
Ватанки, бир дона Ватан.
Жаҳоним, деб атар бўлсанг,
Жо айлагил жона, Ватан.

Ватан надир, Ватан надир?
Бул шундоқим аталмадир —
Жаннат истаб бўлма гирён,
Асли ризвон Ватандадир.

Не топсанг ул бағридин топ,
Ватанни ўз атридин топ.
Унинг соғинч изтиробин,
Бобурнинг шоҳ сатридин топ.

Унга меҳринг сероб бўлса,
Жонингни тут, керак бўлса.
Ўнг кўксингда Ватан ўстир,
Чап кўксингда юрак бўлса!



Зоҳиджон ОЛОВ



СЕВАМАН, ВАТАН

Эй, она заминнинг машъали, қалби,
Эй, ошиқ қалбимда гуллаган чаман.
Кўнглим кўшқидасан хур дилбар каби,
Сени борлигингча севаман, Ватан.


Ҳавойи сўзларга йўқ менда ҳавас,
Ва зарра камситиш хоинлик, зотан.
Бахтимдир бағрингда олмоғим нафас,
Сени борлигингча севаман, Ватан.

Меҳрим талош бўлар айтсам ошқора,
Айтмасам, кўксимни тилкалар тикан.
Осмоний ҳисларга қилмай наззора,
Англаганим қадар севаман, Ватан.

Гарчи она мисол номинг муқаддас,
Гарчи фарзандингман, эй азиз маскан.
Сени онам эмас, отам деб эмас,
Ўзбекистоним, деб севаман, Ватан.



Нарғиза ОХУНОВА



ХАЛҚНИНГ ЖОНИ БЎЛ

Мен сени Раббимдан тиланиб олдим,
Иймоним ҳақиға эланиб олдим.
Жонимга тумордек илдим исмингни,
Олдим-у бахтларга беланиб қолдим.

Дунёлар кўзингга кўзтумор, болам,
Дуолар сўзингга сўз тумор, болам.
Пажмурда руҳимга Тангридан эҳсон,
Юзингни кўрмоққа кўз хумор, болам.

Ноламда меҳрнинг қудрати бордир.
Сен-ла садоқатнинг ибрати бордир.
Ташрифинг тақдирдан бир ҳикмат бўлди,
Кўзингга ҳақиқат фитрати бордир.

Дунё дову юрган савдогар, болам,
Ҳар кечган онингга даъвогар, болам.
Сен иймон мулкига салтанат қургин.
Борлиги оламга баробар, болам.

Шу миллат қалбининг оташдони бўл,
Нур ичган юзларнинг нурафшони бўл.
Эл бўлгин, эл сени кафтида тутар,
Халқнинг жони бўл, пок виждони бўл.



Milliy madaniyatimizning noyob namunasi

Устод Камолиддин Беҳзод буюк мусаввир, Шарқ уйғониш даври етук санъаткори, Ҳирот миниатюра мактаби асосчисидир. Тарихий маълумотларга кўра, унга дастлаб Хуросон подшоҳи Султон Ҳусайн Мирзонинг китобдори Мирак Наққош, Пир Саййид Аҳмад Табризий, Халил Мирзо Шохрухийлар устозлик қилган.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий эътиборига тушган Камолиддин Беҳзод аввал унинг кутубхонасида фаолият кўрсатади ва тез орада машҳур бўлиб кетади. Буюк шоир мактубларининг бирида «Анингдек тасвир қила олур киши йўқ эрди», деб рассом ижодига юксак баҳо берган. Беҳзод истеъдодидан хабар топган Султон Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийдан илтимос қилиб, рассомни ўз саройига таклиф қилади ва 1487 йили махсус фармон билан салтанат кутубхонасига раҳбар этиб тайинлайди.

Мусаввир Ҳиротда Навоий ва Султон Ҳусайн ҳаётлик даврида қизгин ижод билан банд бўлди, мўътабар кўлёмаларни яратишга раҳнамолик қилди, уларни нафис расмлар билан зийнатлашда иштирок этди, қатор замондошлари: Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Султон Ҳусайн Мирзо ва бошқаларнинг сиймоларини яратди.

Шунингдек, мусаввир кўплаб буюк Шарқ шоир ва мутафаккирлари: Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав, Алишер Навоий, тарихчи Шарафуддин Али Яздий ва бошқалар асарлари кўлёмаларини нафис мўъжаз лавҳа расмлар билан зийнатлади. Устод санъаткор сифатида Камолиддин Беҳзод Ҳирот ва Табризда қатор шогирдларни тарбиялаб етказди. Унинг шогирдлари устози аънаналарини бутун Ўрта Шарққа ёйдилар. Бугунги кунда Камолиддин Беҳзод асарлари жаҳоннинг энг нуфузли кутубхоналари, кўлёмма фондлари, музейлари ва шахсий мажмуаларида сақланмоқда.

1995 йили мамлакатимизда Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 йиллиги кенг нишонланди. 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг фармонида биноан Миллий рассомлик ва дизайн институтига Камолиддин Беҳзод номи берилди. 2000 йил ноябрда Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ЮНЕСКО шафёлигида Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди. Шу йил 23 ноябрда Тошкентдаги Теурийлар тарихи давлат музейида Беҳзод ижодига бағишланган халқаро конференция ўтказилиб, унда жаҳоннинг йигирма учта мамлакатидан олимлар иштирок этди, махсус кўргазма уюштирилди, альбом ва конференция материаллари чоп этилди, Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи ташкил этилди.

Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейининг асосий фаолият йўналиши буюк мусаввир ижодий мероси,

Шарқ миниатюра, хаттотлик, наққошлик ва умуман, китобат тарихини ўрганиш ва уларнинг энг яхши намуналарини тарғиб қилишдан иборат.

Мана шу асосий мақсаддан келиб чиқиб, музей жамоаси ўзининг фаолиятини янги экспонатлар сотиб олиш, турли кўргазма ва намойишлар ўтказиш, чет эллардан миниатюра санъати шоҳ асарлари рангли слайдлари, фото нусхаларини келтириш билан имкон даражасида шуғулланиб келмоқда.

Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этиш зарурки, музейнинг бошланғич фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссия буюк мусаввир ижодига тааллуқли миниатюралар слайдлари ва рангли фотонусхаларини келтиришда фаол ёрдам берди.

Музей бугунги кунда Ўзбекистонда ижод этаётган иқтидорли замондош миниатюралар асарларидан намуна-

ларни йиққан. Замонавий рассом, наққош ва хаттотларнинг жами етмиш олти дона миниатюра, нақш ва хат намуналари жамланган. Буларнинг бир қисми миниатюралар рассом ва хаттотлар томонидан лутфан тўхфа сифатида тақдим қилингани қувонарлидир.

Бугунги кунда музейда уч юз эллиқдан ортиқ тошбосма ва кўлёмма китоблар жамланган. Уларнинг энг қадимгиси XV асрда яратилган бўлса, энг сўнггиси камида юз йил аввал чоп қилинган тошбосма ва босма китоблардир. Бу китоблар ичида бадиий хати, муқова безаги ва зийнатланиши жиҳатидан ўта ноёб намуналар, йирик хаттотлар асарлари, саҳҳофлар номлари қайд этилган муқовалар мавжуд бўлиб, уларсиз XV-XIX асрлар китобат тарихини тўлиқ ўрганиш мумкин эмас. Бу китоблар орасида мазмуни жиҳатидан ҳам эътиборга сазоворлари мавжуд. Улар ичида XII аср йирик мутафаккири ҳужжат ул ислом деб улуғланган Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Кимёи саодат», «Ихё улумид-дин» асарлари, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Хидоя» асари кўлёммаси ва бир неча тошбосма нашрлари, шарҳлари, Жалолиддин Румийнинг «Куллиёти Шамс Табризий», Алишер Навоийнинг «Хамса», машҳур тарихчи Муҳаммад Мирхондиннинг «Равзатус сафо», Шамсиддин Сомийнинг «Қомусул аълам» (энциклопедия), «Тазкираи Фируз шоҳий» (1909 йил) номли китоби нашрлари музейда сақланмоқда.

2015 йил Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейи коллекцияси асосида «Замонавий Ўзбекистон миниатюра санъати» номли альбом-тадқиқот нашрдан чиқарилди. Унда бугунги кун етакчи миниатюралари рассомларининг асарлари ҳамда улар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, музей кўргазма залларида турли ёшдаги ижодкорлар учун барча шароитлар яратилган. Музейда нафақат миниатюралар, балки бошқа жанрларда ижод қилаётган рассомларнинг асарлари ҳам бирдай намойиш этилмоқда.

Миниатюра санъати мусаввирларнинг машаққатли меҳнати меваси сифатида униб чиққан ўрта асрлар маданиятининг нафис гулидир. Миниатюраларда аждодларимизнинг юксак маданияти акс этган бўлиб, улар барча замонларда томошабинлар эътиборини ўзига жалб этган. Ўтмиш мусаввирлари яратган бу мўъжаз суратлар ҳозиргача ўз жозибасини сақлаб қолгани боис замондошларимизни ҳам мафтун этиб келмоқда.

Ўрта Осиё маданиятининг ноёб гули — миниатюра санъатига бағишланган, мустақиллик меваси бўлмиш мазкур музей пойтахтимиз кўрки, ҳақиқий ижод уйдир.

Абдураҳим МАДРАИМОВ, профессор



Yagonasan, muqaddas Vatan!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги олдида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўшиқлар кўрик-танловининг Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази тизимларида якуний босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Танловнинг саралаш босқичларида муваффақиятли иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллаган иштирокчиларга республика якуний босқичида қатнашиш учун йўлланма берилади.

Танлов жарёнида ҳаваскор ва профессионал ижрочилар чиқишларини тўғри ва адолатли баҳолаш, улар томонидан ижро этиладиган асарларнинг мусиқасини, матни савиясини, ижро маҳоратини, танлаган либослари ҳамда сахна маданиятини нуфузли Ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолаб борадилар.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови профессионал ижрочилар ҳамда халқ ва намунали унвонига эга бўлган ҳаваскорлик жамоалари, академик ва халқ бадиий жамоалари иқтидорли ижодкорларининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган ирода ва имон-этиқодини мустаҳкамлаш, она Ўзбекистонимизни улуғлашга хизмат қиладиган асарларини кенг оммага намойиш этишларида катта сахна вазифасини ўтайди.

Шунингдек, мазкур танлов турли йўналишларда ижод қиладиган санъаткорлар, иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириш ҳамда халқимиз орасидан етишиб чиқаётган ёш иқтидор эгаларини излаб

топиш, уларнинг имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга кенг имконият яратади.

Танловда Ватан, Она диёримиз — Ўзбекистонни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш энг муқаддас бурч эканлиги, юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаётни қадрлашга ундовчи шукроналик туйғуси билан йўғрилган кўшиқлар куйланади.

2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш баробарида кўпгина санъаткор ёшларни кашф этишда ҳам муҳим ўрин тутиб келаяпти.

Ўтган йилларда танловда муваффақиятли иштирок этиб, голиб ва совриндорликни қўлга киритган санъаткорлар бугунги кунда миллий, мумтоз ва жаҳон мусиқаси ҳамда эстрада санъатини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ватанга муҳаббат шундай кучли туйғуки, у қалбдан чиққан оҳангларга инганида бошқа юракларга да мейр бўлиб кўчади. Ватан деб яшашга ўргатади. Анъанавий «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўшиқлар кўрик-танлови ёши ва дунёқарашидан қатъи назар, барча санъат ихлосмандлари қалбидан жой олганининг сабаби ҳам шунда. Ватанпарварлик, садоқат, тинчлик-осойишталик ғояларига йўғрилган бетакрор кўшиқлар яратилишига, истеъдодли шоир, хонанда ва бастакорларнинг кашф этилишига замин ҳозирлаётган танловнинг бу йилги босқичлари «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида қизғин давом этмоқда.



Ko'hna Kentning yangi ko'rki



2010 йилнинг 30 августида нафақат Бухоро вилоят театрида, балки бутун Ўзбекистон санъати ва маданияти ҳаётида оламшумул воқеа юз берди. Яъни Юртбошимиз ташаббуси билан Бухоро шаҳридаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси таркибида янги Бухоро театри қуриб битказилди.

Президентимиз театрнинг очилиш маросимида иштирок этганида театр жамоаси билан суҳбат ўтказиб, уларни замонамиз қаҳрамонини яратишга, ҳаётимиздаги ютуқ ва камчиликларни саҳнага олиб чиқиб, театрнинг ҳаққоний ҳаёт кўзгуси эканлигини исботлашга чақирди.

Халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъати алоҳида ўрин тутади. Президентимиз томонидан санъатни, хусусан, театр санъатини ривожлантиришга берилган катта эътибор замирида ҳам халқимиз маданиятини юксалтиришдек улуг мақсад мужассам. Давлатимиз раҳбарининг ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиш, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонамиз қаҳрамонларини яратиш кераклиги тўғрисидаги тавсияларига мувофиқ фаолият юритишни Бухоро мусиқали драма театри жамоаси ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Убайдулла ОМОН, Ўзбекистон халқ артисти, театр бош режиссёри:

— Бухоро вилоят мусиқали драма театри ўз тарихи ва аъналарига эга бўлган санъат кошонаси ҳисобланади. Лутфулла Нарзуллаев, Хикмат Латипов, Шариф Қаюмов, Саъдихон Табибуллаев, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Мухтор Ашрафий, Саттор Ярашев, Бахтиёр Ихтиёров каби эл суйган санъаткорлар ушбу даргоҳдан етишиб чиққанлиги ҳамиша бизни ўз ишимизга катта масъулият билан қарашга, доимий изланишга чорлаб туради.

Мана шу янги бинода ижод қилиш бизга илҳом бағишлайди. Янги асарларни саҳналаштириш жараёнида шундай гўзал санъат саройида ишлаётганимиздан, ижод қилаётганимиздан фахрланиб, кўнглимиз ифтихор туйғуларига тўлади. Чунки бунёд этилаётган янги ҳаёт, янги жамиятимизнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда биз яратаётган саҳна асарларини санъат иҳлосмандлари ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилишини, умр йўлларида барчамиз дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати, янги ютуқларимиз орқали жавоб топишини истаймиз.

Бугун бухороликлар, шаҳарга келувчи сайёҳлар ва меҳмонлар қадим шаҳарга зеб бўлган замонавий театр биносини кўрар экан, мустақиллик юртимиз ҳаётида қанчалар ўзгариш ясаганининг яна бир бор гувоҳи бўладилар.

Kichkintoylarning katta olami

«Театр ибратхонадир», деган эди Маҳмудхўжа Бехбудий. Чиндан ҳам театр ҳаётнинг бир парчасини сахнага кўчириб, намоиш этадиган даргоҳ. Спектакл сахнада тугагач, томошабин шурида давом этади. Томошабин воқеаларни таҳлил қилиб, ўз хулосасини чиқаради, қаҳрамонларга нисбатан ўз қарашлари пайдо бўлади. Худди шундай, кўғирчоқ театрлари ҳам болалар маънавий камолотида ўз ўрнига эга даргоҳ.

Фарғона вилоят давлат кўғирчоқ театри 2014 йил март ойидан янги бинода фаолиятини давом эттира бошлади. Мазкур бино 96 ўринли томоша зали ва 8 та кўшимча хоналарга эга. Театр жамоаси бу ўзгаришлардан рухланиб, янги ва яхши спектакллар яратиб, болажонларнинг маънавий ҳордиқ олишларида астойдил ёрдам бермоқда.

Театрнинг янги биноси шаҳар кўркига кўрк бўлмоқда. Унинг кўринишиёқ эртақнамо минора шаклида, болалар театрга кираётганларида ростдан ҳам эртақка кириб бораётгандек қадам қўйишади. Намоиш этилаётган томошалар ҳам болаларга ҳақиқий маънавий озуқа бериши театр учун ниҳоятда муҳим.

Театр директори Т.Султонов бу ҳақда шундай дейди:

— Кичкинтой томошабинларга юқори савияда, давр талабларига мос равишда сахна асарлари намоиш этиш учун жамоамиз билан янги дастурлар, спектакллар устида қайта ишлашни йўлга қўйдик. Болаларнинг кўнглига, маънавий оламига санъат билан кириб бориш, уларни эзгулик ва яхшиликка бошлайдиган томошаларга жалб қилиш учун ижодий жамоамиз мунтазам изланишда. Болаларда театрга қайта ва қайта тушиш иштиёқи уйғониши учун тинмай меҳнат қиламиз.





«BULBULCHA»NING SOHIR NAVOLARI

Инсонни эзгуликка ошурфта қилишда санъат, хусусан, кўшиқ ва мусиқанинг ўрни бекиёсдир. Эртасининг бугунидан-да фараҳли, чароғон бўлишини истаган ҳар бир халқ, аввало, ёш авлод камолоти учун қайғуради. Зотан, болаларнинг мурғак тасаввурларига сингдирилган гўзаллик, эзгулик туйғулари уларга бир умр ҳамроҳлик қилади, ҳаёт йўлини безаб туради.

БОЛАЛАРНИНГ ТЕРАН ОЛАМИ

Диёримизда «Кўшигим, жон кўшигим...», «Биргаликда куйлаймиз» кўрсатувларини томоша қилмаган, унга жўр бўлмаган бола топилмаса керак. Зотан, барчанинг кўнглига бирдай йўл топа билган «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли халқимизнинг минглаб, миллионлаб болаларини санъатга йўналтирди, улар қалбида гўзал инсоний фазилатларни уйғонишига туртки берди.

Шермат Ёрматов ушбу ашула ва рақс ансамблини бундан 53 йил муқаддам болалар хор жамоаси сифатида ташкил этганди. Мусиқа орқали фарзанд қалбига яхшилик уруғини сепишни истаган хормейстер адашмаган эди. Санъатга ҳаваси баланд, иқтидорли болакайлар жуда кўп бўлиб, улар жон-диллари билан «Булбулча» томон интилади, устозининг ҳар бир сабоғини жон қулоғи билан тинглашади.

Борган сари ушбу хор жамоасининг аудиторияси ҳам, репертуари ҳам кенгайди. Доим изланишда бўлган бу жамоа саккиз йил деганда Телерадиокомпания қошидаги болалар катта хори деган

шарафли номга сазовор бўлади. Митти ижодкорларга билдирилган ишонч уларга яхши шароитлар яратиб бериш билан бирга каттагина масъулият ҳам юклаган эди. Ахир, бутун республика бўйлаб томоша қилинадиган телеканалда чиқиш қилиш, айниқса, ягона болалар хор жамоасининг ҳар бир чиқиши бутун мамлакат ёшларига ўрнатилган бўлиши керак эди. Жамоанинг обрўси ошаётгани Шермат Ёрматовни янада жўшқин фаолият кўрсатишга ундайди, айти чоғда, ўзига маслақдош бўла оладиган кўмакчига эҳтиёж сезади. Консерваториянинг хор дирижёрлиги факультетида таҳсил кўраётган Сожида Алимова унинг кўнглидаги мутахассис бўлиб чиқади. Шу тариқа «Булбулча»нинг овозаси мамлакат бўйлаб таралади.

Дарвоқе, ўша вақтлар бу дастурнинг эфирга чиқишини кутиб, кўлида қоғоз-қалам билан Шермат домланинг ҳар бир кўшиғини ёзиб олган, телевизордаги болалар каби чиройли кийимлар кийиб, улар билан гўё бир сафда куйлаган мухлис томошабинлар орасида ўзим ҳам бўлганман. Ҳатто ёзиб олган кўшиқларимиз мусиқа дарсларига кўчар, чиндан ҳам у биз ёшларга чинакам ўрнатилган бўла олганди. Бошланишда ҳаваскорлардан ташкил топган хор жамоа энди республика миқёсидаги жажжи порлоқ истеъдод эгаларини ўзига жамлай бошлади. Бу яхшилик сари кўйилаётган қадамнинг яна бири эди. Чиройли овозлари фақат дўстлари орасида жаранглайдиган, бошқасига эса имкон топа олмаган болалар энди Шермат Ёрматовнинг кўмаги билан ўзига хос профессионал билимларни эгаллаб, халқаро сахналарда ҳам чиқишлар қилиш бахтига муяссар бўлган.



«БУЛБУЛЧА» НОМИНИНГ ТУФИЛИШИ

Дастлаб бир неча ижрочи болаларни ўзига жамлаган бу гуруҳ кейинчалик созанда, раққос ва раққосаларни ҳам ўз таркибига олди, ашула ва раққос дастасига айланди. Репертуари ҳам тинимсиз янгилашиб, кенгайтириб борилди. Жамоа ташкилотчилари мумтоз хор санъати (И.С. Бах, В. Моцарт, Ф.Шуберт, Д. Кобалевский, Г. Струве, А. Соколов), айниқса, ўзбек композиторлари (М. Ашрафий, М. Левиев, Д. Зокиров, С. Юдаков, К. Абдуллаев, А. Мухаммедов, Ф. Қодиров, М. Бурҳонов, Р. Вильданов, Р. Абдуллаев, Ф. Алимов, Н. Норхўжаев, А. Мансуров, Д. Омонуллаева, М. Отажонов ва б.) асарларига кўп мурожаат этишади.

«Булбулча» жамоаси бир қатор хорижий мамлакатлардаги хор фестивалларида муваффақият билан қатнашди. Фахрий совринларга лойиқ кўрилди. Хусусан, Скопле шаҳридаги «Олтин булбулча» халқаро болалар фестивалида Минск шаҳридаги халқаро болалар хори фестивалида қатнашиб, ҳайъат аъзоларининг ҳам, томошабинларнинг ҳам олқишига сазовор бўлди.

Бу орада янги-янги гоёлар устида бош қотириб чарчамайдиган жамоанинг бадиий раҳбари ва бош хормейстери Шермат Ёрматов «Ўзбекистон халқ артисти» деган шарафли унвон, кейинчалик «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Шермат Ёрматов жамоанинг Москвага қилган дастлабки гастроллари шундай хотирлайди: Машхур болалар хор студиясининг бадиий раҳбари, композитор Георгий Струве бизни меҳр билан қаршилади. Бир ҳафта болаларимни етаклаб юрди, булар ҳам худди жўжалардай кетидан эргашишади. Бир автобус бўлиб концертга кетаётсак, Струве болалардан сўрапти: «Ребята, как по-узбекски называется птица, которая очень красиво поёт?» Болалар бир овоздан: «Бул-бу-у-л!» — деб жавоб беришди. «Ой, как красиво звучит... А как называется его птеник, маленький соловушка? «Ҳамма: «Булбулча-а-а!» — «Молодцы!» Манзилга етиб бордик, концертга тайёрланямиз. Болалар саҳнада тизилиб туришибди. Шу пайт Георгий Струве саҳнага чиқиб «Выступает Большой Детский хор телерадио Узбекистана «Бул-бул-ча!!!» — деб юборса бўладими! Зал тугул, саҳнадаги болалар ҳам қийқиришиб бир-бирини кучоқлай кетишди...»

90 йилларнинг бошида «Булбулча» катта ижодий сафар билан Омскка ташриф буюрди. 12 кун давом этган концертларнинг илк кунлариданоқ залнинг орқа эшиги ҳам ширинликлар, совға-салом кўтарган мухлислар билан тирбанд бўлади. Сафар таассуротларини Шермат Ёрматов шундай эслайди: «...Омскка 127 нафар бола билан бордик. Битта самолёт «Булбулча» билан тўлди. Қаторасига концерт бердик. Бу ерда ҳарбий ўзбек йигитлари ҳам бор экан. Шунини инобатга олиб, филармония бир сафар уларга жой ажратди. Ишонасизми, ўшанда бутун зал «Булбулча»га қўшилиб куйлаганди... Жамоага

тайинлаб қўйгандим, жон болаларим, патир, майиз-туршакларни эҳтиёт қилинлар, ҳали керак бўлади, деб. Ўзбекистондан келтирилган ноз-неъматлар билан йигитларни меҳмон қилдик: улар ўзида йўқ хурсанд, болаларимни опичлаб, елкасига миндириб юришибди...»

ИЖОД МАКТАБИ

«Булбулча» нафақат болалар ўртасида санъатни тарғиб этган, айни чоғда қанчадан-қанча инсонларнинг кўнглига иштиёқ солиб, етук санъаткор бўлиб етишишга туртки берган жамоадир. «Булбулча»нинг фахрий аъзолари саналган: Шоира Жабборова, Фатхулла Расулмухамедов, Наргиза Мирзаева, Саодат Рустомова, Шухрат Ҳакимов, Файзулла Қўлдошев, Дилфуза Юсупова, Феруза Алимова, Мухтарам ва Дилнавоз Аминжоновалар, Фотима ва Зухра Зиёмухамедовалар, Дилшод Мансуров, Мухтор Маҳмадалиев ва бошқа санъаткорларнинг хор жўрлигида ижро этган «Болалигим — гулбахор», «Кўғирчоғим», «Кўёшжон», «Сумалак», «Кулча нон», «Дакан хўроз», «Типратикон» каби қўшиқлари болажонларимиз томонидан ҳамон севиб хиргойи қилинади.

«Булбулча»нинг ижод қозонида қайнаган санъатсеварлар бугун Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида муносиб ўринга эга. Улар орасида «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, таниқли устоз ва мураббийлар бор. Илҳом Фармонов, Дилфуза Раҳимова, Анвар Санаев, Исроил Саидумаров, бастакор Шухрат Зокиров, «Сарбон» гуруҳи солисти Фарҳод Саидов, Қаҳрамон Бўтаев каби ижодкорлар айни шу бағрикенг жамоада вояга етган.

ҚУЛОЧ ЁЗАЁТГАН ҚЎШИҚЛАР

Юртимизда бола тарбиясида санъатнинг ўрни беқиёслиги эътиборга олинган ҳолда бу борада тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ёш созанда ва хонандаларимиз дунёнинг энг нуфузли кўрик-танловларида ўзларининг ноёб иқтидорга эга эканини, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури»га мувофиқ энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий мусиқа мактаблари бунёд этилди, бу таълим муассасалари миллий ва замонавий мусиқа асбоблари билан таъминланди. Албатта, бундай шарт-шароит ва ўқувчиларнинг дидини юксалтиришга қаратилган гамхўрлик «Булбулча»нинг муносиб ворислари етишиб чиқишига, салоҳиятли ёшларимизнинг санъат бобида ҳам дунёни лол қолдиришига замин яратади.

Нилуфар ҲАЙИТОВА

Sўzning

SAHNADAGI XUSUSIYATLARI

Сўз — қудратли куч. Адабий матнни ўқиганда шундайин таъсирланамизки, сўзнинг сеҳрига маҳлиё бўлиб қоламиз. Адиб ёзган ўша матнни сахнада туриб, таъсирланган жиҳатларингизни энди сиз (актёр сифатида) томошабинга қандай етказишингиз керак? Токи, томошабин ҳам сиз каби ҳаяжонга тушсин, кулсин, йиғласин, маҳлиё бўлсин, фикрласин.

Шу вазифа амалга ошса, драматург матнда кўтарган сўз сеҳри санъатини чуқур эгаллаган бўласиз. Биласизки, матн — драматург кашфиёти. Худди шу матнни томошабинга етказиш ва уни ҳаяжонга солиш, тарбияловчи даражага етказиш режиссёр бошчилигида актёрларнинг кашфиётидир. Бу табиийки, уларнинг маҳоратига боғлиқ.

Адабий асарларда табиат гўзаллиги, булбуллар сайраши, гулзордаги йигит-қизларнинг мулоқотлари ва бошқа ҳайратлар сўз орқали ифода этилади ва улар қалбингизга малҳам бергандай, баҳри-дилингизни очади. Худди шу ҳолат театрда ҳаракатда, актёр имо-ишорасида, кўз, қўл, лаб, оғиз ва бошқа органлар ҳаракатида деярли сўзсиз томошабинга етказилади. Актёр оғзидан чиққан ҳатто битта сўз ҳам кўп маъно бериши мумкин. Масалан, «Қо-ойил!», «Балли!», «Зўр», «Оох!», «Воой!» каби сўзлар. Насрда бир саҳифада ифода этилган бадий таърифлар, сахнада битта мимика ёки битта сўз билан томошабинга етказилиши мумкин.

Саҳнада драматик асар сўзларини қандай ишлатиш ҳақида бироз фикр юритсак.

Драматург ўз асарида қаҳрамони тилидан гапирди: дейлик, Аҳмаджон дўсти Маҳмуджоннинг юзига тикилди. Узоқ тикилди. Рангирўйи ўзгарган, бироз озган, юзидан қон қочган. Демак, дўсти ё бетоб бўлган, ёки бошига оғир бир мусибат тушган, — ўйлайди Аҳмаджон дўсти Маҳмуджонга тикиларкан.


Драматургнинг бу ёзмаларини актёр (режиссёр талаби билан) сўзсиз ифода этиши керак. Актёр сўз айтмай савол беради, яъни юзига тикилади, юзига боқиш билан сўзсиз рангирўйинг бироз силқиган, сезяпман, тинчликми, дейди. Дўсти унинг айтилмаган бу сўзларига сўзсиз унинг юзига узоқ тикилиши билан жавоб беради. Худди шу кичик эпизодни уддалай олган актёр сахнада сўзсиз томошабинга ҳамма воқеани тушунтира олади. Бу ерда актёр драматург айтмоқчи бўлган сўзларни кўз ҳаракати билан ифода эта олиши лозим.

Саҳнада актёрнинг гапириш оҳанги доим бирдай бўлмаслиги зарур. Ҳозир у аччиғланяпти, демак, оҳанг овози ўртача, кейин куляпти овоз оҳанги бутунлай бошқача. Актёр драматург ёзган сўзларни худди ўзидек айтиши сахнага тўғри келмайди. Масалан, Аҳмаджон аччиқланди, у ёқдан бу ёққа юриб, азоб чекарди, сўзларини сахнада актёр ифода этаётганда биронта сўз айтмай томошабинга шу ҳолатни ҳаракати, қўлини мушт қилиши, кўзини чимириб ғазабланиши, ғазабдан столга мушт тушириши ва бошқа ҳаракатлар билан ифодалиди. Буларнинг бари актёрнинг қобилияти ва тажрибасига, яъни маҳоратига боғлиқ ҳолатлардир.

Театр шундай даргоҳки, унда етмиш ўйлаб бир сўзлаш керак, у фақат топ-тоза юрак билан кириш ва сўз айтиш мумкин бўлган маскан.

Бу табаррук қоидага ҳаётда амал қилганлар ютқазмайди, аксинча, ютади. Саҳна муқаддас, у томошабин ўтирган жойдан бир поғона баланд.

Ҳар бир сўз устаси ўзи талаффуз қилаётган сўзга масъулият билан қараши, айниқса, икки ва ундан кўп маъно берувчи сўзларни қаерда



қандай усулда ишлатишга катта эътибор қаратиши лозим.

Ўзбек тили — ўзбек миллатининг кўрки, уни ҳурмат қилиш ҳаммага бирдек тааллуқли. Ўзбек тилига меҳр ва муҳаббат билан қарашни уйда ота-онадан, боғчада тарбиячидан, мактаб ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида устоз-муаллимдан, олий ўқув юртларида ўқитувчи-профессор домлалардан ўрганишимиз лозим. Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида «...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига она алласи, она тилининг бетакор жонибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир», деган таърифлари юқоридаги фикрни далиллайди.

Актёр билан режиссёрни таржимонга ўхшатаман. Нега деганда, улар мавжуд драматик асарни қайта яратишади. Шу боисдан ҳам «таржимонлик — қайта яратиш санъати», деб бежиз айтилмайди-да. Демак, актёр ҳар бир сўз талаффузида ўта хушёр бўлмоғи талаб қилинади. Сўзнинг ўзи берадиган маъно талафузга қараб бошқа маъно ҳам бериши мумкин-ку. Масалан, «Раҳмат» сўзини айтганда ижобий ва салбий маъно берилиши актёрнинг талафузи ва овоз оҳангига боғлиқ бўлади. Бундай мисоллар сахна тилида жуда кўп.

Сўз актёр тилидан чиқдими, у бадий образга айланмоғи керак, агар бу содир бўлмаса, демак, у сўз сахнадан айтилмаслиги керак. Уни актёр тилга олмаслиги лозим. Сахна тили жонлиликни хоҳлайди. Қисқаликни, лўндаликни ва соддаликни истайди. Актёр талаффуз қиладиган сўзлар шеърий гўзалликда, қалбни ҳис-ҳаяжонга келтирадиган оҳангда бўлсин!

Асар тингловчини ҳаяжонга солиши орқали уни фикрлашга ундаши муҳим. Бу ҳам актёр ижросига, яъни унинг маҳоратига боғлиқ.

Кинодагидан кўра театрдаги жонли ижро одамга кўпроқ завқ бағишлайди, агар у томошабин қалб торларини черта олса.

Микрофон бўлмаган замонларда актёрлар матн мазмунини томошабинга ўз овозлари кучи билан етказиша олган. Техник инқилоб туфайли яратилган микрофон актёр овозини томошабинга осонгина етказа олади. Бунда овоз катта рол ўйнайди.

Сахна нутқи деганда ҳар биримиз сахнада намойиш қилинаётган бирон бир спектаклда актёр томонидан томошабинга етказиладиган сўзни, тўғрироғи, унинг нутқини тушунамиз.

Сахнадан туриб томошабинга етказилаётган сўз ёки сўзлар бирикмаси ўзбек адабий тил нормаларига мос бўлиши, характер яратаётган актёр ўз қахрамони тилидан гапирётганда шевадан фойдаланиши мумкин. Аммо биринчисида ҳам, иккинчи вазиятда ҳам ўзбек тили қонун-қоидаларига бўйсинган ҳолда ҳаракатда бўлиш керак. Ҳар бир сўз ёки сўзлар бирикмасини сахнадан туриб томошабинга қандай овозда ва оҳангда айтаётганлигида ҳам гап кўп. Буларнинг бари актёр маҳоратига боғлиқ бўлган унсурлардир. Кулиб туриб йиғлаган, йиғлаб туриб бирдан кулган вазиятларни кўрганмиз ва шундай бўлиши мумкинлигига шубҳа ҳам қилмаганмиз.

Актёр ва томошабин кайфияти ҳамоҳанг бўлганидагина драматург гоёси тўғри, тўлиқ ифода этилади. Шубҳасиз, асар ўз мақсадига етади, драматург,

режиссёр, актёр, томошабин бирлиги асосида муваффақият қозонади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир режиссёр, ундан кейин актёр драматик асарга нисбатан, бизнингча, қуйидагиларни қўллай оладиган даражада бўлиши керак:

- синчковлик билан асар матнини бир неча бор ўқиб чиқиши ва энг аввало, унинг гоёсини аниқлаб олиши керак;

- ҳар бир сўзнинг туб маъноси борлигини англаши, уни топа билиш қобилиятини ишга солиши лозим;

- сахна нутқининг хилма-хил услуб ва бой шакллари билан уларни қўллаш йўлларини қунт билан ўрганиши зарур;

- сўз санъатини эгаллашда кўриш ва эшитиш санъати муҳимлигини англаши керак;

- сўз қудратини таъсир этиш қуролига айлантириш қобилиятини ҳам ўзларида шакллантиришга эришишлари лозим;

- режиссёр ҳамда актёр тинглаш, тасаввур қилиш ва диалог санъатини чуқур ўзлаштирган бўлишлари керак;

- сахна нутқи ниҳоятда содда ва ихчам бўлган жонли нутқ асосига қурилган бўлиши шарт;

- оғзаки нутқдаги овоз, дикция, пауза, урғу, оҳанг, интонация каби унсурларни ўз ичига олган сахна нутқи техникасини чуқур эгаллаш муваффақият гарови эканини англаши керак;

- сўз устида ишлашга ўрганиш, ўзбек тилидаги бой оҳангни чуқур қўллаш зарур;

- драматик асар гоёсини очиш сахна нутқининг асосий вазифаси эканига урғу бериш зарур;

- сахнада актёр драматург фикрини ифодалабгина қолмай, қахрамонининг ички дунёсини томошабинга фаол етказишда сўз ёрдамга келишини, ана шу оддий сўз ижрода сеҳрга айланиши лозимлигини тушуниши керак;

- сахнадан айтилган ҳар бир сўз қуруқ ва жонсиз бўлмаслиги лозим;

- сўз оҳанги актёр ҳиссиёти орқали матнни қандай ўзлаштирганини кўрсатади. Демак, сўзга табиий оҳанг бахш этиш, сахна китобий руҳни қабул қилмаслигини чуқур англаш, драматург учун асосий мезон — асарда оғзаки, жонли нутққа хос соддалик мана-ман деб туриши кераклигини билиши керак;

- Маннон Уйғурнинг «...актёрларнинг бачкана ҳаракатларига чек қўйиб, улардан Шекспирнинг ўз ибораси билан айтганда, «ҳаракатни сўзга, сўзни ҳаракатга» мослаштириб ўйнашни талаб этамиз» деган сўзларини доим ёдда тутмоқ керак;

- сахна нутқининг асоси бўлган адабий тилни пухта эгалламай туриб, юқоридаги масалаларни ҳал қилишга уннат фойдасиздир.

Халқимиз истеъдодга бой. Сўзни хосиятли дейишади, агар уни ҳалоллик ва поклик билан ишлатсак, марра бизники. Театрларимиз равнақи, энг аввало, яхши драматургияга, кейин режиссёрлар ва актёрлар маҳоратига боғлиқ. Фақат шунда театр репертуарларида «Алишер Навоий», «Отелло», «Ҳамлет», «Жалолиддин Мангуберди», «Мирзо Улуғбек» каби жаҳон таниган спектакллар пайдо бўлади.

**Тўлқин ҚОЗОҚБОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти доценти**



Sozgartik sehri

Ривоят қилишларича, бир уста овози қалбларни тўлқинлантирадиган, жарангда тенгсиз, инсон қувончи ва дардларини бирдай ифода этадиган, тинглаган одамни сел қилиб юборадиган янги соз ясамоқчи бўлибди. Қайта-қайта уринса ҳам, у ясаётган создан қалбидагиларни ифода этадиган куй чиқмабди. Кунлардан бир кунни уйда ишлаб ўтирса, кўчадан бир гуруҳ ёш йигитлар ниҳоятда ширали ва жарангдор овозда кўшиқ айтиб ўтиб қолишибди. Кечга томон ўша йигитлар ортга қайтишда яна ашула айтиб ўтибдилар. Лекин бу галги кўшиқ гарчи ширали бўлса-да, аввалгидек жарангдор эмасмиш. Шунда уста югуриб кўчага чиқибди. Йигитларни тўхтатиб кўнглидаги гапни айтиб, бу ҳолнинг сабабини сўрабди. Шунда йигитлардан бири қулиб шундай дебди:

— Эй ота, сабаби оддий-ку! Боя биз зиёфатга кетаётган эдик, қоринларимиз оч эди. Ҳозир зиёфатдан тўйиб келяпмиз. Тўқ қориндан жарангдор ашула чиқмайди-да!

Шунда уста ўйланиб қолибди, «демак сознинг косасини яна чуқурроқ ўйиб, ундаги бўшлиқ қисмини кенгайтириб, деворини қанча нафис қилиб ишласам, оҳанг шунча жарангдор бўлар экан-да?»

Уста шундай қилибди. Нафис қилиб ўйилган соз қорни устига парда тортиб, торларини ўрнатибди. Созлаб чалиб кўрибди-ю ҳайратда қолибди...

Ўзбек мусиқа созларининг ҳар бири ўз тарихига эга. Уларнинг пайдо бўлиши ҳақида турли афсоналар ҳам бор. Баъзан бу афсоналарни ҳақиқат сифатида қабул қилгинг келади. Масалан, най ноласини эшита туриб, бунча фиғонни ўзига сиғдирган бу қамишнинг сири нимада экан, деб ўйга толади киши. Йўқ, аслида найда эмас, ё чолғу-чида ё созгарда бир ҳикмат бор... Ўзбек созлари хоҳ торли бўлсин, хоҳ уриб, хоҳ пуфлаб чалинадиган, юракнинг тубига кириб боришда бири бошқасидан қолишмайди. «Муножот»ни танбурда эшитингу кейин рубобда тингланг, борингки, яна бир бор синаш учун дуторга дил беринг. Бирида кўзни юмиб, сел бўлсангиз, иккинчисинда бошни сарак-сарак қилиб, яна бошқасида куйга ҳамоҳанг хиргойи қилиб ором оласиз.

Қалбидан кечаётган фиғонни чиройли ифода қилиб бера оладиган созни такомиллаштириш учун созгарлар неча асрларни қаритди экан?... Созанданинг маҳоратини кўрсатган чолғунинг ҳикмати нимада асли? Уларнинг ишига қизиқиб, Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Илмий экспериментал ишлаб чиқариш лабораторияси»га бордим. Бу ерда чолғу асбоблари ясалишига оид барча деталларни учратиш мумкин. Эътиборимни тортгани, энг кичик мурватлар ҳам энг муҳим вазифаларни бажарар экан. Чолғу учун сайланган ҳар бир ёғоч унинг устида қанча меҳнат бўлиб ўтганидан сўзлаб турибди.

Ўзи ясаган торлардан бирини синаб кўраётган уста Сайдамин Исахонов болалигидан бу касбга қизиқар, баъзилар торнинг фақатгина бир қисмини ясаш билан кифояланса, у бутун бошли торли чолғулар ясашни ўрганган экан. Инсон ўз касбини севса, меҳнатидан ўзи роҳатланса, унинг қилган ишлари жамият ривожига ҳисса қўшади. Бажараётган ишидан роҳатланиб яшаётган Сайдамин Исахоновнинг машаққатли меҳнати қанча кишиларнинг дардларини аритган экан?! Қатор тортилган тор устида бир маромда йўрғалаётган бармоқларнинг шахд билан қилаётган ҳаракатлари ортидан сизиб чиқаётган садо ҳар қандай тош юракни эритишга қодир.

Чолғуларнинг овози қанчалик нолакор, қалбга яқинлиги айнан созгарнинг маҳоратига боғлиқ. Бу касбда ўз ишини севмаган кишини учратиш қийин. Созгарлар ўзи яратаётган сознинг овозини имкон қадар инсон овозига яқинлаштирар, бунинг учун йиллаб машаққат чекишар экан. Соз ясаш учун олинган ёғоч ўн-ўн беш йиллаб қуритилар, шундан кейингина қисмма-қисм ясаиб, ковакларни ўйилиб, кейин унга мос балиқ териси олиниб пишитилар экан. Бу жараённинг ҳар бири уста созгардан ишига

нисбатан меҳр билан бирга нозик дид ва эҳтиёткорлик талаб қилади. Бир устанинг бор меҳри ва оромини ўзига сингдиргач, бу чолғуни миллат маънавий салоҳиятини ўзида кўрсатишга қодир чинакам санъат асари қаторида эътироф этиш мумкин.

Рубоб ҳам, дутор ҳам, тор ҳам уч хил узунликда ясалади. Бунинг усталар тилида махсус номлари бор. Ҳар бирининг номига муносиб овоз чиқариши ҳам бир синоат.

— Созни ясаб бўлгач, бир мириқиб чалиб оламан. Шунда меҳнатим бекорга кетмаганини ҳис қилиб, хотир-жам тортаман. Уни созандаларга бериб юборар эканман, қизини узатган отадек мунғайиб қоламан. Бироқ бу янги созни ясаш учун илҳом беради. Табиатнинг ҳар бир неъматини мўъжиза. Мана, оддий мисол, биз тут мевасидан баҳраманд бўламиз, барги пиллага озиқа бўлади, ундан миллий матоларимиз шаклланади. Танасидан мана бундай, инсоннинг маънавий ва маданий эҳтиёжига жавоб берувчи ажойиб созларни ясаймиз. Яратаётган созларим бировнинг қўлида, яхшилик учун хизмат қилаётганини кўрсам, унга йиллар давомида берган меҳр-машаққатим унут бўлади», — дейди Сайдамин Исахонов.

«Менга созгарлик ота касб. Биринчи устозим ҳам раҳматли отам эди. Чалишга ҳам, ясашга ҳам меҳрим бўлакча. Торли чолғуларнинг ҳаммасини ясайман. Мукамал соз яратиш учун йиллаб меҳнат қилишга тўғри келади. Масалан, ҳозир ясаётган созларимизнинг ёғочини бундан бир неча йиллар илгари раҳматли отам қуритишга олиб қўйгандилар. Йиллар давомида тобланган созлар чиройли куй таратиш билан бирга созандага кўп муддат хизмат қилади. Яқинда бир ишга қўл урдим. Бизда илгари қонун ясалмасди. Четдан келтирилган бир қонунни расмга тушириб олдим ва таваккал қилиб уни ясай бошладим. Шукрки, ишим ёмон чиқмади. Созандаларимиз хурсанд бўлишди. Бу бўйича амалий билимим етарли бўлса-да, назарий билим олмагандим. Арзимас меҳнатимни қадрлаб, менга яқинда «олий маълумотли уста мураббий» даражасини беришди.

Созгар усталарнинг юмушлари билан танишар эканман, аксарият ўзбек хонадонлари тўридан жой оладиган чолғуларнинг яратилиш жараёни менга таниш, бир кўришдаёқ қалбимга яқин бўлиб қолганидан фахрландим. Усталарнинг машаққатли меҳнати, сабру бардоши, фидойилигига тасанно айтгим келди.

ЭЪЗОЗА



Бир килишкәйе



НОЁБ ХОТИН

Хайкалтарошлардан танишингиз йўқми? Нима қиласиз, дейсизми? Хотинимнинг хайкалини ясатаман! Ие, нега куласиз? Нима, бизнинг «Маликаи Дилором» бунга арзи-майди? Топган гапингизни қаранг. Тириклигида хайкал қўйиш лозим бўлса, бизнинг хўжайинга, йўғ-е хотинга қўйиш керак.

Нега хайрон бўласиз? Хотинимнинг жонимга қанчалар оро киришини билсангиз эди. Афсуски, буни тасаввур қила олмайсиз. Келинг, хотинимга қайси қаромати учун хайкал ўрнатмоқчи эканимни айтиб берай. Токи, кўнглингизда менга нисбатан шу ҳам ўзимизнинг эркакларданми ўзи, деган гумон қолмасин.

Аввало, хотин акамиз чўнтагимизга қўриқчи итдек вафодор. Бир сўммас, бир тийинни ортиқча сарфлашимга йўл қўймайди. Қандай қилиб йўл қўймайди, дейсизми?

Масалан, улфатлар билан чойхонада «бешта-бешта» қиладиган бўлса, хотин қўлимга ўзи ҳиммат қилган пулни тутқазиб тайинлайди: «Гапга тушиб кетмай яхшилаб овқатланинг, яна ош тугаб қолгунча лаққиллаб ўтирманг. Лаллайиб ўтираверсангиз, сўхтаси совуқ улфатларингиз арокни кўпроқ ичиб қўйишади. Пул қўшдингизми, иложи борича кўпроқ ичинг. Кайфингиз ошиб қолмаса, аяб ўтирмайман. Аслида, ўша пайтавақулоқ улфатларингизни бир чақага олмайман-у, одамлар биз ҳақимизда ғалати фикрга бормасин деб, қўшилиб турунг, дейман-да».

Кўрдингизми? Шундай раҳмдил, эрининг пулига ғамхўр хотинни яна қаердан топиш мумкин. Шу боис чойхонада ўтирсам, иложи борича кўпроқ еб-ичишга ҳаракат қиламан. Тўғри, баъзида хизматда туриб хотиннинг топширигини бажаролмасам... Йўқ-йўқ, Сиз ўйлагандай, бошимда ёнғоқ чақмайди. Фақат... хафа бўлади-да!

Биласиз, табиатан юмшоқ, кўнгли бўш одамман. Хотиннинг қовоғини уйиб, нариги хонада ёлғиз ётишига чидай олмайман. Дарҳол қўйлақми, тилла занжирми совға қилиб, пулни беҳуда сарфлаганим учун кечирим сўрайман. Билсангиз, бизнинг хотин спидометрга ўхшайди. Агар бирор нарсада сал ҳаддимдан ошгудек бўлсам, ё томоқ кириб, ё илонникидай чиройли кўзлари билан огоҳлантириб қўяди.

Аниқ мисол борми?

Бор. Яқинда машинамни сотмоқчи бўлдим (аслида хотиним олиб берган). Улфатларимдан бири харидор бўлди. «Жон оғайни, айтган нархингизга пича етмади. Бир ойда келтириб бераман», деб роса ялинди. Кайф устида «хўп», деб юборибман. Аммо эрталаб лафзимни эслаб, юрагим товонимга тушиб кетди. Ахир, хотин нима дейди?

Тушдан сўнг улфатим машинани олиб кетмоқчи бўлди. Хотиннинг «Пулни тугал олмагунимча машина жойидан қўзгалмайди», деган амридан сўнг машинани бериб юборардим. У деб баҳона қилдим, бу деб баҳона қилдим, қани кўна қолса. Баҳоналаримни битта-битта чиппакка чиқариб, мени бурчакка қисиб келаверди. Наҳот излаб аланг-жалаң қилиб турганимда жонимга хотин оро кирди.

— Менга қаранг, — деди у, — Пулни тўлиқ бердингизми?

— Йўқ, озгина қолган, — деди улфатим довдираб. — Бирор ҳафтада олиб келаман, келишганмиз...

— Унақаси кетмайди, — гапни чўрт кесди хотин. — Мен хотинчалиш гапларни ёқтирмайман. Қолганини олиб келасиз, машинанинг қалитини олмасиз...

Шўрлик бир менга, бир хотинимга тикилиб турди-да, арвоҳдай кўтарилди... Ортидан қараб «хафа бўлди», деб ўйладим. Сўнг, «Хафа бўлса ўзига. Машинани олгандан сўнг қолган пулни беришига ким кафолат беради», деган ўй калламга келдию, халоскоримга миннатдор нигоҳ билан термулиб қолдим...

Агар айтаверсам, бундай мисоллар кўп. Уйга кимдир қарз сўраб келса, сўроқни хотин қилади. «Қачон қайтарасиз? Кафолат борми? Кечикиб қолса-чи? Аниқми? Майли, берамиз!» шундан сўнг мен пулни чиқариб бераман. Борди-ю, хотинимнинг қарз сўровчидан кўнгли тўлмаса, «Бериб турардик, лекин адасига ҳам пул керак бўлиб турувди» ёки шунга ўхшаш бошқа бирор баҳона топиб эшикни очиб қўяди. Мен эса меҳмонни кузатиб қўяман-да, қарғанаман: «Юзи қурсин. Қарз олишга оладию, қайтаришга келганда йўқ бўлиб кетади. Ўзим айланай сиздан. Ноёб хотинсиз».

Хуллас, қўйингки, болаларни ҳам «онанга айтаман», деб қўрқитаман. Оиламиз билан олди-берди қиладиганлар фақат хотин билан гаплашади. Ўйлаб кўрсам, анчамунча ташвишлардан озодман. Бозорни хотин қилади, меҳмонни хотин кутади, ҳатто охири пайтларда наҳорги ошларга ҳам хотин бориб келяпти, катта ўғилнику ўзи ўйлантириб тинчитди.

Энди айтинг-чи, шундай хотинга нега хайкал қўймаслигим керак?

Тунов куни бир улфатим, «Хўв, фалончи, кўзингни оч, хотинингни бошинга чиқариб олдинг-ку», деб қолди. Ғаламис бахтимни кўролмай ичи қўйиб кетяпти. «Чиққан бўлса, ажаб бўпти. Чиқса менинг бошимга чиқади, сизникигамас, ўргулай», деб узиб олдим.

Бу гапни ҳамиша, ҳамма вақт айтаман.

— Ҳақиқий эркакдай яшашимга шароит яратиб берган хотинимга минг раҳмат!

Кўчада кетаётган одам чўнтагидан чиққан «тўхта», деган овоздан хайрон бўлиб тўхтади. Бир неча сониядан сўнг эса ундан икки қадам олдинга осмондан ғишт келиб тушди. Унинг хайрати икки баробар ошди. Эҳтиёткорлик билан чўнтагини пайпаслаб, у ердан зиғирдай келадиган одамча топиб олди.

— Кимсан?

— Сени балолардан сақловчи митти одамзотман!

— Унда ўйланаётганимда қаерда эдинг?

Ўқитувчидан сўрашибди:

— Ўз ишингизни севишингизга сабаб бўлган учта омилни айтинг-чи?

Шунда у бироз мутойиба билан жавоб берибди:

— Июн, июл, август...

Математика ўқитувчиси сўради:

— Сарвар, сен кийган шимингнинг ўнг чўнтагида ўн, чап чўнтагида эса ўттиз сўм бўлса, бу нимани англатади?

— Бировнинг шимини кийганимни.

Биринчи синф ўқувчиси болалар боғчаси ёнидан ўтиб мактабга кетар экан, панжара ортида қум ўйнаб ўтирган болаларга кўзи тушиб, улар томон юрди. Бироз томоша қилиб тургач, хўрсинди:

— Жон деб ўйнардиму, ёшим ва маълумотим тўсқинлик қилади.

Абдулхамид МУХТОРОВ



Аёл азалдан зеб-зийнатга, гўзалликка интилувчан. Шунинг учун тақинчоқлар ҳақида гап кетса, беихтиёр аёллар эсланади. Заргарлик буюмларининг ҳам асосий қисми аёллар учун ишлаб чиқарилади.

Миллий заргарлик буюмлари хусусида сўз борар экан, уларнинг тарихи, тақими ва бугунги кундаги кўринишлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Шу мақсадда мутахассис Азиза Қосимова билан суҳбатлашдик.



Nafis taqinchoqlarda aks etgan nafosat va go'zallik

— Азиза опа, ўзбек миллий тақинчоқларининг тарихи ҳақида гапириб берсангиз...

Манбаларда келтирилишича, Ватанимиз ҳудудида миллоддан аввалги IV аср охири, III аср бошларидаёқ чиганок ва тошлардан ҳар хил шаклдаги мунчок ва шокилалар ясашган. Тараққиёт илгариланган сари тақинчоқларнинг бежирим, ранг-баранг чиқиши учун ишга ижодий ёндашиш ортгани сезилиб боради.

Халқимиз бошидан кечган истилолар, барча тарихий жараёнлар унинг турмушида, ижтимоий-маданий ҳаётида, бошқа кундалик асбобларида ўзининг сезиларли ўрнини қолдирган. Шу қаторда заргарлик буюмлари ҳам ўзгариб борган. Бироқ асл миллий кўриниш, ҳудудларга хос белгилар сақланиб қолган. Миллий тақинчоқларнинг майдалиги, солинчакларининг мўллиги заргар маҳоратини кўрсатиб турган.

— Тақинчоқлар учун асос, яъни хомашё қандай танланган?

Вақт ўтиши ҳар бир соҳа каби заргарликда ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берган. Бироқ халқимизнинг асл аънаналари, чуқур тафаккури, нозик диди тақинчоқларда сақланиб қолган. Мис, кумуш, бринч, тилла сингари металлдан зирак, балдоқ, сирға, тиллақош, билагузук, келинтумор, узук, жиғалар ясалган. Ўз ўрнида уларга феруза, зумрад, ақиқ, лаъл, ёқут, лажувард, алмандин, маржон, дур, садаф каби тошлардан безак берилган.

— Миллий кийимлардаги умумийлик ҳудудий ўзига хосликлар билан бойиган. Ҳудудий хусусиятлар тақинчоқларда қай даражада акс этган?

Ўзбекистонда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос заргарлик буюмлари бўлиб, улар рамзий маъноларга ҳам эга. Худди ҳозир никоҳ узуги тақиб олган ёшлар оилали эканини билдирганидек, Бухорода нозмунчоқлардан шокила илинган сиргани ёш келинлар тақан. Тиллақош, моҳитилло, гажақ, зебигардон, нозигардон, баргнусаха каби тақинчоқлар аёлларнинг табақаси, ёшини билдириб турган. Бухорода заргарлар маҳалласи мавжуд бўлиб,

у жой хануз «Тоқи Заргарон» деб номланади. Самарқанд заргарларининг ясаган тақинчоқлари ҳарбий юришлар, чет эллар билан алоқалар туфайли ўз даврида четда ҳам машҳур бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Сурхондарё томонларда қизил кўзли зирак ва узуклар келинлар учун, мовий кўзли тақинчоқлар катта ёшли аёллар учун ишланган. Уларнинг «маржон», «хапамат», «гулбанд», «хайкал», «томоқлов» сингари тақинчоқлари яқин йилларгача ўз моҳиятига кўра тақиб юрилган. Тошкент ва Фарғона водийсида заргарлик оилавий касб ҳисобланиб, бу ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб, ўрганилган. Устоз-шогирд аънаналарига содиқ қолинган. Шогирд энг нозик ишини яқунлаб, устадан оқ фотиҳа олмагунча ўзича мижозларга хизмат кўрсатмаган. Ҳар бир устанинг ишида, албатта, ўзига хос жиҳат бўлган. Айтишларича, бирор қимматбаҳо тақинчоқни таъмирлатиш учун заргарга олиб борилса, «бу фалон жойдаги фалон устанинг иши», деб бир-бирларининг иш услубларини танишар экан. Қорақалпоқ ва Хоразм заргарлик буюмлари ҳақида алоҳида мақолаларга мавзу бўла оладиган маълумотларни топиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, заргарлик соҳаси ҳам ўзининг узок ва сермазмун тараққиёти ва ҳудудий хосликларига эга.

— Миллий аксессуарларимизнинг бугунги кундаги такомиллашуви хусусида ҳам гапириб берсангиз...

Вақт ўтгани сари миллий аънаналаримиз, қадриятларимиз қаторида миллий тақинчоқларга ҳам эътибор кучаймоқда. Эндиликда миллий тақинчоқлар биргина рақосалар учун мўлжалланмаганини англаяпмиз, уларнинг фақат байрам-сайилларда, тўй-ҳашамларда эмас, кундалик тақинчоқ сифатида ҳам тақилишига ўрганилган. Бугун миллий тақинчоқлар талаб ва тақлифлар асосида такомиллашмоқда. Миллий либослар замонавий кўриниш олгани каби замонавий тақинчоқларга миллий кўриниш берилмоқда. Яъни геометрик шаклдаги, европа усулидаги тақинчоқларга ислимий нақшлар бериш, солинчакларни уйғунлаштириш

билан ҳам миллий, ҳам замонавий аксессуарлар яратилмоқда. Мураккаб композицион тузилишли, бугдой, япроқ, бодом нусаха тақинчоқлар мажмуаси (зирақ, узук, занжир) заргарларимиз томонидан маҳорат билан ишланмоқда. Бундай мураккаб санъат намуналари ўз устасидан кунт, малака, сабрдан ташқари меҳр ҳам талаб қилади.


— Миллий тақинчоқларимизга чет элликларнинг муносабати қандай?

Айни пайтда дизайнерларимиз миллий, аънавий заргарлик буюмларини ўрганиб, таҳлил қилиб, услублаштириб, янги замонавий руҳдаги аксессуарлар яратишмоқда. Бу билан ҳам аънаналар бардавомлиги, ҳам харидорғир маҳсулотлар яратилишига эришилади. Бугун юртимизда ўтказилаётган халқаро анжуманлар, мода ҳафталиклари, санъат ва дизайнлик кўргазмаларига келаётган чет эллик меҳмонлар барча миллий кийимлар, идиш ва буюмлар қатори миллий тақинчоқларга ҳам қизиқиш билдирмоқда. Бугун бу аксессуарларнинг қатори бошқа замонавий тақинчоқлар — сочтўғноғич, тугма, узук ва билагузукларнинг турли хиллари билан бойиган. Энг муҳими, либос дизайнерлари ўзлари яратган композицион либосларга хос тақинчоқларни ясаб ёки буюртма асосида ясашиб, кейин намоёйиш этмоқдалар.

Дунёда битта аёл қолса ҳам, заргарга иш топилади, дейишади. Бугун заргарлар қатори кўлда тақинчоқлар ясайдиган усталар ҳам бор. Бугун уларга ҳар қачонгидан ҳам иш мўл. Ўзбекнинг қўли гул ҳунармандлари ўз ишларига янада сайқал бериб, миллий қадриятларимизни такрор ва такрор намоёйиш этмоқда. Асосийси, ўзбек заргарлик маҳсулотларининг қиймати ясалган материали қиймати билан ўлчанмайди. Чунки уларда миллатимизга хос нозик дид, фаросат-малоҳат, ўлмас аънаналаримиз намоён.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Нигина ФУЛОМОВА
суҳбатлашди



Sahna ortidagi hangomalar

Шодмон ОТАБЕК

ҚАБУЛДА ОЛИМ ХЎЖАЕВ ЎТИРИБДИ

Машхур артист Олим Хўжаев Муқимий номидаги мусикали театрнинг янги спектаклларини канда қилмай кўраркан. Бир куни у шундай спектакллардан бирига бориб, биринчи қатордан жой олибди. Томоша бошланибди. Сойиб ака қозининг хизматкори ролини ўйнаётган экан. Қози:

— Ҳой, яна ким қолди ариза билан келган? — деб сўраса, Сойиб ака биринчи қаторда ўтирган Олим Хўжаевни кўриб қолиб:

— Таксир, қабулда Олим Хўжаев ўтирибди. Унинг ҳам арзини эшитиб, ишини ҳал қилиб берсангиз яхши бўларди, — дебди.

Олим Хўжаевни кўрган ва таниган томошабинлар «гур» этиб кулиб, гулдурос қарсақ чалиб юборишибди.

ТАНБУР

Юнус Ражабий маҳалласида Ҳожимурод полвон деган бир аравакаш яшарди. У Юнус акани ўзига яқин тутиб, баъзан ҳазил қилиб турарди. Кунлардан бир кун полвон ўзига танбур ясаб, устага совға қилади.

— Тўғрисини айтсам, — дейди Юнус ака ғалати танбурни кўлига олиб, — косаси чала ўйилган. Шунинг учун оғир бўлиб қолган. Овози ҳам яхши чиқмайди. Тутдан бошқа коса ўйиш керак. Қопқоғи ҳам яхши чиқмабди, унияма янгилаш лозим. Тутнинг майда тароқ тарасидан ясаган маъқул. Дастаси милтиққа ўхшаб қолибди. Силлиқ ўрик шохидан даста уланса, пардалари ичак ипидан бошқатдан боғланса, харраги билан қулоқлари ҳам бошқачароқ ўйилса, кейин сариқ сим тақилса зўр танбур бўлади. Тушундингми, полвон?!

— Э-э, тўхтанг-тўхтанг, Юнус ака, — дейди полвон ҳафсаласи пир бўлиб, — ундан кўра сенинг танбуринг ҳеч нарасага ярамайди деб кўя қолмайсизми?

— Нега ярамас экан, бунда бемалол данак чақса бўлади, — дейди Юнус ака кулимсираб.

КЕЛИШГАНИ ЎЗИНГИЗ

Ғанижон Тошматов моҳир созанда ва бастакор, уста аскиячи, ташкилотчи, лутфи нозик, ҳазил-мутойибаларга, қочиримларга бой эди. Уста дуторчи қизлар ансамблини бошқарган йиллар бир куни ишга барвақтроқ келади. Орадан кўп ўтмай дуторчи қизлардан бири кўринади ва устознинг ёлғиз ўтирганини кўриб сўрайди:

— Устоз, қизлар ҳали келишгани йўқми?

Ғанижон ака қизнинг келишган қадду қомастига, хушрўй чеҳрасига ҳавас билан, мулойимгина жилмайиб қарагач, шундай лутф қилади:

— Келишгани ўзингиз-да!

ҲАЛИ ЧАЛА...

Кунлардан бир куни Ғанижон аканинг хузурига бир созанда йигит ишга кирмоқчи бўлиб келади. Устоз ундан «Қандай чолғуларни чала оласиз?» деб сўрайди. Созандаси тушмагур камтарликни йиғиштириб қўйиб, ҳар қандай чолғуни ҳам қойиллатиб чала олишини айтади. Устоз бошини аста тебратганча йигитнинг истеъдодига «қойил қолган» бўлиб, шундай сўз ўйини қилади:

— Ҳа, чаласиз, чаласиз...

ЎЛИБ КЕТИШГАН

Кунлардан бир кун таниқли созанда Элмурод Исломов Абулқосим Тўйчиевнинг уйига телефон қилади. Овозини сал назартириб ҳазиллашади:

— Абул, ҳой Абул! Жимлик.

— Абул дейман, ҳой Абул!

Яна жимлик.

— Ҳой, нима бўлди? Нега даминг ичинга тушиб кетди?

— Ҳайронман, мени Абул дейдиганлар ҳаммаси ўлиб кетишган эди!

ЛАГАНДАГИ ҲИҚМАТ

Машхур мусаввир Чингиз Ахмаров кўли очиқ, саховатли инсон бўлган. Шогирдларини тез-тез уйига чорлаб, сийлаб турган. Бир куни уйидаги зиёфатда ўртадаги тўкин дастурхонга катта сопол лаганда буғи чиқиб турган иссиқ палов қўйилади. Ош мўлгина эди, лаган яримламай туриб шогирдлар андак сустрлашади. Шунда Чингиз оға дастурхонга қараб даъват қилади:

— Агар ошни ҳафсала билан, охиригача олсанглар, лаган тагида ҳазрат Навоийнинг бир ажойиб ҳикматини ўқийсизлар.

Устознинг сазасимиди ёки ростдан ҳам ҳикматга қизиқишмиди, ҳарқалай ошхўрлар тезда паловнинг чангини чиқаришади. Лаган тагида эса Навоийнинг шундай ҳикмати муҳрланган эди:

**Иззат тиласанг кўп дема,
Сихат тиласанг кўп ема.**

Ошдан бўкиб қолган ошхўрлар қоринларини чангаллаганча хо-холоб кулишади.

ҚИЗИҚЧИГА ОСОНМАС

Валижон Шамсиев эндигина қизиқчи сифатида тилга туша бошлаган кезлар эди. Кунлардан бир куни ўзига кўйлак сотиб олмоқчи бўлиб бозорга тушади. Расталарни айланиб юраркан, бир сотувчидан кўйлак нархини сўраш учун энди оғиз жуфтлаганда сўзи оғзида қолади.

— Э укажон, сизни танидим. Сиз...

— Опа, кўйлагингиз...

— Яқинда телевизордаям чиқувдингиз, тўғрими?

— Э боринг-э!...

Қизиқчи ҳафсаласи пир бўлиб, нари кетади. Айланиб, бошқа сотувчига рўбарў бўлади.

— Опа, мана бу кўйлагингиз...

— Келинг, келинг! Мана бу жойга ўтиринг.

— Кўйлак...

— Олдин бир пиёла чой ичинг. Мана, иссиққина, ҳозир термосдан қўйдим, ичинг.

— Опа, мен шошиб турувдим, кўйлагингиз...

— Э шошманг-да, шошган одам... кўйлакка ёлчимайдди. Олдин мундоқ ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг. Қачон, қаерда туғилгансиз? Ҳа энди биз ҳам санъатга қизиқамиз.

— Э боринг-э!

Қизиқчи яна кўл силтаб кетворади. Ноилож навбатдаги растага боради. Сотувчининг саволини кутиб ўтирмай ўзи гап бошлади:

— Салом! Яхшимисиз? Мен — Валижон Шамсиевман. Андижонда туғилганман. Машхур шоир Муҳаммад Юсуф билан ҳамқишлоқман. Хўш, сизни яна нима қизиқтиради? Ҳа, сўрайверинг, тортинманг!

Сотувчи аёл бир зум бу ғалати йигитга анграйиб қараб қолади, сўнг кутилмаганда тутоқиб кетади.

— Кўйлак оладиган бўлсанг — ол! Бўлмаса бунақа гаплар билан бошимни қотирма!

— Опажон, шошманг, мен... мен...

— Бор-бор, йўлингдан қолма!...



Ikir-fikrlar

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

ГАЗЕТАЛАРДАГИ ЭЪЛОНЛАРГА ПАРОДИЯЛАР

Йигитларга кашта тикишни ўргатамиз.

* * *

Муҳаббат изҳор қилишни ўргатамиз. Экологик тоза.

* * *

Сочларни чиройли тўктириш. «Мўйчинак» салони.

* * *

Болаларга алла айтиб ухлатаман.

Болтавой

* * *

Малакали гассол. Дин ва миллатнинг фарқи йўқ.

* * *

Тўйларда кўшиқ айтиб, азаларда бўзлайман.

* * *

Хофизларга авжини олишворадиган жўровоз керак. Маош овозбай.

МАТАЛНАМО ГАПЛАР

Икки жувон овораси.

* * *

Ит эгасини таниди. Эгаси итини танимади.

* * *

У гўрида ҳам тинч ётмади. Кела солиб қўшни қабрга кесак ота бошлади.

* * *

У камтар кўриниш учун кўкрак қафасидаги ҳавони сиқиб чиқарди.

* * *

У туни билан ўнгиб кетган эски-туски хотираларини титкилади. Ўзидан бошқа ҳеч кимни топа олмади.

* * *

Илҳоми унинг вужудига эмас, ижодхонасига «ташриф буюрди».

БОЛА БЎЛИБ ҚОЛСАЙДИК...

Соғиниб туринг

Тўрт ёшли Бегижон бобосига телефонда деяпти:

- Бобо, бизни соғиндингизми?
- Соғиндим, болам! Қачон келасизлар?
- Сиз янаям соғиниб тураверинг, кечкурун борамиз.

Ҳарфлар қочиб кетмасин

Беш ёшли Жавоҳир бобосидан сўраяпти:

- Бобо, нега китоб ўқиётганингизда кўзойнак тақиб оласиз?
- Ҳарфлар қочиб кетмасин, дейман-да...
- Унда нега бувимга қараганда кўзойнагингизни олиб қарайсиз?

Насиб этса...

Беш ёшли Бегижон бобосидан сўраяпти:


- Бобо, сочим қачон сизникидай оқаради?
- Мендай бўлганингда, болам.
- Қачон сиздай бўламан?
- Яна қирқ беш йилдан кейин.
- Қирқ беш йилдан кейин сиз кимдай бўласиз?
- Ҳа, болам-а, насиб этса... сендай бўламан.

«ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Натюрморт. 2. Тансиқбоев. 3. Витраж. 4. Жило. 5. Ойгул. 6. Лок. 7. Кандакорлик. 8. Кунгура. 9. Аспак. 10. Колорит. 11. Тақсим. 12. Мўйқалам. 13. Музаҳҳиб. 14. Беҳзод. 15. Далварзинтепа. 16. Автопортрет. 17. Тасвир. 18. Равок. 19. Қалам. 20. Мойбўёқ. 21. Қолип. 22. Панно. 23. Орнамент. 24. Тўлқин. 25. Намоён. 26. Нусха. 27. Аҳмаров.

«НОДИР АСАРЛАР» МУАММОНОМАСИ

Калит сўзлар: 1. Набиев. 2. Мирзаев. 3. Ранг. 4. Муродов. 8. Тасвир. 6. Мой.
Асарлар: «Зебунниси бегим», «Нодирабегим», «Увайсий», «Мутриба».



«НОДИР АСАРЛАР» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Қуйида муаллифлари баён этилган асарлар шаклдаги «нома» сўзи билан тугалланади. Уларнинг тўлиқ номларини топиб рақамли хонадан бошлаб энига йўналишида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Мумтоз шоир Абулқосим Фирдавсий достони. **2.** XIX асрга мансуб ўзбек шоири Очилмурод Неъматулло ўғли Мирий достони. **3.** XV аср шоири Амирий достони. **4.** XIX асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири Мулла Қурбон Хироний достони. **5.** Теурийлар даврининг машхур тарихнависи Шарафиддин Али Яздий асари. **6.** Кайковус қаламига мансуб Шарқда кенг тарқалган ахлоқий-таълимий мазмундаги асар. **7.** Маърифатпарвар шоир Муқимий асари. **8.** Ўрта аср шарқдаги биринчи тарихчи аёл Гулбаданбегим асари. **9.** Шоир ва олим Умар Хайёмнинг баҳорий шарқона айём ҳақидаги рисоласи. **10.** Машхур шоир ва давлат арбоби Носир Хисрав достони. **11.** Хамсачилик асосчиси, шоир Низомий Ганжавий достони. **12.** XIV аср ўзбек шоири нома жанрининг асосчиси Хоразмий достони.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Алишер Навоий тазкираси — «Мажолис-ун — 1, 4, 13, 2, 6, 5».

2. Абдурахмон Жомий достони — 7, 4, 16, 2, 12, 6, 5, 8, 2, 1.

3. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ислом дини асослари баён этилган шеърий рисоласи — 3, 9, 7, 4, 11, 11, 6, 1.

4. Геродотнинг «Тарих» асарида қайд этилган жангнома мавзудаги энг кўхна афсоналардан бири — 15, 6, 12, 2, 17.

5. Марказий Осиёнинг қадимий халқлари орасида машхур бўлган жангнома намунаси, қахрамон аёл ҳақидаги афсона — 8, 14, 3, 4, 12, 6, 5.

6. XVIII аср шоири ва адабиётшуноси Лutfалибек Озарнинг кўплаб шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар баён этилган асари — 2, 8, 4, 15, 10, 4, 18, 4.

7. Қадимги туркий халқлар бадиий ижодининг битиктошлар тарзидаги жанри — 19, 18, 1, 2, 3, 4.

Энди калит сўзлар жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда ифодаланган муаммонони ҳал этинг. Бунда улардан яна «нома» жанрида ёзилган ўнта нодир асар номини билиб оласиз.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**



Buyuk Behzod izdoshlari

Халқимиз азалдан санъатга қизиқиб, унинг ҳар бир турини мукамал ўрганишга, ривожлантиришга интилган. Моҳир усталар ўз билганларини шогирдларига сидқидилдан ўргатиб, унинг асрлар оша келажакка безавол етиб боришига ҳаракат қилишган.

Бугунги кунда миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган тасвирий ва амалий санъат, заргарлик, ўймакорлик, тўқувчилик каби санъат турларини ривожлантиришга, бу борада истеъдодли ёшларни камол топтиришга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Республика дизайн коллежи мамлакатимиздаги иқтидорли ёшларга ушбу санъатларнинг сир-синоатларини ўргатиб, уларга қанот бераётган нуфузли таълим муассасаларидан бир ҳисобланади. Ушбу саҳифамиз орқали мазкур коллеж ўқувчиларининг ижодий ишлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

